Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **6** июль, жума № **27** (2206).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **6** июля, **2007** год, № **27** (2206).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена договорная

Мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу эса Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Ислом КАРИМОВ

ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июль куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари – Ислом Каримов ва Владимир Путин 2004 йилда Стратегик шериклик, 2005 йилда эса Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Бу ҳужжатлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Бугун Ўзбекистон-Россия муносабатлари барча соҳаларда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин. Хусусан, 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Экспорт ва импортнинг таркиби кенгайиб, салмоғи ортиб бормоқда. Ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олди. Бу 2005 йил кўрсаткичидан 3 карра кўп демакдир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосан машинасозлик, ёғочни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, электротехника ва фармацевтика каби соҳаларда жадал ривожланмоқда. Нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия ҳам устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастурий таъминот, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларнинг истиқболи порлоқ.

Шунингдек, сармоявий ҳамкорлик кенгаймоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида тўрт юз элликдан зиёд, Россияда Ўзбекистон сармояси билан уч юзга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат ҳам амалда. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий маҳсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, кадрлар тайёрлаш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотни тадқиқ этиш бўйича давлатлараро дастурлар тузиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон ва Россия Президентлари кейинги даврда икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик фаоллашиб бораётгани муносабати билан ҳамда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу органнинг маҳомини кўтаришга келишиб олдилар. МДҲнинг яқинда Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммити чоғида Владимир Путин мазкур қўшма комиссияга Россия Федерацияси томонидан ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари С.Иванов ҳамраис бўлишини маълум қилди.

– Президент Владимир Путиннинг ушбу қарори Россиянинг Ўзбекистон билан муносабатларга муҳим аҳамият бериб, ўзаро ҳамкорлик суръатини янада оширишга интилаётганидан далолатдир, – деди Ислом Каримов. – Ўзбекистон-Россия муносабатлари жадал ривожланмоқда, алоқалар ўзаро ишончга асосланган, ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Сиз раҳбарлик қилаётган делегациянинг таркиби ҳам Россияда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга иштиёқ кучли эканлигини кўрсатади. Тошкентда ўтадиган музокаралар самарадор натижалар билан якунланишига ишонамиз.

С.Иванов Россия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан деб билишини, ташрифдан кўзланган асосий мақсад ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқишдан иборат эканлигини таъкидлади. Хусусан, юқори технологиялар соҳасида илмий-амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун икки томонда ҳам катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА).



Комолидин ТЎРАЕВ сурата олган.

Сергаклик — асосий қуролимиз!

СЕРГЕЙ ИВАНОВ:

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИ – РИВОЖЛАНГАН ВА БАРҚАРОР

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Иванов 4 июль куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди.

Икки мамлакат ҳукуматларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида Ўзбекистон ва Россиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, молия, энергетика, нефть-газ, транспорт коммуникациялари, мебелсозлик, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат Президентлари – Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи ва авиасаноат соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик тармоқ инфратузилмасини ривожлантириш, геология-разведка, конларни аниқлаш ва ўзлаштириш, энергия манбаларини ташиш каби тадбирларни кўзда тутади. Авиасозлик соҳасида эса икки мамлакат ҳамкорликда самолёт ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шуғулланади.

Музокараларда коинот тадқиқотлари, атом энергетикаси, банк-молия, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан эканини алоҳида таъкидлаб, Россия мамлакатимиз билан савдо-сотиқ ҳажмини янада оширишдан манфаатдор эканлигини қайд этди. Унинг таъкидлашича, Россия Ўзбекистон иқтисодиётига киритаётган сармоя ҳажмини янада кўпайтириш ниятида.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қарийб барча йўналишларда, жумладан, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва электротехника каби соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам тобора кенгаймоқда.

2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жорий йилда ушбу кўрсаткич сезиларли даражада кўтарилиши кутилмоқда. Ўзбекистондан Россияга хомашё ва ярим хомашё маҳсулотлар қаторида асбоб-ускуна, транспорт воситалари ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади. Россиядан Ўзбекистонга транспорт воситалари, металлни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотлари импорт қилинади.

Учрашувда, шунингдек, мудофаа ва хавфсизлик, миграция соҳаларидаги ҳамкорликка доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистонда Россия ва Россияда Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат фаолияти ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, ноқонуний миграцияга қарши кураш борасида ҳамкорлик ҳақидаги, реадмиссия тўғрисидаги битимлар, шунингдек, Иордания буюртмаси бўйича Ил-76МФ русумли самолётларни етказиб беришга оид шартнома имзоланди.

С.Иванов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда ташриф доирасидаги музокаралар самарали кечганини, имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

– Музокараларимиз натижаларидан мамнунмиз, – деди Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари. – Ўзбекистон бозорини яхши ривожланган ва барқарор бозор сифатида эътироф этамиз. Сўнгги ойларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 46,9 фоиз ўсди. Бу яхши кўрсаткич, албатта, лекин ҳали мамлакатларимиз салоҳияти тўла ишга солингани йўқ. Тошкентда ўтган музокаралар асносида Ўзбекистонга қўшимча сармоя киритиш борасида келишиб олдик.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ЙЎЛИДА

Самарқанд вилоят ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказида «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш» мавзуида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган ёш саёҳатчилар, соҳа мутахассислари, ўлкашунослик марказлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жойларда шу асосда учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Мазкур семинарда истиқлол йилларида маънавий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилган ютуқлар, улкан ўзгаришлар хусусида сўз борди. Хусусан, ёш авлодни ҳар томонлама етук, Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоялаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинар иштирокчилари миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш юзасидан самарқандлик ҳамкасблари фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Шунингдек, бу борадаги ишлар таъсирчанлигини ошириш, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.

– Юртбошимизнинг ушбу қарорида бизнинг зиммамизга катта масъулият юклатилган, – дейди Жиззах вилоят ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази услубчиси Шоира Мўминова. – Ўтган давр мобайнида бу борада муайян ишларни амалга оширдик. Аммо бугунги семинар давомида ҳали бажаришимиз лозим бўлган юмушлар кўплигини англадик. Зеро, ёшларни миллий ғоя асосида тарбиялаш ва маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш доимий вазифамиз бўлиб қолади.

Тадбир доирасида семинар қатнашчилари вилоятдаги тарихий обидалар ва диққатга сазовор жойларни зиёрат қилдилар. Вилоятдаги ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари ўртасида ўтказилган «Соғлом авлод - келажагимиз таянчи» спорт-сайёҳлик мусобақалари ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ФАРМОЙИШ – ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРМОҚДА

Истиқлолга эришилган илк йилларданоқ таълим соҳасига, кадрлар тайёрлаш масаласига улкан эътибор қаратилганини яхши биламиз. Бундан ҳарбий таълим соҳаси ҳам мустасно эмас. Ахир, асос солинган армиямиз сафларини миллий кадрлар ҳисобига тўлдириш кун тартибида долзарб бўлиб турганди-да.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ФЛАГМАН ВОЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ СТРАНЫ

Состоялся очередной выпуск в Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан

«Созданная за годы независимости система подготовки офицерских кадров, нацеленная на обеспечение высокого профессионализма командиров всех уровней, стимулирование их всестороннего интеллектуального развития, коренным образом изменила их качественный состав и позволяет укомплектовывать Вооруженные Силы подготовленным, современно мыслящим командирским составом, отвечающим высоким требованиям нашего времени».

Ислам КАРИМОВ,
Президент Республики Узбекистан,
Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами.

(Продолжение на 3-й стр.).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК КЎПРИГИ


Дурдонадир, ягонадир, бу фестиваль, деб ёзган эканман, мақолаларимдан бирида. Гап «Шарқ тароналари» фестивали борасида, Президентимиз ташаббуси билан асос солинган улкан санъат байрами ҳақида кетяпти. Буни қарангки, бугун фестивалимиз ўн ёшга киряпти.

(Давоми 8-бетда).



2 ИДЕТ ЛЕТНЯЯ БОЕВАЯ УЧЕБА

В СПОРЕ МИНОМЕТНЫХ РАСЧЕТОВ



5 POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

SHAKLLANAR, TOBLANAR O‘G‘LON



6 2007 ЙИЛ – ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ

КЕКСАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК



10 БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

«ВАТАННИ ШАРАФЛАШ – ШИОРИМ»

Идет летняя боевая учеба

КОМАНДИРЫ ВЕДУТ ЗА СОБОЙ

В разгаре летний период обучения. Занятия в классах, парках и в поле способствуют формированию у воинов профессионализма, важных навыков и качеств, необходимых для успешного выполнения служебных обязанностей. Традиционно в процессе обучения успех зависит и от организующей роли командира. Например, в подразделении старшего лейтенанта Б. Саидвалиева практически каждый военнослужащий в этом подразделении стремится быть похожим на своего командира.

Здесь с началом летнего периода обучения одно за другим качественно проводятся занятия. Теория и практика дополняют друг друга. Все элементы отрабатываются до автоматизма. Занятия идут по принципу: от простого к сложному. Конечно, в обучении личного состава, немалую роль играет человеческий фактор. В данном случае благодаря кропотливой организаторской работе, проделанной офицером Б. Саидвалиевым, все подопечные не только тщательно изучают преподаваемый материал, но и получают практические навыки. Во время проведения занятий по изучению тактико-технических характеристик техники и вооружения или выполнения нормативов в парке царит атмосфера всеобщей заинтересованности. Воины с неподдельным интересом слушают объяснения очередных тем, следят за действиями командиров.

А если возникают вопросы, то за ними следует детальный разбор, пока всем находящимся на занятии не становится предельно ясно, о чем идет речь. Подобная скрупулезность – не самоцель. Важно, чтобы знания и навыки, полученные воинами, были прочными. Только тогда любой военнослужащий будет полностью уверен в себе и находящемся рядом товарище. Это, в свою очередь, позволит качественно и в срок выполнять учебно-боевые задачи.

Об этом постоянно говорит офицер Б. Саидвалиев своим подчиненным. Такой же вдумчивый, взвешенный подход к доверенному участку службы прослеживается и у многих других молодых офицеров части.

Так, старший лейтенант У. Бориев, постоянно повышающий уровень своей офицерской подготовки, использует каждую минуту для укрепления воинской дисциплины среди подчиненных. В итоге в его подразделении за отчетный период не имеется ни единого правонарушения. Согласитесь, весомый результат. Заслуженным авторитетом среди личного состава пользуется и лейтенант А. Тухтабаев, который также ответственно подходит к решению стоящих перед ним задач.

Пример образцового выполнения служебных обязанностей демонстрируют сослуживцам и выпускники школ подготовки сержантов младшие сержанты Б. Умурзаков и О. Бекмуродов. Немало сделано в данных подразделениях и для качественного выполнения нормативов, упражнений учебных стрельб на полевом выходе.

Отрадно, что соревновательный дух, тесное взаимодействие, личный пример молодых офицеров, стремление их к высокой личной подготовленности положительно сказываются и на результативности вверенных коллективов, зажигая подчиненных вдохновляющей силой. А по итогам первых месяцев боевой учебы данные подразделения держат лидирующие позиции.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

В СПОРЕ МИНОМЕТНЫХ РАСЧЕТОВ



Минометная батарея старшего лейтенанта Зоира Хамраева успешно решает задачи огневой поддержки мотострелковых подразделений в учебном бою во многом благодаря умелой организации соперничества между огневыми расчетами. На недавнем полевом выходе с боевой стрельбой атмосфера состязательности помогла добиться отличных результатов.

Минометный расчет только завершал оборудование закрытой огневой позиции на неприметном горном склоне, как вдруг заработала портативная рация у командира миномета сержанта Дилера Хайдарова. Расположенное впереди подразделение артиллерийской разведки доложило о наблюдении группы передового дозора условного противника. После доклада на КНП батареи принято решение уничтожить цель.

И закипела боевая работа огневых расчетов: принимаются от корректировщиков огня координаты цели, после первых пристрелочных выстрелов тут же оперативно делаются поправки. Уже после вторых залпов идут доклады от разведчиков – цели поражены! И сразу начало отсчет время на смену огневой позиций.

Если в поражении целей наилучшие показатели были у минометного расчета сержанта Д.Хайдарова, то при выполнении нормативов по смене огневой позиции вперед вырвался расчет под командованием младшего сержанта Сирожиддина Бобокулова. А на следующей огневой задаче уже отличился расчет младшего сержанта Одила Эшонкулова.

Вот так, в остром соперничестве, проходит этот день боевой учебы. Сержанту Д.Хайдарову, прошедшему два курса обучения в окружной школе подготовки сержантов, за счет большего опыта и сноровки удается к исходу дня вернуть лидерские позиции. Однако настоящий профессионал прекрасно понимает, что у него нет оснований расслабляться, соперникам явно не занимать упорства и честолюбия.

В коротких паузах между стрельбами и сменой огневых позиций минометчики решают огневые задачи по управлению огнем подразделения. Вот и для наводчиков рядовых по контракту Элдора Очилова, Бекзода Юсупова и Нодира Хайдарова данный полевой выход стал замечательной школой практики и профессиональной выучки. Молодые люди только недавно приступили к службе по контракту, теперь им предстоит доказать свое право получить направление на учебу в сержантскую школу.

В современном бою, отличающемся скоротечностью и напряженностью, от минометчиков требуется не только отменная слаженность взаимодействия, но и полная взаимозаменяемость. Например, артиллерийским разведчикам надо уметь скрытно вести наблюдение за противником, точно корректировать огонь, умело пользоваться биноклем, буссолью, курвиметром и другими приборами. Кандидаты на учебу в школе подготовки сержантов военного округа в эти дни усиленно трудятся над повышением уровня боевой выучки подразделения. Они прекрасно понимают, что выставленная им на итоговой проверке за учебный год оценка станет основой для принятия решения о направлении их на учебу.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото Камолиддина ТУРАЕВА.

Твои герои, Узбекистан!

УКРЕПЛЯЯ БРОНЕВОЙ ЩИТ РОДИНЫ

В Праздничном поздравлении защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова подчеркивается, что «сегодня сержантский корпус становится поистине несущим хребтом нашей армии, наставником солдат, надежным помощником офицеров». Эти слова главы нашего государства в полной мере относятся и к младшему сержанту Авазбеку Сирожиддинову, удостоенному за успехи в ратном труде высокой государственной награды – медали «Шухрат».



В дружном трудовом коллективе танкоремонтного завода, где служит старшим техником в цехе по ремонту колесной техники младший сержант А.Сирожиддинов, его ценят и уважают не только как классного специалиста, но и как надежного товарища, дисциплинированного и бдительного воина, настоящего профессионала.

Уроженец кишлака Назармахрам Шахриханского района Андижанской области Авазбек срочную службу проходил в Войсках противовоздушной обороны. Однако службу по контракту начал в воздушно-десантном подразделении. Именно там, в должности механика-водителя боевой машины десанта, он по-настоящему утвердился в понимании того, насколько важен броневой щит для победы воина в современном бою.

Командование оценило стремление военного профессионала качественно обслуживать вверенную боевую технику, умение быстро находить и умело устранять возникшие неполадки. В скором времени младший сержант А.Сирожиддинов продолжил службу на танкоремонтном заводе. Возвращая в строй прибывшие из воинских частей бронетранспортеры, Авазбек вносит свой весомый личный вклад в укрепление броневого щита независимого Узбекистана.

– Младший сержант Сирожиддинов подает пример сослуживцам во всем, особенно в точном и качественном выполнении суточных заданий, – отзывается о нем старший лейтенант Муминжон Икрамов. – Перед отправкой в войска отремонтированных бронетранспортеров обязательно проводятся их заводские испытания. Так вот, Авазбек является одним из тех специалистов, которые выполняют эту важную операцию. Честь заводской марки, наши гарантии качества выполненного ремонта доверяются только специалистам высокого класса.

Сослуживцы отметили и такое важное качество нашего героя, как неуемное желание постоянно пополнять багаж своих знаний и навыков. Общаясь со старшими и опытными товарищами, Авазбек старается перенять все лучшее от своих коллег. Начальник производства майор Шакарали Азизов обратил внимание сержантского состава завода на этот момент. Ведь настоящий профессионал никогда не будет самонадеянно считать, что всего достиг и все знает, а будет настойчиво трудиться над повышением своего уровня. В дружном коллективе вопросы повышения классной квалификации, поощрения стремления личного состава к росту своего уровня поставлены во главу угла.

Одним из своих первых помощников считает младшего сержанта А.Сирожиддинова и офицер-воспитатель капитан Хуршид Кадыркулов. Ведь в вопросах становления молодых выпускников сержантских школ, воспитания у них воинской и трудовой дисциплины помощь таких опытных сержантов трудно переоценить. Если возникли какие-либо проблемы на данном участке, то Авазбек всегда готов поделиться соображениями, исходя из личного служебного и жизненного опыта.

Высокая награда Родины вдохновляет на новые свершения: Авазбек и не думает «почивать на лаврах», а упорно трудится над тем, чтобы и в этом году не уступить лидерства в соревновании на звание «Лучший сержант». Ведь жизнь не стоит на месте, надо изо дня в день доказывать право на первенство.

Майор Баходир УТАНОВ.
Фото Камолиддина ТУРАЕВА.

Для вас, офицеры-артиллеристы!

ЗАДАЧИ ШЕСТОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Составить приближенный бюллетень, если имеется устаревший бюллетень «Метеосредний».

«Метео 1101 – 23141 – 0070 – 50512 – 02 – 155307 – 04 – 145205 – 08 – 14805 – 12 – 104705 – 16 – 094605 – 20 – 084605 – 24 – 084606 – 30 – 084606 – 40 – 084605».

Измерение метеорологическим постом производилось 23 июля в 18 часов 30 минут. Высота метеопоста над уровнем моря 90 м, наземное давление атмосферы 742 мм рт.ст., наземная температура воздуха + 21 градус. Направление и скорость наземного ветра определяются с помощью ДМК. Результаты отсчетов показаны в таблице:

альфа Vo (град)	270	275	265	270	280	275	275	270	270	265
Vo (м/с)	3,5	4,0	4,5	3,0	4,0	3,5	3,0	3,5	3,5	4,0

ЗАДАЧА № 2

Определить пристрелянные поправки дальности, направления и взрывателя, если батарея 122-мм ГД-30 создала воздушный репер в следующих условиях: снаряд ОФ-462, взрыватель Д-1-У, заряд четвертый, $П_п^R = 88$, $Ур_п^R = 30 - 20$, взрыватель $N_п^R = 58$, $\partial_п^R = +0 - 60$, hб = 90 м, h нп = 120 м. По результатам засечки четырех воздушных разрывов с НП определены средние по группе: Дк=1500 м, $M_R = +10$, $Д_т^R = 4230$ м, $\partial_т^R = +0 - 65$.

ЗАДАЧА № 3

Вычислить в треугольнике АВС длины сторон АС и ВС, если известны сторона АВ = 317,6 м, угол А = 15 – 31, угол В = 5 – 38.

ЗАДАЧА № 4

Определить величину срединного отклонения в дальности при стрельбе по цели, расположенной на обратном скате, если Вд = 40 м, угол падения равен 30 градусам, и крутизна ската равна 16 градусам.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ ПЯТОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Вначале следует определить астрономический азимут на Луну. Летом полная Луна находится на юге в 2 часа, на часах же КГУ было 1 час 24 минуты. Как известно, угловая скорость движения небесных светил, в том числе и Луны, равна одному градусу за четыре минуты. Следовательно, за оставшееся время до 2.00 Луна совершит путь, равный 36:4=9 градусам. Отсюда азимут на Луну равен:

180 град. – 9 град. = 171 град.

Астрономический азимут движения колонны составит 171 град. + 42 град. = 213 град.

ЗАДАЧА № 2

Огневая задача командиром батареи выполнена:

по первому условию – на оценку «хорошо». Допущены ошибки: при выборе заряда, что не обеспечило выполнение задачи стрельбой на рикошетах; в назначении веера разрывов (0 – 04); расходе снарядов при стрельбе на поражение;

по второму условию – на оценку «отлично». Время выполнения задачи соответствует оценке «отлично»;

по третьему условию – на оценку «отлично». Отклонения по Д 0,8 % дальности топографической, по направлению в норме 0 – 02.

Общая оценка выполнения задачи батарей 122-мм гаубиц Д-30 – «неудовлетворительно», так как назначенный расход снарядов для стрельбы на поражение – менее половины требуемой нормы.

ЗАДАЧА № 3

Вероятность хотя бы одного попадания составит 68,4%.

ЗАДАЧА № 4

Сближение меридианов равно: минус 0 – 38.

Сержанты – становой хребет армии

ЗА ОТЛИЧИЕ В СЛУЖБЕ

В нашей газете уже рассказывалось о проведении показательного занятия, посвященного демонстрации боевых возможностей средств инженерного вооружения и техники. По его итогам целый ряд военнослужащих удостоился поощрения за отличие в службе.

Например, для командира группы инженерно-ремонтного взвода сержанта Гани Каюмова прекрасным стимулом для успешного несения службы в летнем периоде обучения стали именные часы, которыми младший командир был награжден по итогам упомянутого выше показательного занятия от имени начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Теперь всякий раз, поднося руку к глазам, чтобы назвать по просьбе товарища точное время, военный профессионал с гордостью вспоминает тот день, когда перед всем строем личного состава ему был вручен этот ценный и дорогой подарок. Сержант Г.Каюмов и раньше отличался среди товарищей своим ревностным отношением к исполнению служебных обязанностей, но это поощрение в еще большей степени обязывает не снижать планку требовательности к себе и подчиненному личному составу.

Вообще, проведенное показательное занятие стало большой школой роста профессионального мастерства всего этого подразделения. Современная инженерная техника, находящаяся в пункте постоянной дислокации, была доставлена в район боевого применения, чтобы перед большим числом военнослужащих были блестяще и во всей красе продемонстрированы ее боевые возможности.

Среди тех, кто немало и самоотверженно потрудился, высоко оценен ратный труд техника данного коллектива младшего сержанта Дильшода Эрматова. Опытный профессионал в числе группы военнослужащих был удостоен памятного знака министра обороны. В основе успехов в летней боевой учебе, достигнутых техником подразделения, лежит и гордость за высокую оценку его вклада в показательное занятие.

Ответственность младшего командира, его умение нацелить подчиненный личный состав на безусловное и точное выполнение поставленных командованием задач, организовать учебно-боевую работу с обязательным условием строгого соблюдения мер безопасности – все эти качества приходят с годами. Однако высокая оценка ратного труда вышестоящим командованием окрыляет профессионалов, вдохновляет на новые успехи. Поэтому для командира группы младшего сержанта Урала Муратова и командира секции младшего сержанта Валижона Ярбекова награждение их Памятным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил стало таким серьезным стимулом для дальнейшего успешного несения службы.

Значимость инженерных подразделений для обеспечения повседневной жизнедеятельности войск невозможно переоценить. Начиная с полевого водоснабжения, наведения мостов и понтонных переправ, до оборудования позиций войск, проделывания проходов в минных полях противника, установки невзрывных заграждений – вся эта большая и многотрудная работа ложится на плечи воинов инженерных подразделений. Победа в современном бою невозможна без опоры на профессионалов своего дела, вооруженных самым современным вооружением и военной техникой.

Майор Анвар КАСЫМОВ.

МАШҒУЛОТДА ДАДИЛЛИГИ НАМОЁН

Миллий армиямизнинг барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларида бўлгани сингари офицер Ғайрат Каримов етакчилик қилаётган взвод посбонлари айни пайтда қизғин паллага кирган ёзги ўқув мавсуми машғулотларида фаол иштирок этиб келишмоқда. Ҳарбий жамоанинг ҳар бир вакили нафақат жисмоний ва тактик, балки ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар бўйича ҳам билим ва кўникмаларини оширган ҳолда синов машғулотларига пухта ҳозирлик кўришмоқда.

– Ушбу мавсумда илғорликни қўлга киритишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, – дейди оддий аскар Соҳиб Аралов. – «Ҳушёрликни сақлаш, жанговар малака ва касбий маҳоратни ошириш, вазиятнинг ҳар қандай шароитида Ватанни, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга тайёр туриш – энг муҳим вазифамиздир!» шиори остида кечаётган ўқув йилида ҳар бир посбон ўз масъулиятини чуқур англаган ҳолда зиммасидаги вазифаларини виждонан адо этишмоқда. Дарҳақиқат, биз, яъни профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямизнинг ишончли қалқонлари бўлган аскарлар юксак малакага эга бўлсак, ҳарб илмини пухта ўзлаштирсак, Ватанимиз, халқимиз олдидаги йигитлик бурчимизни аъло даражада уддалаган бўламиз.

Оддий аскар Соҳиб Араловдан ташқари мазкур взводда унинг қуролдош дўстлари – Нодир Рашидов ҳамда Акбар Рашидовлар ҳам етакчиликка интилаётган шунқорлардан ҳисобланади. Барча замонавий техника ва қурол-аслаҳалардан фойдаланган ҳолда машғулотларни олиб бораётган бу ўғлонлар ўзларига топширилган ҳар бир топшириқни юксак даражада уддалаб келишмоқда.

Ҳар бир жанговар вазифага масъулият билан ёндашиб, юксак малака ва билимга эга бўлиб, жанговар шайлигини ошириб келаётган взвод шунқорлари ўз ютуқларини истиқлолнинг 16 йиллик тўйига туҳфа қилишга аҳд қилишган. Сафларда жавлон ураётган қалби қайноқ бу йигитларнинг мавсум давомида янгиянги ютуқларни забт этишига ишонамиз, албатта.

Агнеш ҚУРБОНОВ.

«ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

ФЛАГМАН ВОЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ СТРАНЫ



(Окончание. Начало на 1-й стр.).

В преддверии самого дорогого для всех нас праздника – шестнадцатой годовщины независимости Узбекистана – состоялся очередной выпуск элиты офицерского корпуса нашей национальной армии, который направляется в войска и военные учреждения, чтобы личным вкладом крепить оборонную мощь нашей Родины.

На торжествах по случаю выпуска в Академии Вооруженных Сил выступил первый заместитель министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майор Виктор Махмудов, поздравивший выпускников с этим незабываемым событием. Он вручил офицерам-выпускникам дипломы и пожелал быть всегда примером ответственности, инициативы и исполнительности.

В своем выступлении начальник Академии Вооруженных Сил генерал-майор Феруз Усманов высказал слова признательности руководству за постоянное внимание к вопросам подготовки высших военных кадров, благодарности командно-преподавательскому составу учебного заведения за самоотверженный труд по повышению качества обучения, а также самим слушателям за неутомимый поиск новых знаний. Офицеры Улугбек Мамасаидов, Алишер Ризаев и Тимур Джумаев закончили учебу с отличием, подав прекрасный пример сослуживцам.

От имени выпускников с ответным словом выступил майор Дильшод Чарыев. Поблагодарив наставников за полученные богатые знания и навыки, он заверил командование, что офицеры данного выпуска внесут достойный вклад в реформирование Вооруженных Сил, надежную защиту созидательного мирного труда граждан Узбекистана.

На торжествах были зачитаны приказы министра обороны о назначении на должности выпускников Академии, присвоении очередных воинских званий ряду офицеров, награждении преподавательского состава и отличников учебы. Так, Памятного знака министра обороны удостоились полковники Иосиф Коник, Владимир Лысенко, Александр Покровский, а подполковник Улугбек Мамасаидов, майоры Алишер Ризаев и Тимур Джумаев награждены именными часами. Приказом начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил всем отличникам учебы присвоена классная квалификация военный специалист 1-го класса.

По окончании торжественной части перед выпускниками и гостями праздника выступили артисты Центрального ансамбля песни и танца Вооруженных Сил.

– Очень горжусь своим сыном, его достойной службой в нашей армии, – говорит мама офицера, Вера Ивановна Ризаева. – Девять лет назад наш Алишер окончил Чирчикское высшее танковое командно-инженерное училище, с тех пор мы внимательно следим за его военной судьбой. Считаю, что ему повезло на добрых наставников и командиров, которые оказали содействие в пору становления. Большое им всем материнское спасибо!

Кстати, годы учебы в столице запомнятся офицеру не только получением диплома с отличием, в этом году у Алишера и его супруги Ольги родился сын Комилжон, которому недавно исполнилось четыре месяца.

Чисто военная семья у подполковника Маъмуржона Джураева – супруга офицера, Зиёдахон, рядовой по контракту. А офицера-воспитателя Искандера Маллаева поздравили члены семьи с успешным окончанием Академии Вооруженных Сил.

– Мой муж закончил Академию и получил новое назначение, – говорит супруга офицера Гульнора. – За двенадцать лет нашей совместной жизни нам пришлось пожить в разных регионах страны. И везде мы ощущали заботу руководства страны о нуждах военной семьи, об укреплении каждой ячейки нашего общества.

В семье офицеров Джумаевых профессия защитника Родины является потомственным делом: ратную службу отца, полковника Тохира Джумаева, достойно продолжают сегодня сыновья Руслан и Тимур, оба с отличием окончили Академию Вооруженных Сил. За годы независимости в Узбекистане сформировалось немало военных династий, ведь дело защиты Отечества стало по-настоящему делом престижным, достойным всеобщего уважения и почета.

Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**





Подполковник Улугбек МАМАСАИДОВ:

– Бугун Қуролли Кучларимизда изчил ислоҳотлар ўтказилмоқда. Юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш – ушбу ислоҳотларнинг энг устувор вазифаларидан биридир. Биз офицерлар корпусига қўйилган талабларга, яъни, Ватанга содиқ командир, етук мутахассис бўлишга, ҳарбий бўлинмаларни бошқара биладиган, ҳарбий соҳанинг чуқур билимдони, кенг дунёқарашли ва жанговар техникани ишлатиш сирларини мустаҳкам эгаллашга ҳаракат қиламиз. Ўтказилаётган ислоҳотлар йўлида эришаётган зафарларимизнинг, ҳамиша олға юришимизнинг манбаи деб, ҳисоблайман.



Подполковник Алишер САИДОВ:

– Биз битирувчилар барча олган билимларимиздан Қуролли Кучларни ислоҳ қилишда, профессионал, интеллектуал салоҳиятга эга, замон талабларига жавоб берадиган миллий армияни ташкил этишда фойдаланамиз ва маҳоратимизни амалда қўллаб, давлатимиз мудофаа қудратини оширишда, шунингдек, бу ерда назарий ва амалий жиҳатддан орттирган сабоқларимизни хизматимиз давомида янада бойитиб бориш билан бирга қўл остимиздагиларга ҳам ўргатиб, юқори жангавор шайликни оширишга ўз ҳиссамизни қўшамиз деб, ишонтирамиз. Академияда мен ҳақиқий армия мактабини ўтадим десам, асло янглишмайман.



Майор Темур ЖУМАЕВ:

– Қуролли Кучлар Академиясида ўқиш давомида биз етарлича илмий-назарий билимлар билан бир қаторда, қўмондон-штаб ва далаўқув машғулотларида амалий билимларга ҳам эга бўлдик. Икки йиллик самарали таҳсил давомида ҳарб илми сирларини бизга мукаммал ўргатган ҳамма устоз-офицерларга барча битирувчилар номидан катта раҳмат айтиб қоламан. Барчамиз буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканлигимиздан фахрланамиз. Шундай экан, биз ҳам улардек ватанпарвар бўлиб, бор куч ва билимимизни Ўзбекистонимиз тинчлиги ҳамда фаровонлиги йўлида сарф қилишга сўз берамиз.





Ислоҳотлар самараси

УСТУВОР МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

Яқинда Мудофаа вазирининг буйруғига кўра Қуролли Кучлар Академияси ва олий ҳарбий таълим муассасаларига танловдан ташқари ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома тасдиқланди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳужжат конституциявий бурчини бажариш давомида юксак натижаларга эришган ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, Қуролли Кучлар Академияси ва Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда номзодларни тайёрлаш ва қабул қилиш борасидаги ишлар сифатини, самарадорлигини янада оширишга қаратилган.

Юксак жанговар тайёргарлик ва профессионализм, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтириш, сержант ва офицерларда етакчилик хусусиятларини ривожлантириш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга йўналтирилган «Энг илғор мутахассис» танлови борасида тўхталар экан, Президентимиз «...Ана шундай танловларни бутун армия миқёсида ўтказиш тажрибасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Танловда қатнашадиган ҳарбий хизматчиларни муносиб тақдирлаш тизимини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, яъни танлов ғолибларига муддатидан аввал навбатдаги ҳарбий унвонлар бериш, уларни моддий рағбатлантириш миқдорини ошириш, ҳарбий ўқув юртларига ўқишга киришда улар учун қўшимча имтиёзлар беришни кўзда тутиш даркор», дейди Ватан ҳимоячиларига йўлланган байрам табригида. Йўриқнома Юртбошимизнинг байрам табригидан келиб чиқадиган устувор вазифаларни бажариш йўлидаги муҳим ишлардан бири бўлди.

Маълумки, замонавий, профессионал асосдаги миллий армияни шакллантирар эканмиз, миллати, тили ва динидан қатъи назар шу юртнинг сувини ичиб, тузини татиган ватанпарвар фуқароларга таяниб, суяниб келяпмиз. Ўз ҳаётини, тақдирини миллий армиямиз билан боғлаган юртдошларимиз доимо давлатимиз раҳбарияти эътиборида бўлиб, ҳарбий хизматни Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи санайдиган марду майдонларимизнинг хизматлари муносиб тақдирланиб келинаётганини кўриб, билиб турибмиз. Таъкидланаётган йўриқнома ҳам бу борадаги эзгу ишлардан. Келинг, шу ўринда йўриқнома мазмун-моҳияти борасида бироз тўхталиб ўтайлик.

Йўриқномага кўра, Қуролли Кучлар Академиясига «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига эга офицерлар суҳбат натижаларига биноан, яъни кириш текширувлари, синовларисиз қабул қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари билан тақдирланган, Ватанимизни ҳимоя қилишда ва тинчликпарвар операцияларда юксак маънавий-жанговар сифатларини намоён этган, «Энг илғор батальон командири» («Энг илғор чегара базаси бошлиғи») танловининг республика босқичида ғолиб чиққан офицерлар текширувлар ва тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 33,3 фоизидан кам бўлмаган натижага эришганда танловдан ташқари қабул қилиниши белгилаб берилган.

Олий ҳарбий билим юртларига эса касбий танлов талабларига жавоб берувчи ва саломатлиги бўйича яроқли бўлган, Халқ таълими вазирлигининг гувоҳномасини олган халқаро ва республика олимпиадалари ғолиблари танловдан ташқари, тест синовларисиз Мудофаа вазирлиги қабул комиссиясининг қарорига биноан қабул қилинади. Қолаверса, мамлакатимиз орден-медаллари билан тақдирланган, «Энг илғор сержант» танловининг республика босқичида ғолиб чиқишган, Ўзбекистоннинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишда ўз хизмат бурчини бажараётиб қаҳрамонларча ҳалок бўлган ёки жароҳат олган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, республикамиз меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари текширувлар ва тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 33,3 фоизидан кам бўлмаган натижага эришганда танловдан ташқари қабул қилиниши белгиланган.

Бугун, замонавий миллий армияни шакллантираётган эканмиз, кадрларнинг юксак талабларга ҳар томонлама жавоб бериши, улар интеллектуал салоҳиятда, ақлзаковатда, қатъият ва шижоатда, бир сўз билан айтганда халқига, юртига садоқатда намуна бўлмоғи керак. Таъбир жоиз бўлса, тилга олинаётган янгилик – йўриқнома билан миллий кадрларимизни шарафли касб сари, унинг янги-янги қирраларини эгаллаш сари руҳлантирамиз. Таъкидланаётган имтиёзларга эга бўлишга интилишнинг ўзиёқ ўғлонларимизда ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат каби туйғуларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Ҳа, бу саъй-ҳаракатларнинг бари ҳарбий таълим соҳасидаги ислоҳотларимизнинг шахсий таркибдаги ўқувжанговар ва машқ тайёргарлиги тизими самарадорлигини кучайтиришга, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлашга, уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштиришга, юрт ҳимоячиларида миллий истиқлол ғояларига садоқатни тарбиялашга, уларнинг индивидуал ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражасини, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган моделлаштириш, симуляция ва бошқа замонавий усул-услубларни кенг жорий этишга қаратилганидан. Элим, юртим деб ёниб яшайдиган ҳарбийларимизнинг хизматлари доимо эътиборда эканлигидан. Бугун бу борадаги ислоҳотларимиз самарасини кўрганда кўз қувнайди, танлаган йўлимиз тўғри эканлигидан қалбларимиз нурафшон бўлади.

Майор Шерзод ҚУРБОНОВ.

В Академии Вооруженных Сил

ИДУТ ВСТУПИТЕЛЬНЫЕ ЭКЗАМЕНЫ

Начались вступительные экзамены в Академию Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Кандидаты на поступление прибыли заблаговременно. Они прошли обязательную процедуру медицинского осмотра, оформления документов, а затем при помощи опытных преподавателей начали готовиться к экзаменам и тестам. Консультации по иностранному языку, тактической и специальной подготовке, другим предметам, обеспечение нужной методической литературой – соискателям высокого звания слушателей Академии Вооруженных Сил созданы оптимальные условия для подготовки.

Кандидатами уже сданы нормативы по физической подготовке. Были проверены их показатели в силе, выносливости. По словам представителя командования сбора, подавляющее большинство офицеров продемонстрировали высокий уровень в ходе выполнения силовых упражнений, сдачи нормативов по плаванию.

– Первые дни экзаменов дают все основания говорить о достаточно высоком уровне конкуренции среди кандидатов, – говорит начальник сборов кандидатов на поступление в Академию Вооруженных Сил подполковник Орзумурод Содиков. – Среди претендентов на поступление есть и офицеры, победители Республиканского тура соревнования на звание «Лучший командир батальона», и им равные, которые смогут воспользоваться правом внеконкурсного поступления. Это очень серьезное преимущество, предоставляемое приказом министра обороны, которое является важным стимулом для стремления военнослужащего иметь отличия по службе. Однако даже такие кандидаты должны, прежде всего, полностью соответствовать требованиям, предъявляемым к слушателям, проявить в ходе сдачи экзаменов и тестов отличные знания и образцовую воинскую дисциплину.

Отдельные группы кандидатов уже сдали экзамен по иностранному языку и в эти дни приступят к испытаниям по профильным дисциплинам. В напряженном и остром соперничестве, которое продлится до конца второй декады июля, будут определены те, кому посчастливится стать слушателем Академии Вооруженных Сил.

Майор Алишер НУРОВ.

Ҳавас қилса арзийди

ИЛҒОРЛИКНИ КЎЗЛАЙДИ ЙИГИТНИНГ МАРДИ

Катта лейтенант Шуҳрат Дарвешов мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафига кўплаб иқтидорли офицерларни етказиб берадиган нуфузли ўқув даргоҳларидан бири бўлган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугаллаган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, йигит ўқиб юрган кезлари намунали хулқи, ўзининг билимдонлиги билан кўпчиликка ўрнак бўлди. Ҳар бир ўқув машғулотларида муваффақиятли иштирок этиб юқори натижаларни қўлга киритди. Ўшанда устози майор Улуғбек Тешабоев унинг маҳоратини юқори баҳолаб, буюк аждодларимизга муносиб ворис эканлигини алоҳида таъкидлаганди. Ҳа, тиришқоқ шогирд ҳарб илмидан сабоқ берган устозларининг юзини ерга қаратмаслик учун ўз устида тинимсиз машқ қилиб, кам бўлмади. У хизмат қилган ҳар бир жамоада ўз ўрнини яратишга интилди. Ёш офицернинг саъй-ҳаракати, ғайрату шижоати кези келганда сафдошларига ўрнак қилиб кўрсатиларди.

Шуҳрат офицер сифатида дастлабки хизматини ҳарбий қисмдан бошлади. Сафарбарлик чақируви резерви батальонида гуруҳ командири лавозимида хизматини бошлаган ёш офицер ойлик йиғин иштирокчиларига ҳарб илмидан сабоқ бера бошлади. Бунда унга ҳарбий билим юртида ўзлаштирган малакаси анча асқотди. Қолаверса, майор Рустам Орифхўжаевдек устоз офицерларнинг кўмаги ёш офицерга янада далда бўлди. У энди ўзига янада ишончи ортган ҳолда машғулотларни олиб борарди. Тўғрисини тан олиш керакки, СЧРга жалб қилинган йигитларга сабоқ бериш анча мураккаб. Чунки қисқа вақт ичида ҳамма ўғлонлар ҳам машғулотларни бирдек ўзлаштира олишмайди. Бу эса офицерлардан янада катта куч талаб қилади. Тиришқоқ ёш офицер Дарвешов зиммасидаги вазифани доимо шараф билан адо этарди. Орадан маълум вақт ўтгач, Шуҳрат янги ҳарбий жамоада хизматини давом эттирди. Бу ерда ёш офицерга янада масъулиятли вазифа топширилди. Тўғри, ёш офицер учун қолаверса янги ҳарбий жамоада жанговар гуруҳга етакчилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Лекин қатъиятли Шуҳрат буни уддалади. Сафдошлари билан тезда тил топишиш баробарида ҳатто қисқа вақт ичида ўқув мавсуми машғулотларида юқори натижаларни қайд этиб ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан бир неча бор Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Айни пайтда катта лейтенант Шуҳрат Дарвешев, капитан Нурилло Обидов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда комендантлик взводи командири лавозимида хизмат қилиб келмоқда. Унинг муваффақиятли хизматлари доимо эътиборда. Қўл остидаги шунқорлар ички хизмат ва ички нарядни ўташда, объектларни қўриқлашда ёки гарнизонда қоровуллик хизматини ўташга чиқишганда доимо уларнинг хизмати юқори баҳоланади. Яқинда бошланган ёзи ўқув мавсумида ҳам катта лейтенант Дарвешов ва унинг взводидаги азаматлар юқори натижаларни қўлга киритишга аҳд қилишган. Қолаверса, взвод шунқорлари ўзларининг ютуқларини энг азиз ва энг улуғ байрамимизга туҳфа қилиш ниятида.

«Ҳушёрликни сақлаш, жанговар малака ва касбий маҳоратни ошириш, вазиятнинг ҳар қандай шароитида Ватанни, Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга тайёр туриш – энг муҳим вазифамиздир!» шиори остида кечаётган ўқув йили машғулотларининг дастлабки кунидан посбонлар илғорликка интилишмоқда.

– Жамоамиз шунқорлари ҳар бир машғулотларда тинимсиз машқ қилиб тажрибаларини орттириб боришмоқда, – дейди биз билан суҳбатда катта лейтенант Дарвешов. – Эгалланган кўникма ва тажрибалар эса дала ўқув машғулотларида анча қўл келмоқда. Бунга оддий аскарлар – Умид Холбобоев ҳамда Паҳлавон Юнусовларнинг эришган ютуқларини мисол қилса бўлади.

Интилувчан командирнинг қўл остидаги посбонлар машғулотларда юқори натижаларни қўлга киритиш сирини яхши билишади. Ўғлонлар ҳар бир синов машғулотларида бирбирига далда бўлишади. Кези келганда машғулотдан сўнг камчиликлар ўрганилиб, уларни бартараф этиш йўллари изланади.

Илғор жамоа етакчиси катта лейтенант Дарвешов жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича ҳам яхши натижаларга эришиб, ҳарбий қисмда ҳар томонлама намуна кўрсатиб келаётган ёш умидли офицерлардан. У ўтган ўқув йилида эришган ютуқлари учун бирлашган штаб бошлиғи томонидан Фахрий ёрлиқ билан ҳам тақдирланди. Бундай юксак эътибор Шуҳратни янги-янги ғалабалар сари етакласа ажабмас.

Шуҳратнинг болалик онларининг беғубор даври кўпчиликка яхши таниш бўлган Чортоқда ўтган. Нишонбой аканинг фарзандлари ичида Шуҳрат ўзининг қатъийлиги билан ажралиб турарди. У ҳарбий бўлишга қарор қилган пайти анча ёш бўлсада, ота тўнғичига ишонарди. Чунки бир сўзли болакай бир ишни бошладими албатта уни охирига етказмай қўймасди. Ўғлининг бу ҳислатлари эса Нишонбой акага яхши таниш эди. Мактабни тугатгач, йигит ҳеч иккиланмай ҳарбий билим юртига ҳужжат топширди. Эгаллаган билимлари ва ота-онанинг оқ фотиҳаси унга мадад бўлди...

Шуҳрат айни пайтда Шаҳодат исмли жажжигина қизалоқнинг отаси. Рафиқаси Рислиғой билан бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Ушбу ёш оила ўз ўрнида ҳарбий шаҳарчадаги энг намунали оилалардан бири сифатида эътироф этилади.

Ҳасан КОМИЛОВ.

Курсантлигим – хурсандлигим

АРМИЯ ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ



...Ўқув машғулоти. Муддатли ҳарбий хизматчиларга кўргазмали воситалар ёрдамида жанговар қурол, унинг тузилиши, тактик ва техник кўрсаткичлари, ва албатта, ундан фойдаланишда амал қилиниши лозим бўлган хавфсизлик ва эҳтиёткорлик чоралари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Офицерларга хос тарзда навбатдаги машғулотни ўтган курсантни кўриб, мамнун бўлдик.

Юқоридаги мисолни бежизга келтирмадик. Чунки, курсант Азамат Фозиловнинг шахсий таркиб билан ишлаш борасида кўникмаларини айнан ҳарбий қисмларда курсантларнинг дала-ўқув шароитидаги амалий машғулотларни ўтиш жараёнида кузатдик. Сўзлари дадил ва тетик ушбу йигит олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирмасдан олдин ҳам армия ҳаёти билан яхши таниш бўлгандек туюлди менга. Суҳбатимиз давомида фикрим тасдиғини топди.

– Муддатли ҳарбий хизматни десантчилар қисмида ўтаганман, – дейди фахр билан бўлғуси офицер. – Армия ҳаётига, бу ердаги шарт-шароитларга, қатъий тартиб-интизомга, аскарий биродарликка, асосийси, Ватан ҳимоячиси, деган шарафли номга муносиб бўлишга хизматимнинг илк кунлариданоқ интилганман. Ўзимни бошқа соҳада тасаввур ҳам қилолмаслигимни ўшандаёқ англаб етган эдим.

Ҳа, у орзуларига эришиш учун жиддий ҳаракат қилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, командирлари маслаҳати ва йўриғи, аслида ўз хоҳиш-иродаси билан сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиди, сўнг пухта билим олган кичик командирнинг омади келиб Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти бўлди. Ҳозирда у учинчи босқични муваффақиятли тамомлади.

Суҳбатдошимнинг: «Энг яқин дўстим ҳақида ҳам гапирсам майлими?», деган саволига бир оз ажабландим. Кейин билсам...

– Исм-шарифи Дилшод Умрзоқов. Иккаламиз ҳам Наманган вилоятининг Чортоқ туманиданмиз, фақат қўшни қишлоқлардан. Тасодифни қарангки, у билан муддатли ҳарбий хизматни бир жойда ўтаганмиз. Кейинчалик сержантлар тайёрлаш мактабида ўқидик. Курсант бўлиш бахти иккаламизга ҳам насиб этди. Шу вақт ичида ака-укадек бўлиб кетдик. Энг яқин дўстинг билан ҳар қандай шароитда, доим бирга бўлиш, уни қўллаб-қувватлаш ва ёрдамини ҳис этиш, ўзаро фикр алмашиш, умумий касб сир-синоатларини ҳамкорликда ўзлаштириш ҳам бир омад бўлса керак.

Лекин, бу – курсант дўстлар ҳаётидаги ўхшашликларнинг ҳаммаси эмас. Тасодифни қарангки, Азамат ҳам, Дилшод ҳам бир хил исмли қизни ёқтиради. Бундан ташқари, иккаласи бир кунда унаштирилган.

Ҳа, ҳаётда шундай ўхшаш тақдирлар ҳам учрайди.

Курсант Азамат Фозилов ҳақидаги лавҳани унинг қуйидаги фикри билан якунламоқчиман:

– Армияда кўп нарсани ўргандим. Тобландим ва чиниқдим. Барчаси учун устоз офицерлардан миннатдорман. Лекин қувончимнинг яна бир боиси бор. Жанговар ҳаётда одам ҳақиқий дўстлик, биродарлик деган тушунчаларни юрак-юракдан англаб етади.

Катта лейтенант
Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Сержантлар тайёрлаш мактабларида

ИМТИҲОНЛАР ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

Ислоҳотлар сабаб, бугун сержант тушунчаси тобора янгича маъно-мазмун касб этиб бормоқда. Ҳарбийликни шараф деб, тақдир деб билган юртнинг асл фарзандлари ўз келажагини шу касб билан боғлашмоқда.

Қуролли Кучларимиз сафларига юксак салоҳиятга эга профессионал кичик командирларни тайёрлаб бераётган сержантлар тайёрлаш мактаблари бугунги кунда ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни аъло даражада уддалаб келмоқда.

Ушбу мактабларда курсантларга таълим бериш махсус дастур асосида амалга оширилиб, уларга жанговар тайёргарлик машғулотлари билан бир қаторда ҳарбий педагогика ва психология, иқтисод, миллий истиқлол ғояси, этика ва эстетика, Ўзбекистон тарихи, чет тиллари каби машғулотлар юксак тажрибага, малакага эга офицер-ўқитувчилар, йўриқчилар томонидан олиб борилди.

– Мактабимизда курсантлар 9 ой давомида таълим олишиб, ҳарб илмидан пухта сабоқ олишди, – дейди Марказий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби офицери Сейфат Сулеймонов. – Ҳарбий билимлар билан бирга курсантларимиз юртимизда кечаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар, янгиланишлардан ҳам хабардор бўлишди. Уларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб, ижтимоий-сиёсий, жанговар тайёргарлик, бадиий, илмий, ҳарбий соҳага доир адабиётларга бой кутубхона, жисмоний чиниқишлари учун замонавий спорт зали ва спорт шаҳарчаси мунтазам ишлаб турди.

Кеча юртимиздаги 9 ойлик дастурга ихтисослашган барча сержантлар тайёрлаш мактабларида битирув имтиҳонлари бошланди. Битирувчилар 9 ой давомида олган билимларини сарҳисоб қилиб, ўқув машғулотлари бўйича имтиҳон топширишмоқда.

– Биз бу ерда ҳарб илми сирларидан эгаллаган билимларимизни тажрибали офицерлардан олаётган сабоқларимиз билан янада мустаҳкамладик, – дейди курсант Жамшид Абдураҳмонов. – Кечадан бошлаб барча мутахассисликлар бўйича имтиҳон топширишни бошладик. Албатта устозлар ишончини оқлаб, синовлардан фақат аъло баҳоларга ўтишга ҳаракат қиламиз. Ўзлаштирган билим ва тажрибаларимиз бизнинг хизматимиз давомида жуда ас қотиб, қўл остимиздагиларни ҳар томонлама етук, доимо жанговар шай, сергак посбон қилиб тарбиялашимизда катта ёрдам беришига ишончим комилдир.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.

Бдительность – наше оружие

ОТЛИЧИЛИСЬ В НАРЯДЕ

Вопросы повышения бдительности и боевой готовности всегда были в центре внимания командиров частей и подразделений. Постоянная забота о повышении уровня безопасности военных городков особенно необходима. Сегодня мы расскажем нашим читателям о военнослужащих, проявивших бдительность при несении службы в суточном наряде.

ОПЕРАТИВНО И СВОЕВРЕМЕННО

Воины-танкисты младшие сержанты М.Хамраев и С. Джуманов несли службу в составе наряда по контрольно-пропускному пункту части. Естественно, после обеда, да еще в жаркий день, каждому человеку хочется отдохнуть, расслабиться. Как видно, на это и рассчитывали нарушители, выбравшие именно послеобеденный час для проведения видеосъемки военного городка.

Очевидно, они были уверены в своей полной безнаказанности, так как вели съемку с автомобиля и поэтому рассчитывали не только многократно менять точку съемки, но и безнаказанно скрыться в случае, если их действия заинтересуют военнослужащих. Однако их замысел не осуществился из-за высокой оперативности и четкой организации действий суточного наряда части.

Дежурный по КПП и его помощник, младшие сержанты М.Хамраев и С. Джуманов, не только проявили высокую бдительность, своевременно обнаружив нарушителей. Они оперативно и своевременно передали всю необходимую информацию об автомобиле и находящихся в нем лицах дежурному по части. Дальше наступил черед действовать сотрудникам правоохранительных органов, которые, получив исчерпывающие данные, тут же провели задержание подозрительного автомобиля и его не в меру любопытных пассажиров.

НА МАРШРУТЕ – РАЗВЕДЧИКИ

Отличные профессиональные навыки помогли парному патрулю в составе старшего лейтенанта У. Закриллаева и рядового по контракту Ш.Манонова отличиться при несении службы. Продвигаясь по заданному маршруту, они обратили внимание на трех лиц, проводивших несанкционированную фотосъемку территории части. Нарушители приняли все меры предосторожности, пытаясь остаться незамеченными, но от наметанного взгляда профессионалов-разведчиков им ускользнуть не удалось.

Не теряя подозрительную компанию незнакомцев из виду, старший лейтенант У. Закриллаев доложил дежурному об обстоятельствах и характере их незаконных действий. Благодаря этой информации и решительным действиям внутреннего наряда нарушители были незамедлительно задержаны и переданы для дальнейшего разбирательства местным правоохранительным органам.

ДЕЖУРНОЕ ПОДРАЗДЕЛЕНИЕ – НА ВЫХОД!

Находившиеся в составе дежурного подразделения капитан А.Султонов, младший сержант А. Нишонов и рядовой по контракту О. Барнаев занимались повседневной деятельностью согласно распорядка дня, когда их поднял и поставил в строй поступивший от дежурного по части сигнал тревоги.

Поставленная задача была по-военному краткой и точной. Замечены трое подозрительных гражданских лиц, проводивших фотосъемку. В дальнейшем дежурное подразделение действовало строго в рамках своего предназначения и боевого расчета. Задержание нарушителей было проведено оперативно и прошло в кратчайшие сроки. Они были настолько ошеломлены решительностью и боевым настроем воинов, что не рискнули оказать сопротивление.

Через короткое время все они были переданы в правоохранительные органы. А дежурное подразделение вновь продолжило повседневную служебную деятельность. Принявшие участие в задержании воины наглядно убедились, что способны в кратчайший срок собраться и выполнить любую поставленную задачу.

ЧУЖИЕ ЗДЕСЬ НЕ ХОДЯТ

Несшим службу в составе парного патруля рядовым по контракту С. Чимирзаеву и М. Усарову помощь дежурного подразделения не потребовалась. Заметив в 10.00 подозрительного гражданина, незаконно проникшего на охраняемую территорию, военнослужащие немедленно провели его задержание и препроводили к дежурному по части. И хотя до этого им не приходилось сталкиваться с настоящим нарушителем, отработали они четко, в строгом соответствии с требованиями устава, а также инструкций, полученных накануне заступления в наряд. А главное, действовали они не только по уставу, но и по велению сердца – ведь каждый понимал, что от их бдительности и умелых действий зависит безопасность военного городка, жизнь и здоровье сослуживцев, спокойствие в стране. Значит, нашла отклик в сердцах воинов проводимая со стороны командиров и их заместителей по воспитательной работе многоплановая работа, направленная на повышение бдительности при несении службы.

ЗАСЛУЖЕННАЯ НАГРАДА

На днях в редакцию пришло сообщение о рядовом по контракту Г. Исроилове, также отличившемся при несении службы во внутреннем наряде. Ему, как и всем вышеперечисленным военнослужащим, за проявленную бдительность и инициативу при несении службы в суточном наряде приказом первого заместителя министра обороны – начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан объявлена благодарность. Все они также награждены Памятным знаком начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан.


Без сомнения, это высокая оценка ратного труда военнослужащих. Это событие должно дать новый импульс распространению положительного опыта по организации охраны, своевременному выявлению лиц, проявляющих повышенный интерес к военным объектам, а также чествованию военнослужащих, отличившихся при несении службы. Несомненно, при торжественном вручении Памятных знаков отличникам командиры еще раз подчеркнут значение бдительности и боеготовности. Ведь сегодня перед командирами и их заместителями по воспитательной работе стоит еще более обширная задача – провести целенаправленную работу по разъяснению всему личному составу необходимости поддержания бдительности не только при несении службы в составе суточного наряда, но и в повседневной жизнедеятельности.

Владимир НИКОЛАЕВ.

Идет месячник безопасности дорожного движения

ВАЖНОЕ И АКТУАЛЬНОЕ ТРЕБОВАНИЕ

В нашей стране осуществляется масштабная, последовательная работа, направленная на обеспечение безопасности граждан, профилактику и предупреждение отрицательных последствий для здоровья водителей и пассажиров.



Как известно, в подавляющем большинстве дорожно-транспортных происшествий ремень безопасности в транспортном средстве для водителей и пассажиров способствует предотвращению различных травм. Именно реализацию такой цели призваны обеспечить нововведенные нормы и поправки в Правила дорожного движения, исходящие из Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по обеспечению безопасности водителей и пассажиров транспортных средств».

Статистика показывает, что в подавляющем большинстве случаев люди получают травмы различной степени тяжести именно в результате дорожных аварий. Заставляют задуматься и печальные цифры смертности из-за ДТП.

По мнению специалистов, пристегнутый ремень безопасности помогает при столкновении предотвратить травмы головного мозга и грудной клетки. Поэтому почти во всех странах мира использование ремня безопасности – повседневная норма. С 1 июля на дорогах Узбекистана вступили в силу нововведенные нормы, согласно которым при движении на транспортном средстве, конструкцией которого предусмотрены ремни безопасности, водитель обязан быть пристегнутым и не перевозить не пристегнутых пассажиров.

Теперь это обязательная норма, как, например, и запрет на использование водителем мобильного телефона при управлении транспортным средством. Данная мера, как сообщили в пресс-службе Управления безопасности дорожного движения МВД, уже дает положительные результаты и послужила основой для значительного снижения дорожно-транспортных происшествий в стране. Движение на дорогах стало безопасней. Водители стали более внимательными. Культура поведения на дорогах и водительская этика стали заметно выше.

– В настоящее время в ходе месячника безопасности дорожного движения проводится большая работа. К сожалению, выявляется немало случаев игнорирования водителями новых норм, вступивших в силу с 1 июля нынешнего года, – говорит представитель ХАН Ташкентского гарнизона майор Равшан Таджибаев. – Однако в среде военных автомобилистов, благодаря принятым мерам в рамках приказов и директив вышестоящего командования, широкой разъяснительной работе командиров подразделений и освещению данной темы СМИ, не имеется ни единого случая нарушения установленных норм. Высокая дисциплина военных водителей дает положительные результаты и служит примером для других водителей.

Зачастую некоторые нарушители ссылаются на незнание новых требований, однако это не спасает их от соответствующего административного наказания. Так, например, на днях житель Яккасарайского района столицы Ботир И. во время управления собственной автомашиной «Нексия» был не только не пристегнут сам, но и не удосужился предупредить об этом своих пассажиров, членов семьи. Кроме того, он проигнорировал требование инспектора остановиться, подвергая тем самым опасности не только собственную жизнь, но и пассажиров, близких ему людей. Вопрос: «Зачем?» – так и остался без ответа. Суд определит ему меру наказания. В другом же случае гражданка Тамила М. из Юнусабадского района на автомашине «Ласетти» отказалась от ремня безопасности по «имиджевым» соображениям. Она посчитала, что ремень черного цвета не соответствует ее блузке. Зато соответствующего административного наказания, к сожалению, избежать стильной девушке не удалось. А вот водитель «Жигулей» Шухрат С., житель Мирабадского района, более оригинального ответа, чем ссылку на отсутствие в продаже ремней безопасности, придумать не сумел. Как известно, постановление было принято и обнародовано еще в марте этого года, широко освещалось и освещается СМИ. В силу вступило с 1 июля. Как видим, времени для устранения было вполне достаточно. Да и автомобильные рынки изобилуют подобным товаром. Скорее всего, причиной в данном случае явилась простая необязательность.

– Использование ремня безопасности при движении на транспорте является эффективным средством обеспечения безопасности водителя и пассажиров, – говорит старший лейтенант медицинской службы И. Джураев. – Не пристегнутые водитель и пассажиры при возникновении ДТП могут сильно удариться, получить телесные повреждения и тяжелые травмы. Я детально ознакомлен с постановлением. Как врач и как водитель личного транспортного средства, исходя из собственной практики, безусловно, приветствую данное решение.

Разработчиками постановления в гуманных целях предусмотрены и исключения. Например, право не пристегиваться ремнями безопасности имеют дети до 12 лет, находящиеся на заднем сидении. То же самое относится к инструктору по вождению, когда транспортным средством управляет обучаемый. Могут не делать этого беременные женщины, больные пассажиры, состояние которых не позволяет пристегиваться ремнем безопасности, водители, выполняющие маневр движения задним ходом, при движении в населенном пункте – водители линейных такси, пассажиры такси, сидящие на заднем сидении, водители и пассажиры специальных транспортных средств, имеющих соответствующие цветографические схемы, нанесенные на наружные поверхности.

Важно помнить, что у человека, сидящего за рулем, есть не только права, но и обязанности строго соблюдать правила дорожного движения. Ответственность водителя – это гарантия его собственной безопасности и жизни окружающих, наших близких. От ошибки, невнимательности и пренебрежения правилами одного не должны страдать другие.

Начиная движение на транспортном средстве, помните: пристегнутый ремень – требование безопасности!


Капитан Хасан ФАРУХОВ.
Фото Абдуллы АКРОМОВА.

POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotida

SALOHIYATI YUKSAK POSBONLAR

Harbiy xizmatni ado etish er yigitda nafaqat jismoniy yetuklik va jangovar ko‘nikma, balki ma’naviy barkamollik, o‘ziga ishonch tuyg‘usi, mustaqil fikrlash, qat’iyat va sobitlik kabi ezgu fazilatlarni ham shakllantiradi. Shu bois bugun katta quvonch bilan o‘z milliy armiyamiz saflarida yigitlik burchini ado etayotgan o‘g‘lonlarimizni, kelajak hayot yo‘llariga muhim poydevor, ya’ni tamal toshi qo‘yishmoqda, desak aslo xato bo‘lmaydi. Mashg‘ulot va tayyorgarliklar esa ularning yanayam toblanishlarida asosiy omil bo‘lyapti.



Yurtboshimizning “Milliy armiyamiz – mustaqilligimizning, tinch va osoyishta hayotimizning mustahkam kafolatidir” risolasida shunday deyiladi: “Armiya saflarida o‘g‘lonlarimiz nafaqat jismonan baquvvat, eng zamonaviy harbiy texnika va texnologiyalarning sir-asrorlarini puxta egallagan bo‘lishi, ayni vaqtda yuksak aql-zakovati, intellektual salohiyati, mustahkam irodasi, o‘z xalqiga sadoqati kabi olijanob xususiyat va fazilatlari bilan ham ajralib turishi lozim”.

Darhaqiqat, qudratli armiyaning kuchi zamonaviy texnika va qurol-yarog‘lar bilan bir qatorda unda xizmat qilayotgan insonlarga ham ko‘p jihatdan bog‘liqdir. Milliy armiya saflarida xizmat qilayotgan har bir o‘g‘lon o‘zini Vatan taqdiriga mas’ul, taqdiri Vatan taqdiri bilan chambarchas bog‘liq ekanini teran anglay bilishi lozim. Buning uchun albatta, ma’naviy tarbiya ishlari yuksak darajada tashkillashtirilgan, yo‘lga qo‘yilgan bo‘lmog‘i darkor. Bu o‘rinda ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlari salmoqli o‘rin tutadi. Mazkur mashg‘ulot yurt posbonlarining mintaqa hamda jahon miqyosidagi ijtimoiy-siyosiy vaziyat, xalqaro ayvonda ro‘y berayotgan voqealar haqida teran ma’lumotga ega bo‘lishlarini ta’minlab, ularning bilim va dunyoqarashlarini kengaytiradi.

Ma’lumki, bugun g‘oyat murakkab va tahlikali davrda yashayapmiz. Dunyoning goh u, goh bu nuqtasida manfur terrorizm balosi turli ko‘rinishlarda bosh ko‘tarishga urinmoqda. Uning xurujidan hech bir davlat kafolatlanmagan. Shuning uchun posbon vaziyatni tezkor anglashi va har doim yuksak hushyorlikda Vatanni, xalqimizning tinchligini qo‘riqlashi, chuqur bilimli bo‘lishlari shart. Markaziy Osiyoda harbiy-siyosiy vaziyatning o‘zgarishi, dunyo siyosiy xaritasida kuchlarning yangicha taqsimlanishi mamlakat va uning Qurolli Kuchlari oldiga qanday muammolar qo‘yishini shaxsiy tarkib yaxshi anglay bilishi kerak. Qurolli Kuchlarimiz har qanday agressorga munosib zarba berishga qodir bo‘lmog‘i zarur. Bunda bilim-salohiyat va ogohlikni yanada oshirishni vaziyatning o‘zi taqozo etmoqda. Shu bois harbiy qism va bo‘linmalarda jangovar tayyorgarliklar bilan birga ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘uloti ham izchil olib boriladi.

Markaziy harbiy okrugiga qarashli harbiy qismlardan birida muddatli harbiy xizmatni ado etayotgan askarlarning ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotini kuzatamiz. Mashg‘ulot rahbari ma’ruza o‘qish davomida tegishli mavzu yuzasidan askarlarning fikrlarini ham tinglab, ularni sinovdan o‘tkazib, bilimlarini tekshirib boryapti. Posbonlar bilan suhbatlashar ekanman, ularning teran mushohadali, tinmay bilimlarini oshirib, tayyorgarliklarini mustahkamlab borayotganiga amin bo‘ldim.

– Yurtimizda ulug‘ istiqlolning xush nasimlari esmoqda. Ha demay bu aziz bayramning o‘n olti yilligini kutib olamiz. Mustaqillik tufayli yurtimiz jamoli yanada ko‘rk ochib bormoqda. Muhtasham saroylar, ko‘rkam binolar, ravon yo‘llar, ko‘priklar – barchasi O‘zbekiston atalmish jannatmonand o‘lka chiroyiga chiroy qo‘shgan. Ana shu betakror go‘zallikni, muqaddas ona Vatanimizni asrashga mas’ul bo‘lgan biz harbiylardan doimo jangovar shay, hushyor va sobit turishimiz talab etiladi, – deydi oddiy askar Bekzod Ismoilov.


– Biz istiqlol bayrog‘i mag‘rur hilpirayotgan ozod yurt farzandlarimiz, shu bois har qancha g‘ururlansak arziydi, – deydi oddiy askar Alisher Karimov. – Mustaqillik – eng aziz, eng ulug‘, eng totli ne’mat. U ona xalqimizning azaliy orzusi edi. Unga yetmoq ilinjida ne-ne erkka tashna o‘g‘lonlar jon fido etdilar. Juda ko‘plab yo‘qotishlar evaziga qo‘lga kiritilgan mustaqillikni saqlab turish g‘oyat murakkab vazifadir. Mana, dunyoda nimalar ro‘y berayotganini kuzataylik. Afg‘oniston, Iroq, Yaqin Sharqdagi mojarolar, sayyoramizning ayrim hududlaridagi noxush voqealar tinch aholi oromini buzyapti, ko‘pchilikka aziyat yetkazmoqda. Bizda bunday voqealar ro‘y bermasligi uchun hamisha hushyor va jangovar shay bo‘lishimiz kerak. Mustaqilligimizni ko‘ra olmagan g‘araz maqsadli terrorchi to‘dalarning yurtimiz hududiga suqilib kirmoqchi bo‘lganlari, Toshkent va Surxondaryo viloyati tog‘li hududlari voqealari kabilar aslo yodimizdan chiqmaydi. O‘shanda Vatanning asl o‘g‘lonlari ko‘ksini qalqon qilib osoyishtaligimizni mardonavor himoya qilgan va xavfni bartaraf etgan edi. Ular bilan bugun biz ham g‘ururlanamiz, chunki ular bizning safdosh akalarimizdir. Men ham safdoshlarim nomidan baralla ishontirib aytamanki, zimmamizdagi mas’uliyatli vazifani sidqidildan ado etib, yurtimiz sarhadlarini, istiqlolni hamisha mardonavor asraymiz.

Katta leytenant Yoshin HAKIMOV,
“Vatanparvar” muxbiri.

SPORTCHI ASKARLAR

YURTNI SHARAFLAR – ASL FARZANDLAR

Posbondan jangovar tayyorgarlik bilan birga jismonan ham yetuk bo‘lish asosiy talab qilinadigan jihatlardandir. Sport bilan muntazam shug‘ullanish kishiga kuch-quvvat, sog‘lik va bardamlik baxsh etadi. Buni yaxshi anglab yetgan yurt himoyachilari mazkur sohada ham tinmay tayyorlanib, mahoratlarini oshirib kelishmoqda. Zero, harbiy xizmat bilan sport bir-biriga uzviy bog‘liqdir.



Barkamol insonning shakllanishida sport muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bois bugun mamlakatimizda bu soha rivojiga keng e’tibor berilmoqda. Yoshlarimiz orasida sog‘lom turmush tarzini targ‘ib etish, ularning bo‘sh vaqtlari mazmunli o‘tishini ta’minlash uchun turli jismoniy tayyorgarlik to‘garaklari chekka qishloqlarda ham tashkil etilyapti. O‘z navbatida xalqimiz orasidan yetishib chiqayotgan sportchilarimizning jahon arenalarini zabt etayotgani, o‘zbek o‘g‘lonlarining har bir sohada hech kimdan kam emasligini namoyish etib, yuksak g‘alabalarga erishayotgani va bayrog‘imizni sarbaland ko‘tarib, yurtimiz dovrug‘ini yanayam yoyayotgani ko‘ngillarga surur bag‘ishlaydi.

Bu borada harbiy sportchilarimizning ham hissasi salmoqlidir. Ona yurt himoyachilari safida bu sohaning mohir bilimdoni bo‘lgan, kuch-qudratda tengsiz va xalqaro musobaqalarda raqiblariga hech qanday imkoniyat qoldirmay o‘z so‘zini baralla aytib kelayotgan asl mard ofitserlar, shartnoma asosidagi harbiy xizmatchilar ko‘pchilikni tashkil qiladi. Shuningdek, an’anani davom ettirib, ular izidan muvaffaqiyat pillapoyalarini birma-bir zabt etib borayotgan yosh umidli harbiy sportchilar ham shakllanayotgani ertangi kunga ishonchdan, muvaffaqiyatlar bardavom bo‘lishidan dalolatdir.

– Toshkent davlat iqtisodiyot universitetini tugatib, muddatli harbiy xizmatga kelganman, – deydi buxorolik sportchi askar Firdavs Rajabov. – O‘n uch yoshimdan buyon yunon-rum kurashi bilan shug‘ullanaman. Ustozlarim Tohir G‘ulomov va Rustam Qudratovdan bu borada ko‘p saboq olganman. Armiyada esa sport ustasi, jahon kubogi g‘olibi Vasiliy Anikin ta’lim berayapti. Oilamizda hamma sportga qiziqadi. Ukam taekvondo bo‘yicha O‘zbekiston chempioni.

Firdavs o‘z vazni toifasida yunon-rum kurashida ikki bor O‘zbekiston chempioni, Osiyo chempionati sovrindori, ko‘plab xalqaro turnirlar g‘olibi, belbog‘li kurash bo‘yicha ham O‘zbekiston chempioni bo‘lgan. Yosh bo‘lsa-da, erishib kelayotgan nufuzli natijalari askarning g‘ayrat-shijoati qay darajada ekanini yaqqol ko‘rsatib turibdi.

– Men Toshkent avtomobil va yo‘llar institutini tugatganman, – deydi yana bir buxorolik askar o‘g‘lon Sanjar Boltaev. – Boks hamda kik-boksing sport turlari bilan o‘n yildan buyon shug‘ullanaman. Shu yo‘nalishda sport ustaligiga nomzodman. 2001 yil Qo‘qon shahrida bo‘lib o‘tgan o‘smirlar o‘rtasidagi musobaqada uchinchi o‘rinni olgandim. Kik-boksing bo‘yicha 2003 yil Osiyo chempionati ishtirokchisi, 2004 va 2005 yillarda O‘zbekiston chempionati finalchisi bo‘ldim. Biz ham oilaviy sportga qiziqamiz. Ukam Suhrob Boltaev Ikki bor O‘zbekiston chempioni bo‘lgan, Osiyo va jahon chempionati bronza medallari sovrindori u.

– Andijon davlat universitetining jismoniy madaniyat fakultetida o‘qiganman, keyin esa Vatan oldidagi yigitlik burchimni ado etishga yo‘l oldim, – deydi kurashchi askar Ulug‘bek Ergashev. – Yunon-rum kurashi bilan yoshligimdan shug‘ullanib kelaman. Bir necha bor O‘zbekiston chempionati sovrindori, xalqaro turnirlar g‘olibi bo‘lganman. Kelajakda yanayam yuksak natijalarga erishib, yurtimiz dovrug‘ini jahonga yoyish – ezgu maqsadim.


Sport ustaligiga nomzod bo‘lgan Ulug‘bekning zafarli odimlariga tasannolar aytsang arziydi. Intilish va qat’iyatini ko‘rib, uning o‘z va’dasi ustidan chiqishiga shubha qilmaysiz.

Sambo va dzyudo sporti bilan shug‘ullanadigan oddiy askar Azizbek Fayzullaevning ham natijalari havas qilsa arzigulik. U sambo bo‘yicha 2003 yil yoshlar o‘rtasida O‘zbekiston chempioni, 2004 yilda O‘zbekiston chempionati birinchi o‘rini sohibi bo‘lgan. 2006 yil esa Andijonda kattalar o‘rtasida o‘tkazilgan O‘zbekiston chempionatida 2-o‘ringa munosib topildi. Ayni paytda sport ustasi unvoniga ega.

– Ustozlarimga rahmat, Rauf Boltaevdan sambo sirlarini o‘rganganman, dzyudodan esa Boris Grigorevning saboqlari g‘oyat asqotmoqda, – deydi u. – Ularning ishonchini albatta oqlashga so‘z beraman. Shuningdek, safdoshlarim nomidan ishontirib aytamanki, biz harbu zarbda ham, sport musobaqalarida ham Vatanimiz sha’nini hamisha munosib himoya qilib, yurtga sodiq farzandlar bo‘lib qolamiz. Bizning bu darajaga yetishimizda Vatanning, istiqlolning o‘rni bebaho. Erishgan yutuqlarimiz ham eng ulug‘ va eng aziz ayyom – muborak mustaqillikning o‘n olti yillik to‘yiga to‘yona bo‘lsin.

Ha, Vatan ana shunday mardlariga suyanadi. Bunday pahlavonlari bor yurtga esa hech kim daxl qila olmaydi. Yurtboshimiz aytganlaridek, biz hech kimdan kam emasmiz va kam bo‘lmaymiz ham.

Katta leytenant Sardor KOMILOV.



ARMIYA – HAYOT MAKTABI

SHAKLLANAR, TOBLANAR O‘G‘LON



Oddiy askar Sherali Mansurov

«Hushyorlikni saqlash, jangovar malaka va kasbiy mahoratni oshirish, vaziyatning har qanday sharoitda Vatanni, O‘zbekiston xalqining tinchligi va osoyishtaligini ishonchli himoya qilishga tayyor turish – eng muhim vazifamizdir», shiori ostida o‘tayotgan 2006 – 2007 o‘quv yilida yurt posbonlari bilim va malakalarini har tomonlama oshirib, chinakam jangovar shaylikka erishish uchun astoydil harakat qilishmoqda.



Oddiy askar Nazir Avezov

Zero puxta jangovar tayyorgarlikka ega, jismonan baquvvat, texnika va qurol-yarog‘ni mahorat bilan ishlata oladigan asl mardlargina Vatanni, osudaligimiz bardavomligini munosib himoya qila oladilar. Mavsum davomida o‘tkaziladigan ijtimoiy-siyosiy, jismoniy va jangovar-taktik o‘quv mashg‘ulotlari yurt himoyachilarini xuddi shu maqsad yo‘lida tayyorlaydi. Ya’ni posbonlar mavsum davomida o‘tilayotgan turli mashg‘ulotlarda tayyorgarligini mustahkamlab, bilim va malakasini oshirib borishadi. Posbonlarimizning guruhlar o‘rtasida va o‘zaro yakka tartibda ham musobaqadoshligi mashg‘ulotlar yanayam samarali o‘tishini ta’minlaydi. Yuksak ishtiyoq va g‘ayrat-shijoat o‘g‘lonlarga bu yo‘lda qanot vazifasini o‘taydi.

– Shu yilning bahorida muddatli harbiy xizmatga chaqirildim, – deydi muddatli xizmat oddiy askari Sherali Mansurov. – Avvaliga yig‘in o‘tadik. Dastlabki ko‘nikma mashg‘ulotlarini egallagach, Harbiy qasamyod qabul qildim va chin mardlar safidan o‘rin oldim. Keyin esa bizga jangovar qurollar biriktirildi va uning xizmat davomida do‘stdek yaqin bo‘lishi, doimo yaxshi asrab-avaylash zarurligi tushuntirildi. Mana, yozgi mavsum mashg‘ulotlari qizg‘in davom etmoqda. Komandir va boshliqlarimizning ko‘rsatmalarini so‘zsiz ado etib, soha sirlarini o‘rganib kelyapmiz. Mashg‘ulotlar g‘oyat manzur bo‘lmoqda. Menga ayniqsa, jismoniy tayyorgarlik va jangovar o‘quv-trevoga mashg‘ulotlari judayam yoqdi. Tezkorligingni, jangovar shayligingni sinab, belgilangan vaqtda bularni bajara olsang, g‘oyat ruhlanar ekansan, kishi. Buning rohatini tuyishning o‘zi gasht, faxr. Tinmay mahoratimni oshirish payidaman. Xizmatga qadar temiryo‘l transporti kollejini bitirgan edim, nasib etsa, tavsiyanomaga munosib bo‘lib, institutda o‘qish – niyatim.

– Men xizmatga kelib harbiy sohaga qiziqib qoldim va kelajakda albatta ofitser bo‘lmoqchiman, – dedi oddiy askar Nazir Avezov. – Mashg‘ulotlar davomida bizga saboq berib kelayotgan ofitserlar Doniyor Eshonxo‘jaev, Otabek Ne’matov va kichik serjant Sharof Ostonovlardagi qat’iyat, o‘ziga ishonch, g‘ayrat-shijoat va tartib-intizomlilikni ko‘rib, mardlar kasbiga dilimda havas uyg‘ondi. Ulardek yetuk komandir bo‘lishga ahd qildim. Shu bois mashg‘ulotlar davomida bilimimni har tomonlama oshirishga intilyapman. Buning uchun qismimizda sharoitlar yetarli. Kutubxonada kitoblar, vaqtli matbuot nashrlari, ma’naviyat va ma’rifat xonasida esa televizor, videoapparatura, radio kabilar bizning ixtiyorimizda. Turli trenajyorlar bilan to‘ldirilgan sport zali ham bor. Bizdan faqat xizmatni sifatli ado etib, puxta tayyorlanish talab qilinadi. Ya’ni asosiysi o‘zimizga bog‘liq. Bundan ortiq yana nima kerak? O‘ylaymanki, berilgan imkoniyatlardan foydalanib, albatta niyatimga erishaman.

Ha, armiyamizning nufuzi kun sayin oshayapti, intellektual salohiyat rivojlanayapti. Harbiy soha borgan sari faxr-iftixor kasb etib boryapti. Yigitlarimiz armiyaga borishni yuksak sharaf deb bilishmoqda, xizmatga puxta tayyorgarlik ko‘rishyapti. Armiyada esa ular jangovar va jismoniy jihatdan toblanish bilan birga ma’nan ham yuksalmoqda. Dunyoqarashlari, hayotiy bilimlari o‘sayapti. Elu xalqiga, Vataniga sadoqatli, fidoyi insonlar bo‘lib shakllanayapti. Armiyada olgan bilimlari keyin ham asqotishini, er yigitning shaxs sifatida kamolga yetishida harbiy xizmat muhim poydevor, tamal toshi vazifasini o‘tashini eslasak, milliy armiyamizning nufuzi qay darajada ekanini yaqqol anglaymiz. Bularning barchasi mustaqillik sharofati bilan, istiqlol bergan imkoniyatlar tufaylidir. Yurtboshimiz aytganidek, mustaqilligimiz abadiy bo‘lsin. Ana shu mustaqillik himoyachilari bo‘lgan posbonlarimizga esa yuksak zafarlar yor bo‘lishini istab qolamiz.

Katta leytenant Jamshid MO‘MINOV.
Kamoliddin TO‘RAYEV suratga olgan.

Askar maktubi

«MENI KUTGIL VA MEN QAYTARMAN...»

Askarlik har bir yigit uchun ulkan sharaf, mas’uliyatli burchdir. Armiyada o‘g‘lon tarbiyalanadi, shakllanadi. Vataniga, do‘st-yaqinlariga mehri, sadoqati ortadi. Eng muhimi, u mustaqil inson sifatida kamolga etib, el-yurt himoyachisi ekanini teran anglab etadi. Hikoyamiz qahramoni O‘ktamjonning harbiy xizmatga kelganiga ko‘p bo‘lgani yo‘q. Egniga harbiy libosni ilib, Harbiy qasamyod qabul qilgan O‘ktamjon chin mardlar safidan joy olgach, katta ishtiyoq bilan xizmatga kirishib ketdi. U harbiy xizmat haqida olgan tushunchalari va ilk taassurotlarini maktub orqali sevgilisi Oltinoyga bayon etarkan, posbon bo‘lganidan g‘ururlanishini, Vatani, xalqi va yaqinlari qatori sevgilisini ham himoya qilayotganidan cheksiz iftihor tuyg‘usini samimiyat bilan ifoda etadi.

«Salom Oltinoy, yahshi yuribsanmi? Mendan so‘rasang, sog‘-salomatman. Harbiycha hayotga asta-sekin ko‘nikayapman. Boshida to‘g‘risini aytsam, yangi joyga, yangicha hayot tarziga moslashish biroz qiyin kechdi. Uydagilarni, seni va qishloqdosh do‘stlarimni juda- juda sog‘indim. Ammo ko‘p o‘tmay komandirlarimning yordami, bizdan avval kelgan askarlarning maslahatlari bilan barchasi tezda izga tushib ketdi. Safdosh yigitlar bilan go‘yo bolalikdan birga o‘sgandek do‘stlashib ketdik. Ko‘p o‘tmay shuni anglab etdimki, armiyadagi tartib-intizom va chiniqish mashg‘ulotlari o‘g‘il bolani haqiqiy er yigit, chinakam Vatan posboni qilib tarbiyalashga xizmat qilar ekan. Shu bois ham harbiy hayot biz uchun katta maktab bo‘layapti. Qat’iyat, shijoat, hushyorlik va fidoyilik singari fazilatlarni aynan xizmat tufayli chuqur anglab yetib, o‘zimda mujassamlashtirayapman. Aniq maqsad va reja asosida yashashni o‘rgandim. Shu yerga kelib ota-ona, qarindoshlar, Vatan – kindik qonim tomgan yurtga mehr tuyg‘usi nima ekanligini anglab etdim.

Harbiy xizmat davomida o‘rgangan saboqlarim menga kelgusi hayotimda katta yordam beradi, deb ishonaman. Maktub orqali yana diydorlashguncha xayr deb, seni sevib qoluvchi askar yigit O‘ktamjon».

Oltinoy maktubni hayajon bilan o‘qib chiqdi va uni avaylabgina sumkachasiga soldi-da o‘rnidan turib ildam yurib ketdi. U shu ketishda o‘zining nurli kelajagi haqida shirin hayollarga berilib, sokin hiyobondan yurib borar, yo‘lakning ikki tarafiga ekilgan anvoyi gullar esa mayin shabadada tebranib, go‘yoki uning orzusiga xayrixohdek ortidan nafis tebranib, oq yo‘l tilab qolishardi.

O‘ktamjonning maktubini oqqa ko‘chiruvchi

Abdusattor BAHODIROV.

Қонун ва ижро

ЮРТ ЭРТАСИН ЎЙЛАБ

Маълумки, шу йилнинг 18 майида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон барча жойларда катта эътибор билан кутиб олиниб, ўқиб-ўрганилмоқда. Шу муносабат билан турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбир Мудофаа вазирлиги ҳарбий жамоаларидан бирида бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг бўлим бошлиғи Ҳанифа Зокирова, Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар кенгашининг раиси, ҳарбийларнинг оилалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ойниса Нодирова, Тошкент вилояти «Ипотека» банки кредит бўлимининг бошлиғи Одилжон Қодиров ҳамда банкнинг Чирчиқ шаҳар бўлимидан вакиллар, етакчи офицерлар иштирок этдилар.

Мамлакатимизда юртимиз келажаги бўлган, эртанги кунимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлган ёшларга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Юртбошимиз томонидан эълон қилинган Фармон ҳам уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалдаги ифодасидир. Ёш оилалар моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур Фармонни ўрганиш жараёнида унинг узоқни кўзлаб пухта ўйланганини кўриш мумкин. Унга кўра ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёш оилаларга амалий ёрдам бериш, сифатли таълим, тиббий, ҳуқуқий маслаҳат, болалар соғлиғини сақлаш ва тарбиялашда ёш оилаларга кўмак кўрсатиш жойлардаги давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Оила» маркази, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари учун энг муҳим вазифа бўлиши зарурлиги уқтириб ўтилади. Мамлакат тараққиёти, Ватан равнақи ҳар томонлама соғлом, мустаҳкам оилаларга кўп жиҳатдан боғлиқлиги бугун барчага кундай равшандир. Демак, уларни қўллаб-қувватлаш ҳам айни куннинг устувор вазифасига айланиши ҳаётий заруратдир.

Ҳанифа Зокирова ўз суҳбатида юртимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда, улар тинчлиги ва тотувлигини мустаҳкамлашда Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳам олиб борилаётган қатор эзгу ишлар ҳақида батафсил тўхталди. Фармоннинг айни кун учун улкан аҳамиятини далиллар ёрдамида атрофлича тушунтириб ўтди.

Маърузачи йиғилганларни ёш оилалар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари билан таништирди. Унга кўра оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг асосий омили, дея моддий мустақиллик таъкидланган. Мамлакатимиз раҳбарининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қуввалашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони айнан ана шу муаммога ечим бўла олади.

Тадбирда сўзга чиққан «Ипотека» банкининг кредит бўлими бошлиғи Одилжон Қодиров барчанинг эътиборини ўзига қаратди. Ёш мутахассис ипотека тушунчасидан тортиб, кредит олувчининг ҳуқуқларигача изоҳлаб берди.

– Мазкур Фармонга кўра ёш оила тоифасига ҳар бири ўттиз ёшдан ошмаган ҳамда биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар киради. Унинг иккинчи бандида тижорат банклари, «Камолот» ЁИҲ, савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъминлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш), уй-хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш мақсадида 2007 йил учун 500 миллиард сўм ажратилишининг маъқулланганлиги бу яна бир катта енгилликдан далолат беради. Банклар билан муомала жараёнида ҳеч қандай воситачи керак бўлмайди. Уй-жой сотиб олиш учун муомала кредит берувчи – сотиб олувчи – сотувчи иштирокида амалга оширилади. Ҳар учала томоннинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган кафолатланган хат-мажбуриятнома шартноманинг лозим бўлмаган вақтда бузилишига йўл қўймайди.

Ёш мутахассис олди-сотди жараёнининг барча ҳолатларини изоҳлаб берди. Бундан ташқари, уй-жой сотиб олишда кредитнинг бошланғич бадали миқдори (25 %), унинг қандай қарорга асосланганлиги, керакли ҳужжатлар ва уларнинг ким томонидан берилиши ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, истеъмол кредитларининг боцланғич бадали ўттиз фоизни ташкил қилгани ҳолда ёш оилалар учун имтиёз яратилиб, у ўн фоизни ташкил этишини айтиб ўтди.

Одилжон Қодиров йиғилганларнинг кўпдан кўп саволларига жавоб қайтарди. Унинг сермазмун суҳбати Фармоннинг асосий мақсадини тингловчиларга етказиб беролди.

Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар кенгашининг раиси Ойниса Нодирова Фармоннинг ҳарбийлар оиласига боғлиқ жиҳатларига тўхталди. Ва бу борада уларга яратилган имтиёзлар ҳақида гапириб, улар томонидан берилган таклифлар тингланди.

Бўлиб ўтган тадбир Фармоннинг нечоғлик катта эътибор билан кутиб олинганлигининг амалдаги ифодаси бўлди.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

КЕКСАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК



Оқибатни ўйлайдиган, ўз оиласи, маҳалласи, мамлакати келажагига бефарқ бўлмаган ҳар қандай инсон учун хайрли амаллар муқаддас саналади. Бизнинг ўзбеклигимиз, меҳр-шафқатда, ҳурмат-иззатда бошқаларга ибрат бўларли фазилатларимиз ҳам аслида ўз авлод-аждодларимиз хотираларини муборак санаб, ҳамиша юрагимиз тўрида асраб юришимизда, бир-биримизга саховат кўрсатиб, қадримизни баланд сақлаб келаётганимиздадир.

Зеро,халқимиз азалдан мурувватли, саховатпеша. Қаровчисини йўқотган ёлғиз кексалар, ногирон ва меҳрга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш ҳамда уларнинг кемтик кўнглига озгина бўлса-да, қувонч улашиш юксак инсоний фазилат саналади. Ушбу амалнинг савоби ҳам бисёрдир. Фарзандларини ҳам шундай эзгу амалларга одатлантирган элдан ҳеч қачон меҳр-оқибат кўтарилмайди. Қадимий қадриятларимиз сирасидан саналган бундай одатлардан ҳарбийларимиз ҳам четда туришгани йўқ.

Яқинда хизмат сафари билан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлганимда, посбонларнинг бу борада фаол эканига гувоҳ бўлдим. Билим юрти курсантлари ҳарбий шаҳарчада истиқомат қиладиган нафақахўр ёлғиз кексалар ҳолидан мунтазам хабар олиб туришар, ҳатто, маълум хонадонларга икки-учтадан бўлажак офицерлар бириктириб қўйилган экан. Ана шундай посбонлар қарамоғидаги ёлғиз кексалардан бири – ўз тақдирини ҳарбий соҳага бағишлаб, ҳозирда эса нафақага чиққан ва ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаётган 90 ёшли Анна Никитинадир.

Иккинчи жаҳон урушининг биринчи кунидан бошлаб Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида фронт ортида меҳнат қила бошлаган Анна Никитина уруш тугаганидан сўнг ҳам ўз умрини ҳарбий соҳага бағишлади. Узоқ йиллар собиқ иттифоқнинг турли гарнизонларида хизмат қилди. Кўпни кўрган бу онахон шаҳарчада барчанинг ҳурматига сазовор.

– Турмуш ўртоғим Феодор Никитин ҳам ҳарбий хизматчи эди. У 1985 йилда вафот этганидан сўнг мен жуда тушкунликка тушиб қолдим, – дейди Анна Никитина. – Ахир ягона суянчиғимдан айрилиш мен учун катта зарба эди-да. Шунда менга ҳамкасбларим далда бўлди. Ҳолимдан хабар олишиб кўнглимни кўтаришди. Ўйлаб қарасам, бутун умрим ҳарбийлар орасида ўтибди. (Бир оз тин олиб, давом этди). Нафақага чиққанимдан сўнг ҳолим нима кечади, дея қайғурардим. Буни қарангки, асло ёлғизланиб қолганим йўқ. Ҳарбийларимиз, айниқса, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари Абдулазиз Тўлқинов ва Анатолий Карпенколар тез-тез келиб, ҳолимдан хабар олиб туришади. Улар менга худди фарзандларимдек яқин бўлиб қолишган. Шу боисдан ҳам ҳар бир она ўз фарзандини қандай яхши кўрса, мен ҳам уларни шундай яхши кўраман. Улар билан ёлғизлигим ҳам билинмайди. Жуда ғайратли, шижоатли, ҳақиқий мард йигитлар. Келишлари билан бир дам ҳам тинч туришмайди. Менга уй юмушларида ёрдам беришади. Уйим олдида мўъжазгина томорқачам бор, унга экин экиб тураман. Ўғлонлар келиб чопиб суғоришади, ёрдамлашади. Бундан жудаям хурсандман. Шу боис билим юрти раҳбариятига миннатдорчилик билдираман.

– Халқимизда савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак, деган нақл бор. Биз ҳам мана шу нақлга амал қилган ҳолда ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаётган ёлғиз, ҳеч кими йўқ кексалар ҳолидан доимий хабардор бўлиб туриш учун ўқишда сабоқдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган курсантларни бириктирганмиз, – дейди тарбиячи офицер Қадамбой Ширимбетов. – Кекса онахон Анна Никитинанинг ҳолидан бохабар бўлиб турган Абдулазиз Тўлқинов ва Анатолий Карпенко ҳам билими ва тартибинтизоми билан бошқалардан ажралиб туришади. Улар ўқишда ҳам илғор курсантлардан. Энг асосийси, масъулиятни ҳис қилишади. Бундай савобли ишларга ёшларни жалб қилишимиз ҳам жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки улар ҳадемай офицер бўлишади. Шундай экан, ўзлари хизмат қиладиган жойда ҳам мана шу эзгу амалларни давом эттиришса, ажабмас.

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланишида жуда катта маъно бор. Унинг замирида инсонларга эътибор ва ғамхўрлик мужассам. Ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бериш, меҳрга муҳтож одамга меҳр кўргазишнинг баҳоси беқиёсдир. Шундай экан, хизматдан, ҳарб илмини ўрганишдек машаққатли юмушдан ортиб, муҳтож инсонларга ёрдам беришга вақт топаётган курсантларимизга отангга раҳмат, десак арзийди.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

Бардавом тантаналар

МУЛОҚОТ КЎПРИГИ

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкиллаштирилган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Бош вазир ўринбосари – Республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, сенатор Светлана Инамова, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги директори Маматқул Ҳазратқулов, Журналистлар ижодий уюшмасининг раиси Шерзод Ғуломов иштирок этдилар.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригида шундай илиқ фикрлар айтилган: **«Бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрамини нишонлар эканмиз, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйиб, журналистика соҳаси тараққиёти йўлида қанча-қанча азоб-уқубатлар, синов ва тазйиқларни бошидан кечирган, халқаро майдонда обрў-эътибор қозонган ўзбек журналистика мактабининг фидойилари номларини миннатдорчилик билан эслаймиз ва ҳозирги вақтда сафимизда меҳнат қилиб келаётганларни юксак қадрлаймиз».** Бўлиб ўтган тадбир мазмун-моҳияти билан мазкур табрикнинг акс-садоси бўлди, десак янглишмаймиз.

Светлана Инамова оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан қутлар экан, бугунги кун ўзбек матбуотини давлат ва халқ орасидаги мустаҳкам кўприк, жамиятнинг ҳарорат ўлчагичи, дея юксак баҳо берди.

Матбуотимиз олдида мураккаб ва ўта масъулиятли вазифалар турибди. Ана шундай мураккаб ва масъулиятли вазифаларни бажаришда фидойи хотин-қизларимизнинг ҳам кўпчиликни ташкил этишлари қувонарли албатта. Тантанали тадбирда долзарб мавзуларда қалам тебраттан, замон билан ҳамнафас юртимизнинг турли вилоятларида фаолият юритаётган бир гуруҳ ижодкорлар, Республика Хотин-қизлар қўмитаси номидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Мазкур тантанали тадбирни бир ҳароратли дийдорга ўхшатиш мумкин. Чунки унда кўпчилигимизга болаликдан таниш, ҳамон тароватли, мафтункор, бугун радиотелевидениенинг фахрига айланган сухандонлар, ёши улуғ таниқли ижодкорлар жам бўлдилар ва дийдорлашдилар. Кўнгилларга бирдек сурур бағишлаган тадбирни ташкил қилганликлари учун Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг раҳбарига Галина Мельникова йиғилганлар номидан миннатдорчилик билдирди.

Тантанали тадбирда «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи иштирок этиб, гўзал куй-қўшиқлари, мафтункор рақслари билан янада файз қўшдилар. Байрам тадбирини бетакрор овоз соҳибаси Дилором Умарова олиб борди.

Инобат ЗАКАРИЁЕВА.

Болажонлар – оромгоҳларда


ҚУВОНТИРИШИ АНИҚ

Мудофаа вазирлигига қарашли Ёқуб Турсунов номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи болажонларнинг навбатдаги гуруҳини қабул қилди.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти клуби олдида тўпланган ўғил-қизлар дам олиш масканига тантанали равишда кузатилди. Оромгоҳда яратилган шарт-шароитлар ва сўлим табиат манзаралари болажонларнинг илк таассуротларига айлангани рост. Озода ва чиройли ётоқхоналар, шинам дам олиш хоналари, кенг ва ёруғ ошхона, қолаверса, дастурхонга тортилувчи мазали ва витаминларга бой таомлар, ноз-неъматлар, фаолият кўрсатувчи ижодий тўгараклар... Буларнинг бари дам олувчиларнинг тўлақонли, ҳам жисмонан, ҳам маънан ҳордиқ чиқаришлари учундир.

Турли гарнизонларда хизмат қилаётган юрт посбонлари ва Қуролли Кучларимиз хизматчилари фарзандлари ихтиёридаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи, мавжуд қулайликлар ҳар бир ўғил-қизни, ота-онани қувонтириши аниқ.

Самарқанд вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи майор Раимқул ҚАНДИМОВ.
Муаллиф суратга олган.



ҲАРБИЙ ВА ДАВЛАТ МУЛКИНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК

Мустақил миллий давлатчилигимизга асос солинган биринчи кунларданоқ давлатни, табиат инъом этган ҳамда меҳнаткаш халқимиз томонидан бунёд этилган моддий ва маънавий бойликларни ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси мудофаасини ташкил этиш ва армия фаолиятининг ҳуқуқий мезонларини ишлаб чиқишга давлат сиёсатининг бош масалаларидан бири сифатида қаралди.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, ҳеч шубҳасиз, Ватан ва истиқлолни ҳимоя қилиш учун ўз армиямизни тузиш зарурати туғилган эди. Мазкур талаб асосида мамлакатимиз Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистоннинг миллий армияси ташкил этилди. Амалга ошириб келинаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, Қуролли Кучларимиз жаҳоннинг илғор давлатлари ҳарбий соҳаси тажрибаларини ўрганган ҳолда замон талабларига мос такомиллашиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси миллий армияси айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ғоят муҳим ўрин тутади.

Бугун Қуролли Кучларимиз янги, замонавий техника ва қурол-аслаҳалар билан бутланиб, зарур воситалар билан таъминланмоқда. Бундан кўзда тутилган бош мақсад ихчам, тезкор, яхши тайёргарликка эга, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму кўст таъминланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришдир. Посбонларимиз ҳар қандай вазиятда ишончли ҳаракат қила олиши, мамлакат ҳудудининг жуғрофий-стратегик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчиларга қуруқликда ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун етарли жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур.

Ҳарбий хизматчилар зиммасига мустақил Ватанимизни ҳимоя қилишдек шарафли ва масъудиятли вазифа юклатилган. Шунингдек, қурол ва жанговар техникалардан маҳорат билан унумли фойдаланиб, уларни доимо асраб-авайлаш ҳам муҳим талаблардан саналади.

Ҳарбий хизматчи қурол-аслаҳа, жанговар техникани яхши билиши, маҳорат билан қўллай олиши, фойдаланиши, уларни сақлаш ва авайлаб-асраш учун бўлган доимий кундалик саъй-ҳаракати ҳамда интилиши туфайлигина мамлакатимизнинг тинчлигини сақлашга, бойликларини асрашга ва жанговар шайликни оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Шунингдек, посбон хизматнинг илк кунидан бошлаб барча турдаги ҳарбий ва давлат мулкларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши шартдир.

Давлат мулки – бу давлатга қарашли мулклар, ҳарбий мулк эса ҳарбий ташкилот тасарруфига вақтинча ёки доимий бериб қўйиладиган давлат мулкининг бир бўлаги ҳисобланади. Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларнинг барча турлари, ўқ-дорилар, ёнилғи маҳсулотлари, озиқ-овқатлар, ҳарбий либослар, тиббиёт мулклари, алоқа воситалари, объектлар, турар жойлар ва ётоқхоналар, омборлар, хизмат фонди ва ҳарбий ташкилотнинг ишлаб чиқариш корхоналари, ҳарбий хизматчиларни ўқитиш, ўргатиш, ҳарбий машқлар, дам олиш ва бошқа таъминотлари учун ажратилган барча турдаги жиҳозлар, буюмлар ҳамда бошқа мулклар бевосита ҳарбий мулклар сирасига киради.

Ҳарбий низомларда, қўлланмалар ва йўриқномаларда тегишли моддий таъминот турлари ҳақидаги қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳарбий мулкни асраб-авайлаб, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида тўғри фойдаланиш тартибини белгилайди. Низомлар ва меъёрий ҳужжатлар ҳарбий хизматчилардан ўзига ишониб топширилган қурол-аслаҳа ва бошқа ҳарбий мулкни авайлаб-асрашни талаб этади. «Ички хизмат низоми»нинг тегишли моддасида: «Ҳарбий хизматчи ўзига ишониб топширилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани билиш ва ишлатишга, доимий шайликда сақлашга, ҳарбий мулкни асрашга мажбурдир», дейилади.

ПОСБОНЛАРИМИЗ ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИЯТДА ИШОНЧЛИ ҲАРАКАТ ҚИЛА ОЛИШИ, МАМЛАКАТ ҲУДУДИНИНГ ЖУҒРОФИЙ-СТРАТЕГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЭҲТИМОЛ ТУТИЛГАН БОСҚИНЧИЛАРГА ҚУРУҚЛИКДА ВА ҲАВОДА МУНОСИБ ЗАРБА БЕРА ОЛИШ УЧУН ЕТАРЛИ ЖАНГОВАР САЛОҲИЯТГА ЭГА БЎЛМОҒИ ЗАРУР.

Аскарнинг, бўлиманинг, расчётнинг, экипажнинг ёки ҳарбий қисмнинг юксак жанговар тайёргарлиги чуқур билимга, қуролни, ҳарбий техникани ҳамда бошқа ҳарбий мол-мулкни юқори даражада сақлашга, уларни керакли пайтда ишлата олишига боғлиқдир.

Хизматнинг илк кунлариданоқ посбонларни ҳарбий мол-мулкка эътибор бериб боришга кўниктириш барча командирлар, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, офицерлар ва сержантларнинг, қолаверса, барча ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг вазифасидир.

Ватан қуролли ҳимоячиларимиз қўлига замонавий қурол ва жанговар техникани ишониб топширганлигини доим ёдда сақлашимиз керак. Кўз қорачиғидай асралган қурол ҳамда жанговар техника ҳарбий хизматчилардан ўзига ишониб топширилган қурол-аслаҳа ва бошқа ҳарбий мулкни авайлаб-асрашни талаб этади. «Ички хизмат низоми»нинг тегишли моддасида: «Ҳарбий хизматчи ўзига ишониб топширилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани билиш ва ишлатишга, доимий шайликда сақлашга, ҳарбий мулкни асрашга мажбурдир», дейилади.

Аскарнинг, бўлиманинг, расчётнинг, экипажнинг ёки ҳарбий қисмнинг юксак жанговар тайёргарлиги чуқур билимга, қуролни, ҳарбий техникани ҳамда бошқа ҳарбий мол-мулкни юқори даражада сақлашга, уларни керакли пайтда ишлата олишига боғлиқдир.

Хизматнинг илк кунлариданоқ посбонларни ҳарбий мол-мулкка эътибор бериб боришга кўниктириш барча командирлар, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, офицерлар ва сержантларнинг, қолаверса, барча ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг вазифасидир.

Ватан қуролли ҳимоячиларимиз қўлига замонавий қурол ва жанговар техникани ишониб топширганлигини доим ёдда сақлашимиз керак. Кўз қорачиғидай асралган қурол ҳамда жанговар техника жангда ҳеч қачон панд бериб қўймайди. Бу эса ўз навбатида халқ мулкини тежаш ҳам демакдир.

Ватан ва халқ ишончини оқлаш, қурол-аслаҳаларни асраб-авайлаш ва доим жанговар шай ҳолатда сақлаш посбоннинг бурчидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, Низомдаги ҳарбий мол-мулкни асраб-авайлаш деган қоида нафақат қурол ва жанговар техникани эҳтиётлаш дегани, балки бутун ҳарбий мол-мулкни асраб-авайлашни англатади. Демак, бу ҳарбий хизматчиларнинг нонни, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини эҳтиётлаш, ўз кийимбошини асраш ва уларни ҳамиша озода ва кўркам тутиш, хизмат жиҳозларини, шахсий таркиб жойлашган биноларни доимо тоза сақлаш, мебель ва бошқа асбоб-ускуналарни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш деганидир.

Қонунчилигимизга кўра ҳарбий мулк халқимизга тегишли. Уни сотиш, гаровга қўйиш, алмаштириш, совға қилиш тақиқланади. Ундан фойдаланиш тартиби низом, қоидалар, йўриқномаларда кўрсатилган бўлиб, улар фақат мамлакат мудофаа салоҳияти манфаатлари йўлида ишлатилади.

Ҳарбий ва давлат мулкига етказилган зарар (ишдан чиқариш, зарар етказиш) ёки фойдаланиш тартибини бузганлик (ўғрилик, йўқотиш, эксплуатация талабларини бузиш) учун интизомий, моддий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Ҳозирда Қуролли Кучларимиз олдида Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлаш, давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва халқнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилишдек муҳим вазифалари турибди.

Бу борада Мудофаа вазирлиги қўшинларида замонавий ислоҳотлардан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш, қўшинлар қурилишини замон талабларига кўтариш, жанговар шайлигини оширишга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда.

Шу вазифаларни бажаришда моддий ресурслар ва пул маблағларидан самарали, тежамкорлик билан фойдаланишга қаттиқ риоя қилиш муҳим роль ўйнайди. Тежамкорлик учун кураш вақтинчалик жараён эмас, балки хўжалик юритишнинг асосий услубларидан биридир.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида «Эришган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, янги марралар сари интиламиз» номли маърузасидан келиб чиқиб, биз Ватан ҳимоячилари олдимизга шундай вазифаларни қўйдик:

биринчидан, барча бўлинмаларнинг ўзларига бириктирилган ҳарбий-техник мулкдан, шунингдек, бюджет ва нобюджет пул маблағларидан унумли ва самарали фойдаланиш бўйича жавобгарлигини ошириш;

иккинчидан, бўлинмалар бўйича келгуси режаларни ҳисобга олган ҳолда бюджет маблағларини режалаштириш ва тақсимлаш;

учинчидан, назорат органлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва моддий ресурслар, пул маблағларини тежаш бўйича ишлар олиб бориш;

тўртинчидан, коммунал харажатлар, ёқилғи мойлаш материалларини иқтисод қилиш тизимини ишлаб чиқиш, Мудофаа вазирлиги бюджетини тўлдириш бўйича қўшимча маблағларни излаб топиш кабилардир.

Давлат ва ҳарбий мулкни асраб-авайлаш, моддий ресурслар ва пул маблағларидан унумли фойдаланиш ва уларни иқтисод қилиш, ҳарбий шаҳарчалар ва бошқа объектларни намунали сақлаш ва бошқа шу каби вазифаларни доимий амалга ошириш йўли билангина биз мамлакатимиз, халқимиз ишониб топширган хавфсизликни, тинчликни ва бойликларни асраб қоламиз.

Подполковник Бекбўта ҲАМИДОВ.

9 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

Хурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 9 июль куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 «Таҳлилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Истиқбол сари йўл».
17.45 «Ёшликда ўргансанг ҳунар».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Умр дафтари».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Сериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Шарқ тароналари».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир», Сериал.
23.55 Тунги наволар. «O'zbekiston».
00.20 «Нодира». Рақс спектакли.
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.35 Олтин мерос.
01.45 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
03.15 «Чемпион сирлари».
03.35 «Истеъдод».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён». 1-қисм.
05.30 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «Давр ҳафта ичида».
10.30 Таътил туҳфаси: «Тилсимой — ғаройиб қизалоқ».
11.40 «Афросиёб афсоналари».
12.00 «ПУАРО». Сериал.
12.50 «Мафтункор ва бетакрор!»
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «У ким? Бу нима?»
13.50 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Якшанба нонуштаси».
16.40 «Journal».
17.00 «Эрта сўнган юлдузлар».
17.20 «Нафосат олами».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
18.35 «Газал мулки».
18.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «UzEX хабарлари».
20.15 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Матонат».
20.30 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «ПУАРО». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм «Топилмалар идораси».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа-SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист».
20.20 «Как это работает?» Фильм.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «ТВ-юрист».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Поцелуй на удачу».
00.30 Хайрли тун, шаҳрим.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информационно-таҳлилий кўрсатув.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.30 «Болалар спорти».
10.50 «Танцы с павлинами». Документальный фильм.
11.15 Велоспорт. Тур де Франс.
11.45 Баскетбол. Чемпионат мира. Женщины. Полуфинал.
15.10 Футбол. Осиё кубоги. Япония — Қатар. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Тет-а-тет».
17.15 Футбол. Осиё кубоги қундалиги.
17.45 «Мусиқий тайм».
18.05 «Футбол шаҳри».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Спортимиз маликалари».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 ПрофРИНГ.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Спортивное кино: «Оптом дешевле». Художественный фильм.
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

10 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.45 Халқ чолғу оркестрларининг фестивали.
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50 «Самарқанд — 2750».
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури.
12.20 «КиноТеатр».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.30 «Заковат».
16.25 «Мозий сирлари». 1-қисм.
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.25 «ИИВ хабарлари».
17.40 «Марғилон — 2000».
17.50 «Ҳудудлар ҳаёти».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Умр дафтари». 2-қисм.
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Банк ва бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Телесериал.
23.55 Тунги наволар. «O'zbekiston».
00.20 «KINOMANIYA».
00.50 «Самарқанд — 2750».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Қаллиқ ўйин». Спектакль. 1-қисм.
02.55 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.05 «Қаллиқ ўйин». Спектакль. 2-қисм.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён». 2-қисм.
05.30 Тонги наволар.

ЁШЛАР

Телетомошабинлар, диққатига! Профилактика муносабати билан 10 июль куни «Yoshlar» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 15.55 дан бошлайди.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Ватанпарвар».
17.20 «Нафосат олами».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
18.20 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Мурувват».
18.30 «Ватаним!»
18.35 «Газал мулки».
18.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «UzEX хабарлари».
20.15 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Матонат».
20.30 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «ПУАРО». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 Дни летних каникул.
10.55 «Аёл қалби».
11.30, 12.30, 20.15 «ТВ-юрист».
11.40 «Интервью».
11.50 «Саломат бўлинг».
12.00 «Туризм ҳақида».
12.40 «Поцелуй на удачу».
17.55 «Топилмалар идораси».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Химоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Как это работает?» 2-й фильм.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Премьера».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Братья Гримм».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Болалар спорти».
10.35 Кураш. Республика биринчилиги.
10.55 Велоспорт. Тур де Франс.
11.25 Теннис. Уимблдон турнири. Финал. Аёллар.
15.15 Футбол. Осиё кубоги. Индонезия — Бахрайн. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.15 «Спортклуб».
17.25 Футбол. Осиё кубоги. Малайзия — Хитой. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.30 Футбол. Осиё кубоги қундалиги.
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Мусиқий тайм».
21.10 «Футбол мундиал».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Семейный экран: «Испытание Акилы». Художественный фильм.
22.50 Футбол. Америка кубоги.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

11 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.35 Ғ.Ғошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
9.55 «ИИВ хабарлари».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Ҳаёт манзаралари».
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Самарқанд — 2750».
12.05 «Ёшликда ўргансанг ҳунар»
12.25 «Одамлардан бири».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
15.20 «Оддий ҳақиқатлар».
16.10 «Мозий сирлари». 2-қисм.
16.30 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.00 «Марғилон — 2000».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Умр мазмуни».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Телесериал.
23.55 Тунги наволар. «O'zbekiston».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури.
00.45 «Мисли гавҳар».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун».
03.00 «Ватанпарвар».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён». 3-қисм.
05.30 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Чумолилар ҳужуми».
11.50 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
12.00 «ПУАРО». Сериал.
12.50 «Нафосат олами».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Матонат».
16.35 «Меъёр — соғлиқ гарови».
16.55 «Замонлар оша келажак сари!»
17.00 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига: «Самарқанд қоғози».
17.15 «Таълим ва тараққиёт».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Сериал.
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Истиқбол тимсоллари».
18.35 «Газал мулки».
18.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Оқшом қўнғироқлари».
20.25 «Автопатруль».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «ПУАРО». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 Ёзги таътил кунларида.
10.55 «Химоя».
11.05, 12.35, 20.15 «ТВ-юрист».
11.35 «Мулоҳаза учун мавзу».
12.10 «Репортаж».
12.20 «Премьера».
12.45 «Братья Гримм».
17.55 «Топилмалар идораси».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Мисли гавҳар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «За пределами науки». Научно-популярный фильм.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Таиланд ажойиботлари».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Крокодил Данди-3».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Болалар спорти».
10.35 Эстрада симфоник оркестрининг концерт дастури.
10.55 Пляж футболи. Ўзбекистон кубоги.
11.10 Велоспорт. Тур де Франс.
11.40 Теннис. Уимблдон турнири. Финал. Эркаклар.
15.10 Футбол. Осиё кубоги. Эрон — Ўзбекистон. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.10 «Спорт — менинг ҳаётим».
17.25 Футбол. Осиё кубоги. Корея — Саудия Арбистони. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.30 Футбол. Осиё кубоги қундалиги.
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Мусиқий тайм».
21.10 «Кўп яшанг».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Семейный экран: «Испытание Акилы». Художественный фильм.
22.50 Футбол. Осиё кубоги. Эрон — Ўзбекистон.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

12 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50 «Самарқанд — 2750».
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури.
12.25 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Марғилон — 2000».
15.15 «Оҳанрабо».
16.00 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Эъзоз».
16.20 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Рангин дунё».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Телесериал.
23.55 Тунги наволар. «O'zbekiston».
00.15 «Рангин дунё».
00.35 «Юртим бўйлаб» дастури.
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Янги кун».
03.10 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.25 «Назм ва наво».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён». 4-қисм.
05.30 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Уч сеҳргар».
11.30 «Мурувват».
11.40 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
12.00 «ПУАРО». Сериал.
12.50 «Нафосат олами».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Автопатруль».
16.35 «Солиқ хизмати хабарлари».
16.45 «Йўллар ва таассуротлар».
17.00 «Хуш келибсиз!»
17.10 «Чемпион сирлари».
17.30 «Мўъжизавий дунё». Сериал.
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Сифат белгиси».
18.35 «Газал мулки».
18.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «ПУАРО». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Гроза муравьев».
11.00, 12.00, 20.15 «ТВ-юрист».
11.25 «Интервью».
11.40 «Камер жамоасининг концерти».
11.50 «Мисли гавҳар».
12.10 «Крокодил Данди-3».
17.55 «Топилмалар идораси».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Келажакка интилиб».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Бесстрашный». Фильм.
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Болалар спорти».
10.35 Кураш. Республика биринчилиги.
10.55 Велоспорт. Тур де Франс.
11.25 Баскетбол. Чемпионат мира. Женщины. Финал.
15.15 Футбол. Осиё кубоги. Ўммон — Тайланд. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Гейм-Сет-Матч».
17.15 «Табиат оғушида». Ҳужжатли фильм. «O'zbektelefilm».
17.25 Футбол. Осиё кубоги. Қатар-Вьетнам. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.30 Футбол. Осиё кубоги қундалиги.
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Мусиқий тайм».
21.10 «Халқ ўйинлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 История любви: «Кейт и Лео». Художественный фильм. (1-я часть).
22.45 Футбол. «Копа Америка».
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

13 ИЮЛЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40, 17.15 Олтин мерос.
8.50 1. «Цирк, Цирк, Цирк».
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.40 «Табаррук замин».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Минг бир ривоят».
10.50 «Самарқанд — 2750».
11.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Рақснинг сеҳрли олами».
12.15 «Ҳаёт манзаралари».
12.25 «Рангин дунё».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Марғилон — 2000».
15.15 «Жондан азиз». Видеофильм.
16.25 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.25 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Саломатлик» дастури.
17.45 «Ислоҳотлар инсон учун».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Ҳидоят сари».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Янги наволар». «Сарбон» гуруҳи.
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Телесериал.
23.55 Тунги наволар. «O'zbekiston».
00.15 «Санъат дўстликка чорлайди».
00.35 «Дунё таомлари».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун».
03.00 «Самарқандни куйлайман».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён». 5-қисм.
05.30 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал.
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Мария, Мирабелла Трансисторияда».
11.25 «Тасвир ва таассурот». Эль Греко.
11.40 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
12.00 «ПУАРО». Сериал.
12.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Интерфутбол».
17.50 «Истиқбол тимсоллари».
18.00 «Уйимдаги фариштам».
18.20 «Автопатруль».
18.35 «Газал мулки».
18.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «Радиодан кўрсатамиз!»
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Зерда». Сериал. Якунловчи қисм.
21.35 «Дунё таомлари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Жаҳон киноси: «Поттерхоним».
00.20 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 Ёзги таътил кунларида.
11.40, 12.15, 20.15 «ТВ-юрист».
11.50 «Келажакка интилиб».
12.05 «Иқтисод-ревю».
12.25 «Бесстрашный».
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Бермудский треугольник». Научно-популярный фильм. 1-я часть.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Библиотекарь».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «Болалар спорти».
10.35 «Ринг».
11.05 Велоспорт. Тур де Франс.
11.35 «Путешествия натуралиста».
12.00 «Спорт салтанати».
12.20 Формула-1.
15.10 Футбол. Осиё кубоги. Ироқ — Австралия. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.10 «Мусиқий тайм».
17.30 Енгил атлетика. Гран-при.
18.25 Футбол. Осиё кубоги. БАА — Япония. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
20.30 Футбол. Осиё кубоги қундалиги.
21.00 «Мониторинг».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Стать ближе». Шоу-программа.
22.30 «Поле чудес».
23.35 История любви: «Кейт и Лео». Художественный фильм. (2-я часть)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

14 ИЮЛЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Шифокор қабулида».
9.15 «Мусиқа дунёси».
9.40 1. «Рангинкамон».
2. «Дилдор».
10.20 «Уч бека». Телесериал.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Икки тақдир». Телесериал.
12.00 «Заковат».
13.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Дил таронаси».
14.30 «Энг жозибали ва латофатли». Бадиий фильм.
15.50 1. «Ўйла! Изла! Топ!»
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.50 «Минг бир маслаҳат».
17.10 «Санъат дўстликка чорлайди».
17.30 «Шахсий фикр».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Саломатлик сирлари».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Сутурта оламида».
19.20 Дунё иқлими.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Қизлар давраси».
22.55 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.05 «Тиниқ дарё мавжлари». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.05 Тунги наволар. «O'zbekiston».
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Оҳанрабо».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
03.00 «Заковат».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 Миллий кино: «Ғаройиб ҳодиса».
05.40 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Зерда». Сериал. Якунловчи қисм.
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Камбағал ва малика».
11.40 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
12.00 «Ер сайёраси». Илмий-оммабоп фильм.
12.50 «Радиодан кўрсатамиз!»
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Автопатруль».
13.45 «Матонат».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам — барчамизники!»
16.20 «Интерфутбол».
17.50 «Хаёлпарастлар». Ҳужжатли дастур.
18.10 «Хуш келибсиз!»
18.25 «Каталог».
18.35 «Газал мулки».
18.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Акс». Ток-шоу.
20.10 «Дилдрез». Мусиқий дастур.
20.35 «Мафтункор ва бетакрор!»
20.40 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига: «Самарқанд жавоҳирлари».
21.20 «Ёшлик наволари».
21.35 «Эълонлар».
21.40 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
21.50 «Ватаним!»
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Жаҳон киноси: «Кўзбойловичи».
00.30 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 Дни летних каникул.
11.00, 12.15, 20.15 «ТВ-юрист».
11.05 «Маърифат фидойилари».
11.40 «Саломат бўлинг».
11.55 «Репортаж».
12.25 «Библиотекарь».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа SMS».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Бермудский треугольник». Научно-популярный фильм.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Истеъдод».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 «Мгновения Нью-Йорка».
00.15 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ


7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 «Смак».
9.55 «Жасур болалар».
10.25 Нокаут.
10.45 «Жаҳон спорти юлдузлари».
11.05 «Военное дело».
11.25 Велоспорт. Тур де Франс.
11.55 «Живой мир». Научно-популярный фильм.
15.10 Футбол. Осиё кубоги. Ўзбекистон — Малайзия. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.10 «Звездный матч».
17.25 Футбол. Осиё кубоги. Саудия Арабистони — Индонезия. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.30 Футбол. Осиё кубоги қундалиги.
20.00 «Файзли оилам».
20.30 «Мусиқий тайм».
20.50 «В яблочко».
21.05 «Фоторевю».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 SMS-РИНГ.
22.10 SMS-комедия.
23.40 Футбол. Осиё кубоги. Ўзбекистон — Малайзия.

15 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Матильда». Бадиий фильм.
10.15 «Саломатлик сирлари».
10.35 «Уч бека». Телесериал.
11.15 «Самарқанд ҳақида қўшиқлар».
11.35 «Ғайратли йигитлар». Ҳажвий кўрсатув.
12.05 «Денгиздан томчи».
12.35 «КиноТеатр».
13.00 «Ошиқлар». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон).
14.15 «Ошиқлар». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.25 «50/50». Ток-шоу.
«Болалар сайёраси»:
16.15 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Балиқчи ва тилла балиқ ҳақида эртак». Мультфильм.
17.20 «Интеллектуал ринг».
18.05 «Шарқ тароналари».
18.25 «Ҳамон ёдимда» 1-қисм.
18.45 ТВ-анонс.
18.50 «Ҳамон ёдимда» 2-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Таҳлилнома».

ФАРМОЙИШ – ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРМОҚДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳарбий таълим соҳасидаги ислоҳотларимиз шахсий таркибнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини кучайтиришга, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлашга, уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштиришга, юрт ҳимоячиларида миллий истиқлол ғояларига садоқатни тарбиялашга, уларнинг индивидуал ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражасини, интеллектуал салоҳиятини оширишни таъминлайдиган моделлаштириш, симуляция ва бошқа замонавий усул-услубларни кенг жорий этишга қаратилганини яхши биламиз. Бугун бу борадаги ислоҳотларимиз самарасини кўрганда кўз қувнайди, танлаган йўлимиз тўғри эканлигидан қалбларимиз фахрга тўлади.

Маълумки, 2005 йилда Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойиши эълон қилинганди. Таъкидлаш жоизки, бу замон талабларига мос равишда шаклланаётган миллий армиямиз сафларини ҳар томонлама сифатли, малакали кадрлар билан таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжатнинг асосий жиҳати, унда ҳарбий билим юртларига курсантлар ва тингловчиларни қабул қилишнинг ўзгартирилган, янги муддатлари белгиланган эканлигидадир. Бунга кўра, абитуриентларнинг ҳар йилги тест синовлари 10 июлда, курсантларни олий ҳарбий таълим муассасасига қабул қилиш 15 июлда ўтказилаётганини яхши биламиз. Бундан кўзланган мақсад нимада, деган ўринли савол туғилиши мумкин.

Аввало ушбу Фармойиш олий ҳарбий таълим муассасаларини курсантлар билан бутлаш сифатини янада ошириш учун пухта тайёрланган ёшлар орасидан номзодларни танлаб олиш имкониятини яхшиламоқда. Қолаверса, олий ҳарбий билим юртларига ўқишга киришда тест синовларидан ўта олмаганлар бошқа олий ўқув юртларига ҳужжат топширишга улгуришади. Илгари олий ҳарбий билим юртларига қабул тестидан ўта олмаганлар бошқа олий ўқув масканларига ҳужжат топшириш, билимини қайта синаб кўришдек имкониятдан бебаҳра қоларди. Натижада тест бўладиган янаги йилни кутишига тўғри келарди. Ана, ёшларимиз учун Фармойишнинг моҳияти, яратаётган имконияти нимада.

Маълумки, айни кунларда жойларда олий ҳарбий билим юртларида офицер бўлишга чоғланаётган йигитлар тестгача бўлган синовлардан ўтишмоқда. Уларнинг жисмоний, руҳий томондан миллий армиямизга қай даражада мос эканликлари етук мутахассислар томонидан текширилянти. Масалан, касбий-руҳий танловни олайлик. Бу жараён янада такомиллаштирилиб, икки босқичда ўтказилмоқда. Дастлабки босқичда офицер бўлишга даъвогарнинг интеллектуал даражаси аниқланади. Иккинчи босқичда эса абитуриентнинг руҳий барқарорлигига эътибор қаратилади. Замон талаблари асосида ривожланаётган миллий армиямиз учун бу омиллар жуда муҳим. Танлов мукаммаллашиб бораётгани, умуман офицерлик касбига ёшларимизда қизиқишнинг юксалаётгани абитуриентларнинг сони ҳам, сифати ҳам ортишига сабаб бўляпти. Ҳа, ҳаётини Ўзбекистон армиясининг офицери бўлишдек шарафли, маъсулиятли ишга боғламоқчи бўлган ёшларимизнинг шижоати, ғайратини кўриб ҳарбийликнинг том маънода орзу, ҳавас қиладиган касбга айланаётганини ҳис қиласиз.

Кичик сержант Бобур Отамирзаев ҳарбий сулолани давом эттиришга қатъий аҳд қилганлардан. Офицер акалари Бахтиёр ва Умидларнинг ортидан бориб, шартнома бўйича хизмат қиляпти. Мана, энди мардлар касби офицерлик йўлида қадам қўймоқда.

Ёки конституциявий бурчини шараф билан ўтаётган оддий аскар Анварбек Мирзааҳмедовни олайлик. Саралар ичра сараланиб, муддатли ҳарбий хизматга келди. Аъло даражада хизмат қилиб, жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлардан ютуқларга эришган, офицер бўлишга қизиқиши юксак бу ўғлон Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжатларини тайёрлаб, топширди. Ахир, аскарликда ҳам олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириш учун имконият берилади-да. Хуллас, мардлиги, шижоати билан ёниб турган ўғлонни командирлари билим юртига йўллантиришди. Мана, бугун у бошқа абитуриентлар сингари танловлардан ўтмоқда.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлашнинг шундай тизими яратилдики, бу Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини бермоқда. Қалблари Ватан, юрт ишқи билан ёниб турган бу йигитлар эртага курсант бўлишади. Таъкидланаётган тизимда шаклланиб, офицер бўлишади, Қуролли Кучларимиз нуфузини янада оширадиган етук командирлар бўлишади.

Яхши биламиз, азал-азалдан таълим-тарбия ҳаёт-мамот масалаларидан бири бўлиб келган. Юртимизда мазкур масалага устувор аҳамият бериб келинаётгани ҳам порлоқ истиқбол сари дадил одимлаётганимизни кўрсатади.

Майор Алижон САФАРОВ.

Абитуриент – 2007

ШАРАФЛИ КАСБГА ҲАВАС

Мана, офицерликдек шарафли касб эгаси бўлишни ният қилиб, юртимиздаги олий ҳарбий билим юртларига ҳужжат топширган йигитларнинг давлат тест имтиҳонларини топширишларига ҳам саноқли кунлар қолди.

Тестга қадар, ўғлонлар жисмоний тайёргарлик, тиббий кўрик, руҳий-касбий тайёргарлик ва билим даражасини текшириш каби бир қатор саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилда муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, тавсияномага сазовор бўлган йигитларнинг аксарияти ҳарбий билим юртларининг турли факультетларига ҳужжат топширишган. Бу шундан далолатки, муддатли ҳарбий хизмат, Ватан ҳимоячилари учун яратилган шарт-шароитлар, қолаверса, армия ҳаёти ўғлонлар қалбида ҳарбийликка ҳавас уйғотмоқда.


– Мен ёшлигимдан спортнинг таэквондо ва қўл жанги турлари билан мунтазам шуғулланиб келганман, – дейди фарғоналик Азизбек Шахалиев. – Спортдан гап очишимнинг боиси, муддатли ҳарбий хизматни ўташ давримда ушбу спорт турлари менга анча қўл келди. Жисмоний тайёргарлик машғулотлари вақтида, спорт мусобақаларида яхши натижаларни кўрсатиб, командирларим эътиборига тушдим. Шунингдек, қўлимдан келганича сафдошларимга ҳам ўргатдим. Умуман олганда, армия менинг ҳаётимда катта ўрин тутди. Жанговар тайёргарлик билан бирга ҳам жисмонан, ҳам маънан ҳар томонлама чиниқдим, тобландим. Шу ерда ҳарбийликдек шарафли касбга ҳавасим ортди. Эзгу ниятлар билан Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжатларимни топширдим. Биринчи босқич саралаш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, ҳозирда давлат тест синовига жиддий тайёргарлик кўряпман.

Йигитлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг зукколигини, матонатини кўриб, «балли азаматлар», дегимиз келди. Бирбиридан чаққон, эпчил ўғлонлар бор билим ва маҳоратларини ишга солиб, синовлардан яхши натижалар ила ўтишга ҳаракат қилишмоқда. Саралаш босқичидан ўтганлари эса, вақтдан унумли фойдаланиб, китоб мутолаа қилиб, тестга қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

– Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганимга ҳам 9 ой бўлиб қолди, – оддий аскар Анвар Мадраҳимов. – Хизматга қадар иқтисодиёт коллежида таҳсил олганман. Коллежда барча фанлар қатори, чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани ҳам чуқур ўргатилар эди. Шу фандан олган сабоқларим хизматимда жуда асқотмоқда. Офицерликни танлаётганимнинг асосий сабаби, биз посбонларга берилаётган эътибор бўлса, иккинчиси амакиваччам подполковник Нодир Тошпўлатовнинг ўгитларидир. Шу инсон менинг қалбимда ҳарбийликка ҳавас уйғотган. Саралаш босқичларидан муффақиятли ўтиб, давлат тест имтиҳонига кўтаринки руҳда тайёргарлик кўряпман.

Йигитлар билан суҳбатлашиш давомида бир нарсага амин бўлдим, яъни барчасининг мақсади она Ватанни ҳимоя қилиш, эл-юрт корига камарбаста бўлишдир. Мана шундай эзгу ниятли ўғлонларга омад ёр бўлишини тилаб, миллий армиямиз сафларидан ўзларининг муносиб ўринларини топишларига юксак ишонч билдириб қоламиз.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.




Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига

МАДАНИЯТЛАР КЕСИШГАН ЗАМИН

САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Жаҳон ахборот агентлигидан олинган хабарларга кўра, замин сайқали бўлмиш кўҳна Самарқанднинг юбилейига бағишланган тадбирлар нафақат юртимизда, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида бўлиб ўтган тадбир ана шулар жумласидан. Анжуманда таниқли олимларнинг маърузалари тақдим этилиб, иштирокчилар Самарқандниг, демакки, Ўзбекистонимизнинг дунё тамаддунида улкан ўрин тутишини янада кенгроқ билиб олишди. Шунингдек, тақдимот маросимида шаҳримиз тарихи ҳақида қисқа метражли, ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этилдики, бу Самарқанд маданиятлар кесишган жой эканлигининг ўзига хос эътирофидир.





Юбилей доирасида яқинда Самарқандда бўлиб ўтган халқаро симпозиум ҳам шаҳарнинг умуминсоний маданият тараққиёти тарихида улкан ўрин эгаллаб келганини яна бир бор кўрсатди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, истиқлол йилларида тарихимизни билиш, қайта тадқиқ қилишга бўлган эътибор туфайли олиб борилган кенг археологик ишлар биз авлодларга кўпгина нарсаларни ойдинлаштирди. Самарқандниг ёши аниқланишида ҳам ана шундай тадқиқотларнинг ўрни беқиёс бўлди. Халқаро симпозиумда олтита йўналишда 120 дан зиёд маърузалар ўқиб эшиттирилиши кўзда тутилганди. Яъни қуйидаги йўналишлар қамраб олинганди: шаҳар ва давлатчилик қурилишининг илк формалари; Самарқанд – Буюк ипак йўли ва халқаро савдо; Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиёдаги уйғониш; Мирзо Улуғбекнинг дунё фанига қўшган ҳиссаси; Ўзбекистон фани ва маданиятининг дунё тамаддунида тутган ўрни; Самарқанд манбашунослиги ва топонимикаси; Самарқанд – тарих кесишган жойда. Симпозиумда Хитой, Россия, Австрия. Франция, Италия, Германия, Қозоғистон каби кўплаб мамлакатларнинг таниқли шарқшунос олимлари, тарихчилари, археологлари иштирок этишди.

Ёшларимизни юртга, шонли тарихимизга муҳаббат руҳида тарбиялаш йўлида кўплаб эзгу ва хайрли ишлар қилинаётганидан хабаримиз бор. Самарқандниг 2750 йиллигига бағишлаб шаҳар ёшлари ўртасида «Тупроғи зар Самарқандим» дея номланган энг яхши шеър, суратлар танлови ўтказилаётганида ана шундайин устувор мақсад мужассам.

Самарқандниг кундан-кунга чирой очиб бораётганини, шаҳарнинг бунёдкорлик руҳи билан ёниб яшаётганини кўриб кўз қувнайди. Шу ўринда тарихга юзланиб, бобомиз Амир Темур томонидан барпо этилган боғлар хусусида бироз маълумот бериб ўтсак.

Абу Тоҳирхўжа ўзининг «Самария» китобида бу борада тўхталар экан, уларни Эрам гулистонини рашк қилар даражада экан, дея баҳо беради. Соҳибқирон барпо қилган боғлар ичида бўлиб, уларнинг биринчиси Боғи шимол деб номланади. Сабаби, у шаҳарнинг шимолида жойлашган. «Боғи шимолнинг саройи мураббаъ бўлиб, ҳар бир тарафи бир минг беш юз қадам эди. Унинг мармар нақшлари мўъжиби ҳайрат бўлиб, ери қора ёғоч ҳам фил тишидан ишланган нақшланган эди», дея ёзилган манбаларда.

Навбатдагиси Боғи баланд деб номланиб, бу ҳам шаҳар шимолида жойлашган.

Учинчиси Боғи биҳиштдир. Мазкур боғ ҳақида машҳур тарихчи Вамбери шундай ёзади: «Боғи биҳишт саройи гўзал, услуби меъмориси ҳам фараҳфизо боғчаси ила машҳур эди. Шарафуддиннинг ривоятича, ул сарой хандақ ила муҳот сунъий тепа узарида соф оқ табриз мармаридан бино этилганмиш...»

Тўртинчиси Боғи чинор деб номланади.

Боғи дилкушо бешинчиси бўлиб, Конигилнинг жануб томонида жойлашган. Бу хусусда Бобур шундай ёзади: «Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқтир, Боғи бўлдидур, ёвуқроғи Боғ дилкушодир. Андин Фируза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафида терак ёғочлари эктуруптир».

Шунингдек, Боғи зоғон ва Боғи жаҳонномолар ҳам борки, булар буюк саркарда, давлат арбоби бўлган бобомизнинг бунёдкорликларидан сўзлайди.

Дилафрўз РЎЗИЕВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сен дунё тамаддунига бешиксан, кўҳна Шарқ. Фалсафанг жаҳон маънавий-маърифий тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб келаётганини биламиз. Шарқда ўзига хос фалсафа, ўзига хос маънавият, ўзига хос маърифат борлигини таъкидламоқчиман. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонда асос солинган мазкур фестиваль бунинг ёрқин намунасидир.

1997 йилнинг 26 августи... Бу санани Президентимиз томонидан асос солинган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг «туғилган» куни, деган бўлардим. Ҳа, ҳа, айнан шу куни биринчи бора юртимизда, Самарқандда мазкур фестиваль очилди. Эзгу мақсадда, эзгу ниятда ана шундайин санъат байрамига асос солинди. Буни илк очилиш маросимида Юртбошимизнинг айтган сўзлари ҳам исботлаб турибди: «Ишонаманки, сизларнинг гўзал санъатингиз Шарқимиз дурдоналарини бутун дунёга яна бир бор намойиш қилади.

Ишонаманки, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйғотади.

Ишонаманки, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали халқларимиз маданиятларини ўзаро бойитади, миллатимиз ва динимиздан қатъи назар, халқларимизни ва инсонларимизни бир-бирига яқинлаштиради».

Бу фикрлар, бу истаклар ўз ижобатини топиб, мусиқага, маданиятга, маърифатга ташна дилларни бир-бири билан боғламоқда. Ҳа, фестиваль тарихига назар ташлаб ҳам бунинг исботини кўриш мумкин. Фестиваль сабаб Шарқнинг дурдоналарига айланган сара санъат асарлари, қўшиқ, мусиқа дунёга кўз-кўз қилинмоқда.

2003 йилнинг августида «Шарқ тароналари» тўртинчи бора ўтказилганда халқаро фестивалда 40дан зиёд мамлакатдан вакиллар иштирок этишганди. Эсингизда бўлса, унда фестиваль миллий мақом санъатимизга бағишланган эди. Иштирокчилар миллий мақом санъатимизнинг бой қирраларини ўзлари учун кашф қилишди. Миллий мақомимиз замирида халқимиз даҳоси, бебаҳо қадриятлари жамлигини англашди. Шунингдек, тадбир доирасида театрлаштирилган дастур, гала концерт, илмий-амалий анжуман ўтказилганди. Театрлаштирилган мусиқий дастурда юртимиздаги энг фаол ижодий жамоалар ҳам чиқишлар қилишганди. «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови ташкиллаштирилганди. Хуллас, ЮНЕСКО шафелигида ҳар икки йилда бир бора бўлиб ўтаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳар сафар янги-янги дастурлар билан бойитилиб, илмий-амалий анжуманларда санъат оламига оид муҳим масалалар ҳал қилинмоқда.

Бешинчи бора ўтказилганда фестивалга 50 дан ортиқ мамлакатдан меҳмонлар ташриф буюришганди. Муқояса учун айтиш мумкинки, 1997 йилда унга 30 дан зиёд мамлакатдан вакиллар келишганди. Бу ҳам бўлса, фестивалнинг нуфузи тобора ортаётганидан, унга қизиқиш, талпиниш кучаяётганидан.

«Шарқ тароналари» бешинчи халқаро фестивалида «Тановор», «Ўзбекистон» рақс ансамблари жамоалари иштирок этишди. Шунингдек, бу сафарги фестивалда Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек миллий чолғу асбоблари оркестри, «Ўзтелерадио» компанияси ҳузуридаги Дони Зокиров номли халқ чолғу асбоблари оркестри, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли хизмат қилди. Шуни таъкидлаш жоизки, фестивалнинг бу галгисида шеърият мулкининг султони, бобомиз мир Алишер Навоий қаламига мансуб ғазаллар хонишига алоҳида эътибор қаратилди.

Шарқ мусиқасининг бешинчи бора ўтказилган байрами, тўйи янги-янги овоз соҳиб, соҳибаларини кашф этди. Элликдан зиёд мамлакатдан келишган маданият ва дўстлик элчилари ўртасидаги ришталарни янада мустаҳкам боғлади. «Салом, Самарқанд, Шарқ дарвозаси, тарал жаҳонга Шарқ таронаси», дея янграган куй-қўшиқ уларнинг дилларида эзгуликнинг янги-янги куртакларини очди. Мазкур мусиқа байрамининг мақсади ҳам ана шундада, аслида. Бунга қараб, дурдонадир, ягонадир, бу фестиваль, дегим келди.

Шарқ маданияти, маънавиятининг, умуман, Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни юксак. Минг-минг йиллардан буён инсон дилини поклаб, уларни маънан юксалтираётган шарқона оҳангларга эшилиб, эшилиб кетасан. Санъат байрами тантана қилинадиган кунларида Регистон майдонига гўё ўзгача нур, зиё ёғилади.

Жорий йилда олтинчи бора ўтказилаётган мазкур фестиваль истиқлолимизнинг муборак ўн олти йиллик тўйи арафасида, аниқроғи 25-30 август кунларида бўлиб ўтиши режалаштирилган. Буни қарангки, кўҳна Самарқандниг, фестивалимиз «ватани»нинг 2750 йиллик тўйи тантаналарига уланиб кетади, бу шодиёна. Оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотларга кўра, айни пайтгача фестивалга 50 га яқин мамлакатдан вакиллар қатнашиш истагини билдиришган. Фестиваль доирасида бўлиб ўтадиган форумда қатнашадиган иштирокчилар географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Ҳамдўстлик давлатларидан вакиллар қатнашиши фикримиз исботидир. Чили, Бразилия, Канада, Литва, Кения, Судан каби мамлакатларнинг вакиллари илк бора қатнашиши кутиляпти. Шунинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, «Шарқ тароналари»нинг нуфузи дунё узра тобора юксалиб бормоқда. ЮНЕСКО асосий ташкилотчилардан эканлиги, қатор нуфузли ташкилотлар, халқаро фестивалар, жамғармаларнинг директорлари иштирок этиши ҳам фестивалнинг нуфузи баланд эканлигини кўрсатади. Масалан, бешинчи фестивалда машҳур француз қўшиқчиси ва композитори Шарль Азнавур қатнашганини эътироф этиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, бетакрор фестивални маданият ва дўстлик кўприги, иштирокчиларини биродарлик ва маънавиятнинг элчилари, дейиш мумкин. Азал-азалдан дунё маданиятлари учрашган замин Самарқанд истиқлол туфайли, «Шарқ тароналари» туфайли янада сайқалланиб, янада чирой очиб бормоқда.

Майор Толмас ҚУРБОНОВ.

Аср вабоси

ЗАРУР ВА ФОЙДАЛИ ТАДБИР

Мудофаа вазирлиги қўшинлари шахсий таркибига одамнинг иммун танқислиги вируси (ОИТВ) ва орттирилган иммун танқислиги синдроми(ОИТС)нинг қандай пайдо бўлиши, ундан сақланиш чоралари, аср вабоси саналмиш ушбу хасталикнинг инсон ҳаёти учун қай даражада хавфли эканлигини чуқур тушунтириш, унинг олдини олиш йўлларини ўргатиш ишлари режа бўйича давом эттирилмоқда.

Термиз гарнизонида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика ОИТВ/ОИТС маркази билан ҳамкорликда давра суҳбати шаклида ўтказилган семинар-тренингда мазкур ҳудудда жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалар тиббий хизмат бошлиқлари, командирлар тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларнинг ёрдамчилари – ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари бошлиқлари, Мудофаа вазирлигининг Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси ходимлари иштирок этдилар.

– Одамнинг иммун танқислиги вируси организмнинг иммунитет (ҳимоя) тизимини емиради, – дейди жумладан республика ОИТВ/ОИТС маркази вакили, руҳшунос, педагогика фанлар номзоди, доцент Луқмон Казаков семинар-тренингда, – натижада организм жиддий касалликларни қўзғатувчиларга қарши курашиш қобилиятини йўқотади ва инфекциялар олдида ҳимоясиз бўлиб қолади. Иммун танқислиги вирусига чалинганларни ташқи кўринишига қараб аниқлаб бўлмайди, улар анча муддат беморга ўхшаб кўринишмайди, ўзларини ёмон ҳис қилмайдилар. Бироқ мана шу вақт давомида улар ўзлари билмаганлари ҳолда бошқаларга касалликни юқтиришлари мумкин.

Иммунитет тизими емирилган ва одам ҳар қандай инфекцияларга мойил бўладиган ҳолат – ОИТС, яъни орттирилган иммун танқислиги синдроми, деб аталади. Бу даврда организм ҳар қандай микробга бардош бериш хусусиятини йўқотади. Шу туфайли одам организмида мавжуд бўлган ва касаллик қўзғата олмайдиган микроблар ҳам фаоллашиб, турли хасталикларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳарорат кўтарилиши, тунда терлаш, бўғимлар ва бош оғриғи, лоҳаслик, қайт қилиш, ич кетиши, баданда тошмалар пайдо бўлиши каби ҳолатлар хасталик аломатларидан далолат беради.

ОИТВ/ОИТС юққан киши шахсий профилактика ва ҳимоя чораларига қатъий риоя қилган тақдирда жамоатчиликнинг саломатлигига хавф туғдирмайди. Бунинг учун бировнинг соқол олиш асбоби, тиш чўткаси ва бошқа гигиеник анжомларидан фойдаланмаслик сингари қатор ҳимоя чораларига қатъий риоя қилиш лозим. Спиртли ичимлик, гиёҳванд модда истеъмол қилганда одам ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олмаслигини, эҳтиётсизликнинг зарур чораларини назар-писанд қилмаслигини унутмаслик керак. Эҳтиётсизлик чораларига риоя қилган киши нафақат ўзини, шунингдек, атрофидагиларни, оила аъзоларини ҳам хавфли инфекцияли касалликлар – ОИТВ/ОИТС билан оғришдан ҳимоялайдилар.

Бугунги кунда пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва республикамиз вилоятларида Ишонч хоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларда ОИТВ/ОИТС ҳамда гиёҳвандлик масалалари бўйича бепул ва хуфиёна равишда маслаҳатлар берилади.

– ОИТВ/ОИТС кенг тарқалган ҳамда жуда хавфли касаллик бўлгани учун, соҳаси, касби ва лавозимидан қатъи назар, ҳар ким, ҳар бир аёл ва эркак унинг тарқалиш йўлларини, қай ҳолатларда одам организмига юқишини, олдини олиш тадбирларини билиши ва ўзини ундан эҳтиёт қилиши лозим.

Мудофаа вазирлиги ва республика ОИТВ/ОИТС маркази вакиллари иштирокида бўлиб ўтган ушбу семинар-тренинг жуда фойдали ва сермазмун бўлди, биз кўпгина билмаган нарсаларимизни билиб олдик. Ҳарбий хизматчилар ҳамда улар оила аъзолари орасида ОИТВ/ОИТСнинг олдини олиш, ундан сақланиш бўйича иш олиб боришнинг самарали усул ва йўлларидан бохабар бўлдик, – дейишди тадбир қатнашчилари: тиббий хизмат подполковниги Р.Ўрозов, тиббий хизмат майори Д.Қулсоатов, тиббий хизмат капитани У.Қурбонов, тиббий хизмат кичик сержанти З.Гаппарова, Қуролли Кучлар хизматчилари – С.Саидова, С.Муҳаммадиева, М.Бўриева ва бошқа тиббий хизмат бошлиқлари, командирлар тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларнинг ёрдамчилари – ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари бошлиқлари.

Республика ОИТВ/ОИТС маркази ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган бундай машғулотлар белгиланган режа асосида барча гарнизонларда ўтказилади.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Шифокор маслаҳати

ТАШҚИ МУҲИТГА ЧИДАМЛИ ВИБРИОН

Вабо – организмнинг сувсизланиши билан кечадиган карантин гуруҳига кирувчи ўткир ичак касаллиги. Вабо вибриони учун ўзига хос мавсумийлик мавжуд бўлиб, у асосан июль-сентябрь ойларига тўғри келади.

Вабо вибрионининг 200 га яқин серогуруҳлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда булардан асосан учта серологик гуруҳи касаллик чақиради. Улар: Осиё вабоси вибриони, Эль-Тор ва вабо вибрионининг янги серологик гуруҳи 0139 дир.

Бу касалликнинг тарқалишида (юқтиришда) сув, озиқ-овқатлар, пашша, уй жиҳозлари ва қўл асосий омил ҳисобланади. Вабо вибриони ташқи муҳитда узоқ яшай олади. Эль-Тор вибриони айниқса чидамли, у сут ва сут маҳсулотларида 7–14 кун ёки сут маҳсулотлари ачигунича, қайнаган сувда 36 соат, оқава сувлардан ифлосланган очиқ сув ҳавзаларида бир неча ойгача яшайди ва кўпая олади. Мева ва сабзавотлар юзасида 3 кундан 8 кунгача, тупроқда кимёвий таркибига қараб 60 кундан 90 кунгача яшай олади. Совуқ сув ва музда жуда яхши сақланади. Дезинфекцияловчи эритмаларда вибрион тезда нобуд бўлади.

Одамга касаллик вабо бўлган бемордан, шунингдек, организмида касаллик қўзғатувчи микроблар бўлган кишилардан (касаллик қўзғатувчиларини вақтинчалик ташувчилардан) юқади. Вабо вибриони бемор ахлати, қусуғи билан ташқарига чиқади. Вибрион тушган сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўла иссиқлик билан ишлов бермасдан истеъмол қилинганда касаллик юқади. Канализация бўлмаса, чиқиндилар тўпланиб қолган ҳолларда вибрионларни пашшалар ҳам юқтиради. Кўпинча чўмилганда вабо вибрионлари тушган сувни ютиб юбориш ҳам касалликка сабаб бўлади.

Касалликнинг бошланиш даври бир неча соатдан 5-6 суткагача (кўпинча 1-3 кун) кечади. Касаллик тўсатдан ич кетишдан бошланиб, бемор кўп қусади, организм сувсизланади (бир неча соат ичида қусуқ билан 7 литргача ич кетишдан 30 литргача сув йўқотилади), кўп суюқлик йўқотиш натижасида тери қуришиб қолади. Суюқлик билан бирга бемор кўп миқдорда электролитлар, айниқса калий хлорид ва натрий хлорид йўқотади – организмда кескин сув-электролит бузилишлари рўй беради. Талвасага тушиши, товуш бўғилиб қолиши, нафас қисиши мумкин. Бемор қаттиқ ташналик сезади, эси кирар-чиқар бўлиб қолади.

Таъкидлаш жоизки, вабо касаллиги қўзғатувчисининг кенг таъсирга эга, кучли антибиотикларга чидамли турлари пайдо бўлган. Вибрионларнинг бу вариантлари вабо касаллигининг ўзига хос клиник кечишига олиб келмоқда. Касалланганларнинг фақат 5-6 фоизида касалликнинг ўткир кечиши (3-4 даражали сувсизланиш) бир вақтнинг ўзида беморнинг асосий қисмида ич кетиш давомий бўлмай, сувсизланишнинг унчалик ривожланиши кузатилмайди. Буларнинг 25 фоизида вабо касаллиги заҳарланиш (токсикоз) аломатлари, умумий қувватсизлик, ҳолсизлик, бош оғриғи, тана ҳароратининг кўтарилиши, ўқтин-ўқтин ич кетиш хуружлари билан кечади. Бундай хуружлар бир-икки кун давом этади, сўнгра бир-икки ҳафта сокинлик кузатилади. Беморлар суюқ нажаслари билан кўп миқдорда вабо вибрионларини ажратадилар. Бу эса касалликнинг атрофдагиларга юқишига ва тарқалишига олиб келади.

Вабо касаллигининг бундай енгил ва яширин кечиши унинг клиник ташхисини қийинлаштиради, ўткир ичкетар касалларда вабо касаллигига кенг бактериологик текширувлар ўтказиш заруратини туғдиради.

Бундан ташқари, вабо вибрионларининг ташқи муҳит объектларидан тез-тез ажралиб турилиши ҳарбий қисмларда очиқ сув ҳавзаларини, бассейнларни доимий назорат қилишни талаб қилади. Чунки очиқ сув ҳавзалари шахсий таркибнинг касалланишида асосий манба ҳисобланади. Шу мақсадда катта миқдорда бактериологик текширишларни бажаришга тўғри келади, бу эса бактериологик мониторинг асосида (ўткир ичак касаллиги беморлари ва ташқи муҳит ва ҳоказолардан олинган ашёни тадқиқ қилиш) ўша жойларда профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида ташкил қилишни таъминлайди.

Вабо касаллиги ташхиси тадқиқотларини ҳарбий округдаги масъул хизматлар, Санитария эпидемиология назорат маркази ва туман, шаҳар, вилоят соғлиқни сақлаш давлат санитария эпидемиология назорати марказлари бактериологик лабораториялари ҳамда ўта юқумли касалликлар бўлимлари (лабораторияси), ўлатга қарши муассасалар лабораториялари бажаради.

Вабо вибрионининг Ўзбекистон Республикаси аҳолиси, шунингдек, Қуролли Кучлар шахсий таркиби орасида тарқалмаслиги учун:

– вабо бўйича барқарор бўлмаган қўшни ва хорижий давлатлардан вабо ўтиб қолмаслиги учун давлат чегараларида санитария муҳофазаси чораларини йўлга қўйишимиз;

– ҳарбий қисм ва шаҳарчалардаги сув таъминотини, аскарлар ошхонаси, озиқ-овқат ва умумий овқатланиш корхоналаридаги ҳолатнинг санитария талабларига тўла жавоб беришини ва бу корхоналар (объектлар) мунтазам назорат қилиниб турилишини таъминлаш даркор;

– шахсий таркиб яшайдиган жойлар озода тутилиб, ҳарбий қисм ва шаҳарчалардан чиқаётган чиқиндилар зарарсизлантирилиб, мунтазам ташиб турилиши ва пашшаларни йўқ қилишга қаратилган чора-тадбирларни ўтказиб туриш лозим;

– сувни фақат ишончли (хлорланган) сув кранларидан ёки қайнатилгандан сўнг истеъмол қилмоқ керак;

– лабораторияларда бактериологик текширилмаётган сув ҳавзаларида чўмилиш қатъиян ман этилади, шунингдек, касалликнинг олдини олишда шахсий гигиенанинг аҳамияти жуда катта.

Вабо пайдо бўлиш хавфининг олдини олиш мақсадида ўткир меъда-ичак касаллиги билан оғриган ҳамма беморлар ҳарбий госпиталга ёки касалхонага ётқизилиши ва бактериологик текширувдан ўтказилиши шарт.

Вабо касаллиги профилактикасининг самарадорлиги беморларни ўз вақтида аниқлаш ва мавжуд асоратлар хусусиятларини белгиловчи шароитга сифат жиҳатдан баҳо беришга боғлиқ.

Тиббий хизмат подполковниги
Баҳром ҲАКИМОВ.

Ички таъминот бўлинмаларида

ЮРТИМИЗ ЗАМИНИДА ЯРАЛАЁТГАН МЎЪЖИЗА





Инсон қўлини бекорга гулга қиёсламайдилар. Айнан унинг қўли яратган мўъжизаларни ҳар доим кўриб турсак-да, бунга кўникиб қолгандекмиз. Мен миришкор деҳқонни ҳам мўъжиза яратувчи деб айтим келади. Ахир биргина тўп ўсимликнинг уруғ ҳолича ерга қадалиб, сўнг мўл-кўл ҳосил беришини мўъжизага менгзамаслик мумкинми? Унга қўёш ҳарорати-ю инсон меҳри-эътибори сиғиб яралади, дунёга келади.

Наманган да Олмос деган жой бор. Айтишларича, у ерда қирқ минг аҳоли яшаса, шундан ўттиз минг киши деҳқончилик билан шуғулланар экан. Деҳқон бўлганда ҳам шунчаки эмас, миришкор деҳқон дейишади. Муболага деб ўйлаяпсизми? Мен ҳам. Аммо Олмосга бормасам ҳам олмослик деҳқонларнинг ишини кўришга тўғри келди.

Бу ерлар офицер Дмитрий Тарасенко етакчилик қилаётган ички таъминот бўлинмасига тегишли. Бўлинмалар фаолиятини биз газетанинг аввал ўтган сонларида ҳам қатор лавҳалар билан ёритган эдик. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги икки йилга яқин вақт оралиғида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчи ички таъминот бўлинмалари фаолияти сезиларли даражада жонланди. Бунда Мудофаа вазирлиги қишлоқ хўжалик бошқармасининг пухта ўйлаб, оқилона ишлаб чиқилган режа ва тадбирларининг аҳамияти катта бўлди.

Бошқарма мутахассислари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчи ички таъминот бўлинмалари ишини янада фаоллаштириш учун йил бошидан амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари, олимлар ва тадқиқотчилар иштирокида турли илмий-амалий анжуманлар, ўқув машғулотлари ўтказилди. Албатта, бундай тадбирларнинг кўплаб ўтказилиши табиий. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчи ички таъминот бўлинмаларининг фаолият кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигини чорвасиз тасаввур қилиш қийин. Чорва бўлганидан кейин ўз-ўзидан чорва маҳсулотларини қайта ишлашга эҳтиёж туғилади ва ҳоказо.

– Кейинги пайтда ички таъминот бўлинмаларининг иш кўлами бир неча баравар кўпайган, – дейди офицер Дмитрий Тарасенко. – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш осон эмас. Юртимизда деҳқончилик илмини яхши билишади. Айниқса, бу борада водийлик деҳқонларимизга ҳеч ким тенг келолмаса керак. Бўлинма учун биргина менинг саъй ҳаракатларим камлик қилади. Шу сабабли ёнимда ер илмини пухта билган тажрибали деҳқонлар бўлишига ҳаракат қилдим. Ҳамид ака Холбоев суяги меҳнатда қоттан ана шундай миришкор деҳқонлардан бири. Улар меҳнатини баҳолашга яшнаб турган далаларга бир қур кўз югуртириш ҳам етади.

Бўлинма етакчиси бу мулоҳазаларини бекорга айтгани йўқ. Айни кунда улар фойдаланиб турган ердан узоқ йиллар бир мартагина чўғи камроқ ҳосил йиғиштириб олинарди. У бўлинма ихтиёрига берилгач, ҳақиқий эгасини топди гўё. Чунки бу ерда Ҳамид Холбоев билан бир қаторда ер билан тиллаша оладиган Валижон Мирзатиллаев, Зуҳриддин Ботиров каби фидойилар меҳнат қилишади-да. Олмослик деҳқонлар ишлаган ер яшнаб кетади, деганлар муболага қилишмаган, балки ҳақ эканлар.

Бўлинма кичиккина боғидан ҳам яхши даромад кўрди. Дуккакли экинларнинг ҳам ҳосили ҳавас қиладиган даражада. Далада етиштирилган бодринг, помидор аскарлар дастурхонига тортилганига анча бўлди.

– Яқин вақтлар ичида гуруч, ёғ каби айрим маҳсулотлардан ташқари барча озиқ-овқат маҳсулотлари ўзимизнинг ички таъминот бўлинмалари томонидан етказиб берилади, – дейди офицер Омонгелди Ражабов. – Бўлинма етиштирган маҳсулотларнинг сифати ҳам юқори. Таъминот бўлинмаларига минерал ўғитлар етказиб бериш ва ўсимлик зараркунандаларига қарши ишлатиладиган дорилардан фойдаланишни янада чуқурроқ ўрганиб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қишлоқ хўжалиги бошқармаси кенг кўламли ишларимизнинг асосий йўриқчиси ҳисобланади. Бундан кейин ҳам бошқарманинг бевосита кўмаги остида таъминот бўлинмалари иши янада фаоллашиб бораверади.

Мазкур таъминот бўлинмасида етиштирилаётган сабзавотлардан мўл ҳосил олиниши кутилмоқда. Бу ерда пиёз, сабзи, карам, картошка, ошковоқ, қовун-тарвуз, бугдой, маккажўхори, дуккакли экинлар, ҳатто ер ёнғоққача етиштирилади.

Бўлинма олдида бажарилиши керак бўлган муҳим вазифалар ҳам талайгина. Улар чорвачиликни ҳам ривожлантиришни мақсад қилиб қўйганлар. Бу борада дастлабки дадил ҳаракатлар бошланган. Имкониятлари катта бўлган бўлинма учун чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш катта қийинчилик туғдирмайди, деб ўйлаймиз.

Инобат НОДИРШОҲОВА.
Абдулла АКРОМОВ суратга олган.

МАВСУМИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

Ёз. Жазирама иссиқ. Бундай пайтларда қаҳратон қишнинг уронли кунларини ёдга олмасангиз керак. Лекин уй-жойдан фойдаланиш хизмати мутахассислари ҳар қандай шароитда обҳаво инжиқликларига тайёр туришни, мавсумий тайёргарлик ишларини сифатли олиб боришни ўз бурчи деб биладилар. Демак, ҳарбий шаҳарчалар бинолари ва коммунал хўжаликни кузги-қишки мавсумда фойдаланишга ҳозирлаш ишлари борасидаги саъй-ҳаракатлар аллақачон бошлаб юборилган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган мавсумда соҳа мутахассислари фаолиятининг сифат кўрсаткичи юқори бўлиб, илғор жамоалар сафи кенгайди. Тошкент, Чирчиқ, Наманган, Термиз, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон, Қарши, Нукус уй-жойдан фойдаланиш қисмлари, қатор ҳарбий қисмлар эришган ютуқлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Каттақўрғон гарнизонидаги ҳарбий қисмлар уй-жой фонди ва маиший хизмат қурилмалар эса иситиш мавсумига тайёргарлиги энг юқорилардан саналиб, ҳар томонлама намуна бўлдилар.

Иситиш мавсум натижалари ҳамда ўз вазифасига бўлган фидокорона муносабати билан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ҳамда Қуролли Кучларимиз хизматчилари Мудофаа вазирининг буйруғига кўра тақдирландилар. Офицерлар – О.Бахранов, О.Жўраев, Ш.Ашрапов, Ю.Ким, С.Калинбетов, А.Абдуганиев, С.Ҳошимов шулар жумласидандир.

Тасдиқланган режага мувофиқ, жойларда 2007–2008 йиллар кузги-қишки мавсумга объектларни тайёрлаш чора-тадбирларининг уюшқоқлик билан олиб борилиши ҳам фидойи соҳа мутахассислари меҳнати самарасидир.

Катта лейтенант Мунир РАҲИМОВ.

«Командование Специального факультета Ташкентского университета информационных технологий объявляет о проведении конкурса на замещение вакантных должностей преподавателя-руководителя кружка (кружки «Телестудия» и «Охота на лис») Специального факультета ТУИТ. Принимающие участие в конкурсе подают на имя начальника Специального факультета—проректора ТУИТ заявление с приложением следующих документов: личный листок по учету кадров, копии дипломов о высшем образовании; при наличии ученой степени, ученого звания, научных трудов – копии соответствующих дипломов.

Заявления принимаются до 31 августа 2007 года по адресу: г. Ташкент, улица Амира Темура, 118».

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Власти убеждают

Пакистанские силы безопасности усиливают давление на осажденных в мечети Лал-масджид в Исламабаде радикальных студентов-исламистов, передает ИТАР – ТАСС. Они осуществили серию из примерно восьми «предупредительных взрывов» вокруг комплекса, рассчитывая оказать психологическое воздействие на сотни укрывшихся в нем активистов исламского движения, тесно связанного с «Талибан». С начала столкновений и перестрелок уже погибли 16 и ранены свыше 150 человек.



Не сработали детонаторы

Установлена причина детонаторов в заминированных автомобилях «Mercedes», которые были обнаружены в Лондоне 29 июня. Оказывается, взрывы воспламеняющихся веществ должны были произойти по сигналу мобильных телефонов, подсоединенных к детонаторам посредством шприцов. Все восемь задержанных властями разработчиков этих терактов имеют прямое отношение к медицине.



Уничтожены три боевика

Подразделения израильской армии, углубившиеся в сектор Газа, ликвидировали трех палестинских боевиков, передает Интерфакс. У израильтян потерь нет, сообщает «NEWSru Israel». Операция включала в себя авиаудары. Израильская армия отрицает сообщения палестинских источников о вводе бронетехники.



Беду принес грязевой сель

В Мексике грязевой сель накрыл автобус, под сотней тонн камней и грязи оказались заживо погребены от 45 до 60 человек. На месте инцидента работает тяжелая техника и около полутысячи человек – военные, полиция, отряды служб спасения, врачи, добровольцы. Однако им до сих пор не удается добраться до автобуса, попавшего под мощный обвал. Спасатели называют ситуацию крайне тяжелой и не исключают возможности гибели многих пассажиров.



Предложение Европейского союза

Европейский союз будет настаивать на своем праве назначать главу Международного валютного фонда (МВФ), несмотря на недовольство развивающихся стран, пишет «The Wall Street Journal». Действующий управляющий директор МВФ испанец Родриго де Рато уходит в отставку в октябре. В рамках договоренности с США МВФ всегда возглавлял европеец, а Всемирный банк – американец.



Сочи – столица Олимпиады-2014

И корейский Пхенчхан и австрийский Зальцбург претендовали на Олимпиаду еще четыре года назад. Сочи же взял олимпийскую высоту с первой попытки. Уже через час после объявления итогов голосования Сочи и Международный олимпийский комитет подписали контракт на проведение зимней Олимпиады в 2014 году. В первом туре голосования МОК больше всего голосов получил Пхенчхан – 36, заявка Сочи – 34 голоса. Во втором туре Сочи получил 51 голос, а Пхенчхан – 47.



Аккумуляторы сотовых взрывоопасны

Аккумуляторы мобильных телефонов марок «Motorola» и «Nokia» взрываются чаще других. К такому выводу пришли эксперты управления промышленности и торговли южнокитайской провинции Гандун, сообщает РИА Новости со ссылкой на «Xinhua». Специалисты организации провели тесты 40 партий батарей для различных марок мобильных телефонов. В результате выяснилось, что только 60% из них соответствуют требованиям качества и безопасности.



Кругосветка на солнцемобиле

Швейцарский изобретатель и путешественник Луи Палмер начал кругосветный автопробег на автомобиле «Solartaxi», работающем от энергии солнечных батарей. Стартовав 3 июля, всего за время путешествия, которое продлится не менее года, путешественник планирует проехать 50 тысяч километров по территории 50 стран всех пяти континентов. С континента на континент он будет переправляться на судах. «Solartaxi» способен развивать скорость до 90 км/час. Он представляет собой трехколесный автомобиль с прицепом, на котором оборудованы солнечные батареи. Эти батареи будут обеспечивать 50% необходимой энергии для двигателя.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

«ВАТАННИ ШАРАФЛАШ – ШИОРИМ»



Баҳодир беш яшар укаси Дилшодни илк бора бокс залига олиб борганида унинг ушбу спорт турига бу қадар меҳр қўйишини сира тасаввур қилмаганди. Чунки йигит укасининг жисмонан чиниқишини истаб, ўзи шуғулланадиган спорт мажмуасига олиб келганди-да. Ўшанда тажрибали мураббий Ҳамид Деҳқонов болакайдаги истеъдодни олдиндан кўра олгандек, «У ҳали жаҳон чемпиони бўлади», дея Дилшод билан жиддий шуғулланишга аҳд қилди. Орадан йиллар ўтиб, сизу биз таниган Дилшод Маҳмудов мураббийи таъкидлаганидек чемпион бўлиб етишди.

У 2002 йил муддатли хизматга отлангач, халқаро тоифадаги спорт устаси офицер Уйғун Сиддиқов билан танишиб, боксга ҳаётини тасаввур қила олмаслигини тушуниб етди. Йигит энди пойтахтда қулай шароитда машғулотларни олиб борар экан, айнан шу ерда яна юқори кўрсаткичга эришиш мумкинлигини яхши англарди. Шундай ҳам бўлди. Истеъдодли, ёш боксчи ўша йили Афроосиё ўйинларида Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилди. 60 килограмм вазнда рингга чиққан чарм қўлқоп устаси рақибларини бирин-кетин доғда қолдириб, олтин медални қўлга киритди. Бундай юксак муваффақиятдан сўнг Дилшодга миллий армиямиз сафида шартнома асосида хизмат қилишга таклиф тушди. Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубида хизмат қилиш у учун янги-янги имконият эди. Шу боис Дилшод бу таклифни бажонидил қабул қилди. Қуролли Кучлар сафида хизматини давом эттираётган посбон энди армия спортига мислсиз шуҳрат келтира бошлади. У 2003 йил Италия, 2004 йил эса Америкада бўлиб ўтган ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоа сафида иштирок этиб, Ўзбекистон армияси спортининг тенгсиз эканлигини амалда исботлашга ўз ҳиссасини қўшди. 2004 йил бокс бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида, 2005 йил Хитойдаги жаҳон чемпионатида ҳамда ўтган йил Таиландда анъанавий ташкиллаштириладиган Қирол кубоги турнирида Дилшод кетма-кет шоҳсупанинг юқори поғоналарини банд қилди. 2006 йилнинг сентябрь ойида Германиянинг Варендорфф шаҳрида ўтказилган ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 64 килограмм вазнда рингга чиққан чарм қўлқоп устамиз ЖАР, Ҳиндистон, Россия ва мезбон жамоа вакилларини мағлуб қилиб, ўз ҳисобида олтинлар сонини яна биттага оширди. Ўз ўрнида ушбу ғалаба у учун навбатдаги XV Осиё ўйинлари баҳсларига тайёргарлик вазифасини ҳам ўтади. Доҳадаги жанг умидли спортчимизга бироз қийинчилик туғдирди. Шу боис ҳамюртимиз мазкур беллашувда бронза медали билан кифояланди.


Фарғона шаҳрида туғилиб вояга етган бу алп йигит юртимиз спорти ривожига муносиб ҳиссасини қўшаётганлиги учун Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тантаналари арафасида Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Бу юксак эътибор Дилшодни жаҳон бокс оламида янги-янги ютуқларни қўлга киритишига руҳлантирди.

2007 йил Дилшод учун янада омадли бошланди. У март ойида Эронда жаҳоннинг энг кучли боксчилари ўртасида бўлиб ўтган халқаро турнирда муваффақиятли қатнашди. 12 мамлакат спортчилари орасида рингга чиққан халқаро тоифадаги спорт устаси катта лейтенант Маҳмудов 64 килограмм вазнда тенгсиз эканлигини яна бир бора исботлади. Янги-янги ғалабаларни кўзлаб, маҳоратини тоблаётган боксчимиз навбатдаги турнирларга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Олимпиада-2008

ДЕСЯТЬ ДОСТОИНСТВ ВИТАЛИЯ СМИРНОВА



Легкоатлетическое десятиборье можно с уверенностью назвать одним из самых сложных видов «королевы спорта». Однако рядового по контракту Виталия Смирнова все эти трудности не испугали. Десятилетним мальчишкой пришел Виталий в секцию в городе Янгиабаде, где первые тренеры Лидия Стрижко и Тамара Коновалова начали с ним восхождение к спортивным вершинам.

Сегодня наставники горды тем, что не ошиблись в выборе – их ученик стал неоднократным чемпионом Узбекистана, становился чемпионом Азии, серебряным призером Азиатских игр, добился чести принимать участие в чемпионатах мира и Олимпийских играх. Недавно армеец добыл одну из первых лицензий для сборной Узбекистана на право участия в Олимпиаде 2008 года в Пекине.

Талантливый десятиборец впервые громко заявил о себе еще в 19-летнем возрасте, завоевав в 1997 году бронзовую медаль на чемпионате Азии, проходившем в Таиланде. По правилам десятиборцы в первый день соревнуются в беге на 100 и 400 метров, прыжках в длину и высоту, метании ядра. А на другой день их ждет барьерный бег на 110 метров, метание диска и копья, они также состязаются в прыжках с шестом и на стайерской дистанции в 1500 метров. Нашему земляку удалось показать свои самые лучшие качества и волю к победе, только немного не хватило соревновательного опыта.

Однако бойцовский характер нашего спортсмена нацеливал его только на победу, которая все-таки пришла к Виталию в 2003 году на чемпионате Азии в Филиппинах. Через год Смирнов выступал на Олимпиаде в Афинах, где на земле Древней Эллады оспаривал первенство с сильнейшими десятиборцами планеты.

Специалисты по легкой атлетике помнят, что в первые годы независимости в сборной Узбекистана в десятиборье явным лидером являлся представитель МХСК Рамиль Ганиев. Виталий с особой теплотой отзывается о нем, одно время они вместе тренировались, таким образом Смирнов перенял у старшего товарища опыт побед на международной арене, теперь он достойно продолжает эстафету.

Нынешнему тренеру Виталия, Галине Михайловне Казаковой, приходится кропотливо и упорно трудиться с воспитанником, чтобы не допустить перевеса какого-то одного из видов десятиборья. В каждом из видов этой программы легкоатлеты годами совершенствуют свои лучшие качества, а десятиборец должен поспевать все это развивать одновременно и гармонично.

Нынешний год начался для Виталия довольно результативно. Он стал серебряным призером на Международном турнире из серии «Гран-при» в Италии, где добыл олимпийскую лицензию. Недавно стал бронзовым призером турнира из этой же серии во Франции.

Впрочем, мастер спорта международного класса не забывает и об участии во внутренних соревнованиях. Студент факультета менеджмента Ташкентского государственного экономического университета стал победителем Республиканской универсиады в Ташкенте, выиграв бег на 110 метров с барьерами, а также в составе сборной столицы, став победителем в эстафетах 4х100 и 4х400 метров. Это вклад члена национальной сборной в популяризацию легкой атлетики в студенческой среде. В списке десяти достоинств нашего героя патриотизм занимает самое первое место, поэтому можно не сомневаться: «мастер-класс» от Виталия привлечет десятки юношей и девушек на стадионы страны.

Майор Баходир ТАНГРИЕВ.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Болгариянинг София шаҳрида трамполин бўйича жаҳон кубоги мусобақасининг тўртинчи босқичи ўтказилди.

Трамполиннинг батутда сакраш бўйича синхрон сакраш баҳсларида қатнашган спортчиларимиздан Екатерина Хилько ҳамда Анна Савкина 45,30 балл тўплаб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олишди ва бронза медаль билан тақдирланишди.

●

Пойтахтимизда спорт гимнастикаси бўйича Республика Олимпия захиралари коллежи кубоги учун ўтказилган очиқ мусобақада совринли ўринларга сазовор бўлган спортчилар терма жамоага қабул қилиниб, Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мусобақа якунига кўра, энг кўп – 56,15 балл тўплаган Луиза Галиулина шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Совриндорлар қаторидан жой олган Эмрина Абдувалиева ҳамда Любовь Гнусекова Луиза Галиулина билан бирга Германиянинг Штутгарт шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган бўлди.

●

Ҳиндистонда енгил атлетика бўйича ўтказилаётган Осиё гран-приси мусобақаларида ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Енгил атлетиканинг 100 метрга югуриш беллашувларида қатнашган ўзбекистонлик Гўзал Хуббиева барча рақибларини ортда қолдириб, маррага биринчи келди ва жорий мавсумда навбатдаги олтин медалини қўлга киритди.

Шунингдек, ҳамюртларимиздан Лилия Дусметова найза улоқтириш, Надия Дусанова эса баландликка сакраш баҳсларида шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилиб, терма жамоамиз ҳисобига биттадан бронза медаль келтиришди.

●

Куни кеча Германияда профессионал бокснинг ўта оғир вазнида мезбонлар вакили Тимо Хоффманга қарши рейтинг жангида рингга кўтарилган юртдошимиз Темур Ибрагимовга омад кулиб боқди.

Ҳамюртимиз ўн раундлик жангда рақибидан яққол устунлик қилди. Ҳатто уч марта Хоффман нокдаунга ҳам учради. Ва юртдошимиз ажойиб ғалабани қўлга киритиб, рейтинг жадвалидаги мавқеини анча яхшилаб олди.

●

Бутунжаҳон қўл жанги федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланган Низомга асосан, Самарқанд шаҳридаги Олимпия захиралари тайёрлаш марказида қўл жанги бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда дунёнинг 14 та давлатидан 20 дан ортиқ жамоа иштирок этди.

Қизғин ва муросасиз кечган баҳслар якунига кўра, мамлакатимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Қозоғистонликлар иккинчи, тожикистонликлар учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Сув спорти

ҒОЛИБЛАР ЖАКАРТАДА БЕЛЛАШАДИ

Пойтахтимиздаги муҳташам сув спорти саройида бўлиб ўтган сузиш бўйича мамлакат ёзги чемпионатида барча вилоятлардан келган жами 200 нафар спортчи ғолиблик учун баҳс юритишди. Мусобақа дастурига кўра дастлаб спортчилар қисқа масофадаги беллашувларда ўз омадларини синовдан ўтказишди. Бу галги чемпионатда ҳам одатдагидек ғолибликни қўлга киритишда Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти жамоаси аъзолари бошқа рақибларига ҳеч қандай имкон қолдирмади. Биринчи кунги натижалар бўйича Раъно Омонова ва Артур Арузаниев мутлақ чемпион деган номга сазовор бўлишди. Шунингдек, Мария Витяшева, Дмитрий Ўринов, Зулфия Мухаметшина, Шоҳруҳ Юнусов ва Мария Булгаковаларнинг кўрсатган натижалари ҳам мусобақа ҳакамларини бефарқ қолдирмади. Мусобақа давомида қатнашчилар 100 метрга эркин, брас, 400 метрга комплекс ва 800 метрга эстафета мусобақаларида ўз истеъдодларини намойиш қилишди. Қизлар ўртасида Тамила Абдураҳмонова, Татьяна Юзкова, ўғил болалар ўртасида эса Иван Беняменко, Артём Жуковский, Сергей Цой, Дмитрий Швецовлар юқори поғонадан жой олишди.

– Республика миқёсидаги бундай мусобақалар спортчиларимиз учун ниҳоятда муҳим, – дейди биз билан суҳбатда мусобақа бош ҳаками Валерий Полянов. – Улар тажриба орттириш баробарида халқаро турнирларга ҳам йўлланмани қўлга киритишади. Жумладан, мазкур мусобақаларда энг юқори натижа қайд этган спортчилар август ойида Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида уюштириладиган Осиё чемпионатига юборилади.

Статистик маълумотларга қараганда, Европа мамлакатларида ушбу спорт тури бўйича чемпионларни жуда эрта тайёрлашар экан. Буни қарангки, ушбу спортчилар узоқ масофага сузиш бўйича мусобақаларда юқори натижаларни қайд этишар экан. Улар ўртасида тайёргарлик машғулотлари эса ҳар ойда ўтказиб турилади. Бунинг самараси эса халқаро мусобақаларда кўзга ташланади.

Энди бевосита мусобақага тўхталсак. Пойтахтлик ва навоийлик спортчилардан фарқли ўлароқ, мусобақада ўз имкониятларини намоён эта олмаган сирдарёлик спортчиларнинг натижасига эътибор қаратинг. Улар энг охирги ўринни банд этишган. Мураббийнинг таъкидлашича, спортчиларда шуғулланиш учун иштиёқ бўлсада, лекин шароит масаласи уларни анча пайтдан бери қийин аҳволга солиб келмоқда.

– Спортчиларимиз машғулотларни олиб бориши учун вилоятда шароит йўқлиги боис, ҳар бир мусобақага тайёргарлик ишларини пойтахт сув ҳавзаларида ўтказишимизга тўғри келмоқда, – дейди вилоят терма жамоаси мураббийи Умарали Эсенбердиев. – Яқинда пойтахтда ўтказилган «Универсиада – 2007» мусобақаларида спортчиларимиз 7-ўринни банд этишди. Шароит йўқлигини эътиборга олганда, бу натижа ёмон эмас. Балким, Гулистон шаҳрида ҳам муҳташам сув спорти ҳавзалари бунёд этилиб, спортчиларнинг шуғулланиши учун етарли шароитлар бўлганда, бизнинг вакилларимиз ҳам юқори поғоналарни банд этишган бўлишармиди.

Ҳар бир спорт турига баҳо берадиган мезон бу – халқаро мусобақа ҳисобланади. Хўш, кейинги пайтда мамлакатимизнинг етакчи спортчилари қайси халқаро мусобақада сузиш бўйича юқори ўринларни банд этишди? Ҳатто, Осиё ўйинларида тўлиқ таркибда иштирок этган спортчиларимиздан биронтаси ҳам фахрли ўринларга кўтарила олмаганлиги ачинарли ҳолдир. Шу йил август ойида Жакартада ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Мазкур мусобақада спортчиларимиз қандай натижани қайд этишади, буни вақт кўрсатади. Биз бу билан спортчиларимизни танқид қилишдан йироқмиз. Аксинча, мураббийларимиз машғулотларда янгидан-янги тактик ва техник усулларни қўлласа, кўплаб маҳорат эгалари номларини кашф этишса, нур устига аъло нур бўлар эди. Ўз ўрнида яна шуни таъкидлаш керакки, юртимиз спорти равнақи йўлида фидойилик қилаётган ёш мураббийлар тажрибаларидан ҳам унумли фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сейман НАЗАРОВ.

Гребля на байдарке и каноэ

ЗОЛОТЫЕ НАГРАДЫ БРАТЬЕВ

На учебной базе МХСК, расположенной на Ташморе, завершилось первенство Узбекистана по гребле на байдарке и каноэ среди юношей 1991 года рождения и младше.

На этих соревнованиях удачно выступили воспитанники тренера МХСК служащего Вооруженных Сил Юрия Заркова. Члены спортактива МХСК кандидаты в мастера спорта Антон и Филипп Морозовы завоевали восемь золотых наград по гребле на каноэ. Антон и Филипп стали «золотыми» по гребле на каноэ-«одиночке» на дистанциях 500 м и 200 м. Также они одержали убедительные победы на каноэ-«двойке» на 200 м, 500 м и 1000 м.

Кроме того, братья Морозовы завоевали золотые награды и в составе каноэ-«четверки» на дистанциях 200 м, 500 м и 1000 м.

А другие гребцы-перворазрядники Ходжа Уринбаев и Зайнабуддин Чотыбаев, представлявшие также спортклуб МХСК, завершили соревнования на пятой позиции.

– Данное первенство показало преимущества и недостатки юных армейских спортсменов, – говорит тренер МХСК по гребле на каноэ Юрий Зарков. – Так что тренерам есть над чем работать. Будем развивать у наших спортсменов именно те качества, которые способствуют умению побеждать.

Наш корр.

Велоспорт: чемпионат Узбекистана

НА ПОДАРЕННОМ ВЕЛОСИПЕДЕ

Армейскому велогонщику Константину Калинину чемпионат Узбекистана по шоссейным гонкам, прошедший недавно на дорогах Ташкентской области, запомнится вдвойне. Одаренный молодой спортсмен выиграл индивидуальную гонку на 28 километров на новом велосипеде, подаренном Федерацией велоспорта нашей страны.

Гонщик первым примчался к финишу в состязаниях «Андер-23», то есть среди велосипедистов до 23 лет. Его одноклубник Азиз Абдурахимов, ныне выступающий среди профессионалов в Италии, занял второе место, а третьим финишировал Ильдар Мукимов из команды зимних видов спорта (ЗВС).

На этой же дистанции гонку среди старшего возраста выиграл один из именитых легионеров – представитель ЗВС Владимир Туйчиев, немного отстал от него наш Николай Казакбаев, а бронзовая награда досталась динамовцу Мурату Халмуратову.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.

Бокс

ЧАГАЕВНИНГ ЯНГИ РАҚИБИ

Маълумки, жорий йилнинг 14 апрель куни иқтидорли ўзбек боксчиси Руслан Чагаев Германияда ўтказилган жангда россиялик Николай Валуевни мағлубиятга учратиб, WBA (Бутунжаҳон бокс ассоциацияси)нинг ўта оғир вазндаги жаҳон чемпиони камарини қўлга киритган эди. Ўшандан буён бокс мухлисларини чемпионимизнинг кейинги рақиби ким бўларкин, деган савол қизиқтириб келаётган эди. Куни кеча бу масалага ҳам ойдинлик киритилди.

2007 йилнинг 13 октябрь куни Р.Чагаев Жаҳон бокс ташкилоти – WBO йўналишининг ўта оғир вазн тоифасидаги жаҳон чемпиони россиялик Султон Ибрагимовга қарши рингга чиқадиган бўлди. Ушбу жанг икки йўналиш бўйича бирлаштирувчи жанг мақомини олади.

Руслан Валуев устидан қозонган ғалабасидан сўнг берган интервьюсида навбатдаги орзуси мутлақ жаҳон чемпиони бўлиш эканини ва бунинг учун профессионал бокснинг бошқа нуфузли йўналишларидаги чемпионлик камарларини қўлга киритиши лозимлигини маълум қилган эди.

Шу йилнинг 2 июнь куни WBO йўналиши чемпионлиги учун АҚШда ўтказилган жангда америкалик Шеннон Бригз устидан очколар бўйича ғалаба қозониб, чемпионлик олтин камарини қўлга киритган Султон Ибрагимов Русланнинг режасига мос бўлиб чиқди. Бу икки боксчи ихтиёрий тарзда рақиб танлаш ва чемпионлик камарини ҳимоя қилиш имкониятидан воз кечиб, нуфузли йўналишларнинг чемпионлик камарларини бирлаштиришга аҳд қилишди. Бу қарор профессионал бокс олами мутасаддилари ва мутахассислари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Бу каби бирлаштирувчи чемпионлик жанги бунгача фақат бир маротаба – 1999 йилда ўтказилган. Унда Эвандер Холифильд Леннокс Льюисни мағлубиятга учратиб, мутлақ жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган эди.

Шундай қилиб, жорий йилнинг 13 октябрь куни Россия пойтахти Москва шаҳрида йилнинг энг муҳим чемпионлик жанги бўлиб ўтади. Биз унда ҳамюртимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

М.САЙДИВАЛИЕВ.

НАТИЖАЛАР ҚУВОНАРЛИ



Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгаши барча кўрсаткичлар бўйича 2006 йил якунларига кўра республикада 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, маҳаллалар ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларида ташкил этилган спортнинг техник ва амалий турлари бўйича тўгараклар фаол ишлаб, ҳар ойда спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, ўқув муассасаларида ёшларнинг жисмонан бақувват бўлишлари учун тасдиқланган режага асосан турли спорт мусобақалари ташкиллаштирилмоқда. Спорт мусобақалари ўртасида энг нуфузлиларидан бири чақирилувчи ёшлар ўртасида ўтказиладиган ҳарбий-амалий кўпкурашдир. Ушбу спорт турининг бошқаларидан асосий фарқи шундаки, унда бир вақтнинг ўзида 10 га яқин, яъни енгил атлетика, ўқ отиш, автомобиль ҳайдаш ва сузиш каби спорт амаллари бажарилади. Бу эса, албатта, спортчидан катта жисмоний тайёргарлик, чаққонлик ва маҳоратни талаб этади.

Республика миқёсида ташкил этилаётган мусобақаларда вилоят кенгаши терма жамоаси ҳам доимо олдинги ўринларни эгаллашга интилиб келмоқда. Хусусан, улар жорий йилда ёзги биатлон спорт тури бўйича мусобақада 1-ўрин, мотокросс бўйича спорт мусобақасида 2-ўринни, автокўпкураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги ва чемпионатида 1-ўрин, ўсмир-ёшлар ўртасидаги ракетамодель спорт тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги ва чемпионатида ҳам 1-ўринларни эгаллаганликлари бунинг ёрқин далилидир.

Ёзги мавсум давомида ҳам вилоят кенгаши ходимларининг яхши дам олиши ва уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш мақсадида спорт-соғломлаштириш клубида таъмирлаш ишлари олиб борилиб, уларга 1 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Аҳмаджон ҲОЖИНАЗАРОВ.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Резервдаги офицерларни тайёрлаш

ТАЛАБАЛАР – ПОЛИГОНДА

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар бугун миллий армиямизни ҳар томонлама шакллантириш ва такомиллаштиришга асосланган. Жумладан, резервдаги офицерларни тайёрлашга бўлган эътиборда ҳам буни кўриш мумкин.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Чақириққача ҳарбий ва жисмоний тарбия факультетида ҳам бу борада талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда талабалар тўрт йил давомида ўқиб, ҳарбий билим ва кўникмаларга эга бўлишади.

– Факультетимиз республикамиз ўрта махсус таълими тизимига, чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиларини етказиб бермоқда, – дейди майор Холбой Каримов. – Талабалар факультетни битириб, резервдаги офицерлар сифатида лицей ва коллежларда таълим олаётган ёшларга илк ҳарбий билимларни беришади.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни келажакда ўзи танлаган касблари бўйича ўқиб-ўргатиш ўқитувчилардан ўта олижаноблик ва тажриба талаб қилади. Буни чуқур ҳис қилган факультет жамоаси талабаларнинг ҳар томонлама билим ва тажрибага эга бўлишлари учун доимо изланиб, меҳнат қилиб келяпмоқда.

Яқинда ушбу факультет талабалари Мудофаа вазирининг буйруғига асосан, полигонда бўлишиб, дала-ўқув машғулотларини ўташди.

– Талабаларда дала-ўқув машғулотларига қизиқиш катта, – дейди йиғин бошлиғи офицер Шуҳрат Якубов. – Улардаги тартиб-интизом, ҳақиқий ҳарбийча ҳаёт, билимга чанқоқлиги мени анча руҳлантирди.

Талабалар полигонда тактик машғулотлар, саф тайёргарлиги, отиш, техника тайёргарлиги ва бошқа бир қатор машғулотлар бўйича олган билимларини амалиётда ўташди.

– Мен муддатли ҳарбий хизматдан тавсиянома билан қайтдим, – дейди талаба Толибжон Абдуллаев. – Ушбу факультетга ҳужжат топшириб, юқори балл билан ўқишга қабул қилиндим. Армияда олган билим ва кўникмаларим бу ерда жуда асқотмоқда. Ҳозирда гуруҳ командирининг ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатиб келяпман. Устозлардан эгаллаган билимларимизни полигонда амалиётда синаб кўрдик. Айниқса, тактик машғулотлар давомида хизматда офицер ва сержантлардан ўрганганларим катта ёрдам берди. Отиш тайёргарлигида 45 балл тўпладим.

Талабаларга Илҳом Икромов, Шуҳрат Дадабоев, Улуғбек Мамуров каби малакали ва кўп йиллик тажрибага эга офицерлар сабоқ бериб келишмоқда.


– Факультетимизда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳам кенг алоқалар йўлга қўйилган, – дейди факультетдаги «Ватанпарвар» бошланғич ташкилоти раиси талаба Зафар Каримов. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган талабалар доимо фаоллар қаторида саналиб, бошқаларга ҳам барча жараёнларда ўрнак бўлиб келишмоқда. Яқинда ўтказилган республика талабаларининг «Универсиада – 2007» мусобақаларида факультетимиз талабалари университетимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

– Ҳарбий хизмат менинг ҳаётимда улкан ўзгаришлар қилди, – дейди талаба Санжар Хўжамуродов. – Армияда ҳар томонлама чиниқдим, тобландим. Ҳарбий билимлар билан бир қаторда маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий билимларга ҳам эга бўлдим. Жисмонан ва руҳан етилдим. Полигондаги машғулотлар менга муддатли ҳарбий хизматимни эслатди. Шунинг учун машғулотларга жиддий эътибор бериб, билим ва кўникмамни яна бир бор синовдан ўтказдим. Мақсадим ўқишни аъло баҳоларга тугатиб, ўз соҳам бўйича фаолият юритиб, ёшларга илм бериб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишдир.

Талабалардан – Нодир Шоилҳомов, Бекзод Муродов, Фирдавс Музаффаров, Абдулло Ирисовлар ҳам юқоридаги гуруҳдошларининг фикрларига қўшилиб, уларга таълим-тарбия бериб келаётган фидойи устозларига миннатдорчилик билдириб қолишди.

Аҳрор РАЖАБОВ.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Шоир Омон Абдулланинг мазкур шеърида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси сезилиб туради. У кўнглидаги бу самимий туйғуларни шеърий сатрлар орқали ифода этиб, ёшларни ҳам Ватанни севишга, ардоқлашга ва энг асосийси юрт учун жонини берадиган муносиб фарзанд бўлишга даъват этади.

АЖДОДЛАР НИДОСИ

Юртни сев, ўп хокини, мард бўл, танти, эр болам,
Халқинг кўтариб бошга, зўр ўғлоним дер, болам.

Елка тут эл юкига, ғамига бўлгин шерик,
Нокасу нодонлардан йироқ юргин, шер болам.

Гул унсин қадамингдан зулматни нурдай ёрит,
Дилингда ловуллаган бўлсин олов – қўр, болам.

Тавоф айла тупроқни заррасин кўзингга сурт,
Ёмон бўлма, дегайлар пешанаси шўр, болам.

Кўзингни оч атрофга назар сол, боқ оламга,
Гуноҳу савобни бил, демасинлар кўр болам.

Ватан меҳри юракда ёнсин шамсу қамардай,
Миллат дардига дармон бўлгин, бўлма ғўр болам.

Тавсияномa – муҳим имтиёз

КАТТА ҲАЁТГА МУҲИМ ОДИМ

Ҳукуматимиз томонидан келажагимиз давомчилари бўлган ёшларга катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг мукаммал шахс сифатида камол топишлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар муҳайё. Ўқиш ва ишларида уларга чексиз имкониятлар берилиб, улкан ғамхўрлик қилиб келинмоқда.

Миллий армиямизда хизмат қилаётган йигитларимиз ҳам бундан мустасно эмаслар. Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган йигитларимизга келажак ҳаётларида муҳим ўрин тутадиган қатор имтиёзлар яратилган. Шулардан бири тавсияномадир.

Муҳиддин Норов ҳам хизматини муваффақиятли ва намунали ўтаб, тавсияномани қўлга киритган ўғлонлардан. У шу кунларда Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга кириш мақсадида, тест синовларига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

– Муддатли ҳарбий хизматни мотоўқчилар ҳарбий қисмида ўтадим, – дейди у. – Бу хизмат менга катта сабоқ берди. Малакали офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳа сир-асрорларини мукаммал ўргандим. Шу билан бирга бўш вақтларимда қисм кутубхонасидан унумли фойдаландим. Ҳаёт мактаби аталмиш армия мени ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди.

Муҳиддин ҳозирда университет ҳузурида ташкил этилган махсус тайёрлов курсида сабоқ олиб, билимларини янада бойитмоқда. Университетнинг ўқув-услубий бошқармаси раҳбари, юридик фанлар номзоди В.Топилдиевнинг таъкидлашича, тайёрлов курсида муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар бепул сабоқ олишиб, бу имкониятдан унумли фойдаланмоқдалар.

Муҳиддин каби Ватан олдидаги шарафли бурчини муносиб адо этиб, юзи ёруғ бўлган ва ўз келажагини яратиш йўлида юксак илм чўққиларини забт этиш ниятидаги ёшларимизга омад тилаб қоламиз.

Аҳрор НОЗИМОВ.



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

● Олтин давр гашти

ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Доимий рукнимиз бугунги меҳмони Каниза Ҳайитова. Пойтахтимиздаги академик лицейлардан бирини аъло баҳолар билан тамомлади. Хориж тилларини ўрганишга, келажакда ўз касбининг билимдони бўлишга астойдил интилаётган қиз айни пайтдаги бутун диққат-эътиборини олий ўқув юртига ўқишга кириш имтиҳонларига қаратган. Пухта ҳозирлик кўраётган абитуриент ўз билими ва иқтидори, муваффақиятига чин кўнгилдан ишонади. Ўйлаймизки қатъиятли қиз, албатта, ўз ниятига етади.

МАМНУН ВА МИННАТДОР

Чирчиқ гарнизони офицерлар уйи қошида фаолият кўрсатувчи курсларнинг навбатдаги битирувига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда ушбу маскан бошлиғи офицер Александр Налибоев, курс ўқитувчилари ва ота-оналар битирувчиларни табриклаб, ўзларининг эзгу тилакларини билдирдилар. Дипломларни топшириш маросимидан сўнг, 9-умумтаълим мактаби ўқувчилари, курсларда таҳсил олувчилар томонидан қизиқарли концерт дастури, саҳна чиқишлари тақдим этилди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари битирувчилар томонидан тайёрланган кўргазмадан баҳраманд бўлдилар.

Маълумки, офицерлар уйи қошида ташкил этилган ва шу пайтга қадар кўплаб ўғил-қизлар, асосан ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучларимиз хизматчилари фарзандлари тугатган курсларда муайян касб сир-асрорларини ўрганиш учун барча шарт-шароитлар, қулайликлар муҳайёдир.

– Бугунги кунда ўндан ортиқ курслар болажонлар ихтиёрида, – деди курслар тармоғи бошлиғи Лола Иркабаева. – Бичиш-тикиш, пиширик, бухгалтерлик, компьютер саводхонлиги, уй ҳамшираси, сартарошлик, шарқ рақслари мактаби шулар жумласидандир. Ўқиш муддати икки ойдан тўрт йилгача. Масалан, ёзги таътил вақтида ўғил-қизлар баъзи курсларни тугатишлари мумкин. Таътилни ана шу курсларда мазмунли ва унумли ўтказаётганлар, демакки касб ўрганаётганлар сонининг кўплиги қувонарли, албатта.

Таъкидлаш жоизки, таҳсил жараёнига жалб этилган ўқитувчилар кўп йиллик тажриба ва малакага эга. Э.Зийниддинова, Г.Михальченко, Ф.Асраева, Г.Асқарова, М.Нурматова, М.Хаканова, А.Усербаевалар намунали фаолиятини тилга олиб ўтиш ўринлидир.

– Тўрт йил давомида каштачилик, нақшли, бисерли ва бошқа турли либослар тикиш сирларини ўргандим, – дейди куни кеча қўлига диплом олган, нигоҳларида қувонч акс этаётган битирувчилардан бири Александра Мальнева. – Албатта, ўқитувчиларимдан бениҳоя миннатдорман.

– Тикувчилик ўғил болалар иши эмас, дейди баъзи тенгдошларим, – ўз фикрини баён эта бошлади Михаил Лян. – Мен бундай ҳисобламайман. Асосийси, кишида ихлос ва қизиқиш бўлса, бас. Бичиш-тикиш курсларида ўқиш даврида кўп бор энг юқори кўрсаткичга эришганлар сафидан жой ола билдим. Ўйлайманки, келажакда касбимнинг етук мутахассиси бўламан.

Дарвоқе, навбатдаги битирувчилар орасида шу пайтга қадар бошқа курсларни ҳам тугатганлар бор экан. Муҳими, таҳсил олаётган ҳар бир ўғил-қиз, уларнинг ота-оналари берилаётган янги билим ва кўникмалардан жуда мамнун ва миннатдорлар.

Катта лейтенант Учқун САИДНАЗАРОВ.

САЛОҲИЯТ – ЮРТ РАВНАҚИГА

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ёшларимиз муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ўсиб улғайиб келаётган ўғил-қизлар эртанги кунимиз ворисларидир.

«Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъият билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турганини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман», деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов.

«Камолот» ЁИҲ ташкил топган кундан бошлаб шу кунга қадар мамлакатимиз ёшларининг аксариятини ўз атрофига жипслаштириб, бир мақсад сари тўплай олди. Бугунги кунда ушбу ташкилот юртимизнинг 4,6 миллион нафардан зиёд йигит-қизларини бирлаштирувчи энг йирик жамоат бирлашмаси ҳисобланади. «Камолот» ЁИҲ таркибида унинг ҳомийлигида фаолият кўрсатадиган «Камалак» болалар ташкилоти тузилган. Унинг 4,2 миллион нафардан ортиқ аъзоси бор. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий вазифаси ва мақсади – ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларда миллий истиқлол ғоясига асосланган мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш, ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишдан иборат.

2006 йилнинг 10 октябрида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги Қарори Ҳаракатнинг фаолиятини янада жонланишида муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб тавсияномага эга бўлган ёшларимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришларида имтиёзга эгадирлар. Аммо тест синовларида етарли балл тўплай олмаган тавсиянома соҳиблари ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий йўналиши бўйича олий ўқув юртларига тўлов-контракт асосида қабул қилиниши ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари фаолиятларида фаол иштирок этганларига контракт суммасининг 35 фоизи тўлов тариқасида тўлаб берилиши Президентимиз Қарорида кўзда тутилган. Бундай шарафга Тошкент шаҳридаги 23 та олий ўқув юртининг 841 та, республика бўйича эса 3000 га яқин талаба мушарраф бўлди.

Ишончимиз комилки, бугунги ёшларимиз ўз билим ва салоҳиятлари билан барча соҳаларда жонбозлик кўрсатиб, мустақил давлатимизнинг янада гуллаб-яшнашига, унинг тараққиётига улкан ҳисса қўшадилар.

Аҳрор НУРБЕКОВ.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Қўлларинг тумонат лашкарингдир. Кўнгилларни сенга забт этиб берадиган ҳам шу. Аксинча, одамларнинг сенга ихлосини ўлдирадиган ҳам шу қўллардир.

Қўлингнинг ҳар бир иши феълингнинг таржимаси: қилган ишингга қараб дединг, ақлинг даражасини аниқлайдилар. Ўзингга баҳо берадилар. Қўлинг сени шарманда қилиб қўймасин учун ва ёки қўлингнинг қарғишига қолмай десанг, унинг бор имконини юзага чиқар. Қўлни ғайиртирадиган эса зеҳндир! Ўшани ишга сол.

Турсуной СОДИҚОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Успешно пройдут деловые переговоры. На работе лучше не проявлять излишней инициативы. Вашу голову могут посетить разнообразные идеи. Выходные проведите в кругу семьи.

ТЕЛЕЦ

Будьте мудрее и рассудительнее. Благоприятное время для повышения профессионального уровня. Проверяйте на надежность новых партнеров. Порадует встреча со старыми друзьями.

БЛИЗНЕЦЫ

Появится возможность карьерного роста. Действуйте без излишней суетливости, чтобы не спугнуть успех. Удачно освоение новой профессии. Могут порадовать долгожданные новости.

РАК

Не распыляйтесь – поставьте себе конкретную цель. Хорошо путешествовать или принимать гостей. Деловые партнеры могут потребовать выполнения заказов.

ЛЕВ

Хорошее время для построения новых планов. Вы полны сил и энергии для дальнейшего духовного развития. Время расширения горизонтов и возможностей.

ДЕВА

Ваши чувства могут быть подвержены испытаниям. На работе успех может сопутствовать вам, если вы не будете разменяться по мелочам. Избегайте ненужных контактов.

ВЕСЫ

Прекрасный момент для повышения профессионального уровня и изучения чего-то нового. Чаще прислушивайтесь к голосу своей интуиции. Не открывайте планы малознакомым людям.

СКОРПИОН

Возможно возникновение острых и непредсказуемых ситуаций. Бережнее относитесь к документам. Вероятна напряженная ситуация. Стремитесь уехать поближе к природе.

СТРЕЛЕЦ

Нежелательно оставаться в одиночестве. Сдержанность, серьезность и готовность пойти на оправданный риск могут привлечь к вам внимание начальства и вызвать его уважение.

КОЗЕРОГ

Перед вами может встать выбор: начинать новое или продолжать старое. Прислушивайтесь к здравым советам – они могут вас многому научить. Найдите время на обучение чему-нибудь новому.

ВОДОЛЕЙ

Вам может остро захотеться разнести все вокруг. Неделя порадует открывающимися перспективами и отрадными событиями. Может поступить интересное деловое предложение.

РЫБЫ

Спешка и суета не способствуют выполнению намеченных планов. Родственники могут отвлекать и даже вызывать раздражение. В выходные постарайтесь восстановить затраченные силы.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ.

ЖЎРА ФОЗИЛ

ЁЗУВЧИЛИК КАСБ ЭМАС, ҚИСМАТ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жўра Фозил «Муҳаббатнинг байрамлари», «Барқут мавсум», «Бухоро элчиси», «Бухорийнинг қайтиб келиши», «Бахт юлдузи», «Болаликнинг ёлғиз ёдгори» каби кўплаб ҳикоялари, қисса, романлари билан адабиёт мухлисларига яхши таниш. Айрим ҳикояларидан Ватанимиз ҳимоячилари, «Ватанпарвар» муштарийлари ҳам баҳраманд бўлишган.

«Менинг ўғлим ҳам ҳуқуқ-тартибот соҳасида хизмат қилиб, юртимиз тинчлиги, осойишталиги йўлида камарбаста. Шунинг учун ҳам ҳарбийларга, юрт ҳимоячиларига ҳурматим, меҳрим баланд», дейди у. Машҳур бир ҳикоясининг яратилиш тарихи ҳарбийлар ҳузурига ташрифи билан боғлиқлиги ҳам унинг ижодкор сифатида халқ орасида, тинчлигимиз посбонлари орасида тез-тез бўлиб туришини кўрсатади. Асли касби журналист бўлган, айни пайтда «Ромитаннома» газетасининг бош муҳаррири вазифасида фаолият юритаётган бу ижодкор билан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни тантана қилинган кунларда суҳбатлашдик.



– Ватан, туғилиб ўсган юртга муҳаббат мавзуи аксарият қисса ва ҳикояларингизда асосий ўрин эгаллайди. Келинг, суҳбатни даставвал шундан бошлай қолайлик.

– Аввало, ҳар бир ёзувчининг ижодида туғилиб ўсган юрт мавзуи етакчи ўрин тутади, деб ҳисоблайман. Негаки, киндик қонингиз томган муҳитда сизнинг ҳаётга муносабатингиз, дунёқараш ва дидингиз шаклланади. Шу маънода ижодимда Бухоро ва бухороликлар мавзуига алоҳида эътибор қаратаман. Ўша олис олтинчи-еттинчи асрлардаёқ Бухорода фан, маданият, меъморчилик санъати гуллаб-яшнагани, воҳа дунёга етук олиму фозилларни етиштириб бергани маълум. Абу Али ибн Сино, Рудакий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Али Ромитаний, Бобойи Самосий, хуллас, бундайин улуғ зотларни санаб адоғига етиш қийин. Ана шундайин табаррук зотлар руҳи, шу муқаддас тупроқ олдида ҳамиша қарздормиз. Қарздорлик ҳисси бу мавзуда ижод қилишга ундаб туради. Қолаверса, болалигимданоқ юртимиз тарихи мени ҳаяжонлантириб, руҳлантириб, ўзига оҳанрабодек тортиб келган.

1995 йилда «Бухорийнинг қайтиб келиши» тарихий романини ёза бошлаганимдан сўнг тез орада маълум бўлдики, Бухоро тарихини ҳали кўп ўрганишим керак экан. Шундан сўнг Бухоро, Мовароуннаҳр, Хуросон, умуман, Марказий Осиё ва динлар тарихини қайтадан ўрганишга тўғри келди. Шу билан бир қаторда Бухорода ҳукмронлик қилган хон ва амирлар, Бухоро билан боғлиқ мамлакатлар – Россия, Рум, Ҳиндистон, Хитой тарихига мурожаат қилдим. Туркий миллатларнинг келиб чиқиши тарихини ўргандим. Фақат шундан кейингина, 1997 йилда романни ёзиб тугалладим.

– Суҳбатларингиздан бирида ёзувчи учта дунёда умргузаронлик қилади, қабилидаги бир фалсафани илгари суриб, ижод машаққатидан сўз очгансиз. Шундан келиб чиқиб, бир савол бермоқчиман: ёзувчи ким, ижод нима?

– Билсангиз, ёзувчилик касб эмас, қисмат. Қисматни эса танламайдилар, ўзи сизни танлаб олади. Ёзувчилик қисмат бўлиш билан бирга турмуш, яшаш тарзи ҳамдир. Одатда ёзувчининг ҳаётдаги жамики воқеа-ҳодисаларни баҳолашда ўз фикри, нуқтаи назари бўлади. Ҳатто айрим ҳолларда кўпчилик қабул қилган фикрларни инкор қилишга тўғри келади. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, ёзувчиликни оғир қисмат, деган бўлардим. Аммо ҳаётни қайтадан бошлашга тўғри келганида ҳам мен ёзувчиликни танлаган бўлардим. «Энг ғамгин қувонч – шоир бўлиш қувончидир» деган экан, испан шоири Гарсиа Лорка. Ёки бўлмаса «Ижодкор шундайин бир дарахтки, унинг мевалари ғамдан иборатдир», деган гап ҳам бор. Мен бу ғамни ойдин ғам, кишиларни, ўқувчини яхшилик, эзгулик сари етакловчи ғам, деган бўлардим.

Ижод – яратиш, яратувчанлик дегани. Ижод шундайин бир мураккаб ва айни пайтда илоҳий жараёнки, у сизни турмуш икир-чикирларидан юксак қўйиб, маънавий жиҳатдан бойитади.

Ёзувчи аввало ўзимиз билган шу кўҳна дунёда, қолаверса, ўзи ёзган асарлари дунёсида, ниҳоят, ўз дунёсида яшайди. Ёзувчининг бахтига ҳам, балким шўрига ҳам, шахсининг мураккабликларига ҳам ана шу учинчи дунё – ижод олами сабаб.

– Ўз оламингизга, ижод оламига кира олмаслигимиз аниқ. Аммо «ҳеч ким дахл қила олмайдиган оламингизда нима гап, қандайин янги асарлар кутишимиз мумкин?» дея савол берсак бўлар?

– «Тирамоқ армонлари» дея номланган янги романни яқинда нашриётга топширдим. Шунингдек, «Ромитаннома» номли эсселар тўпламини тайёрлаганман. Бунда ўзим туғилиб-ўсган туман тарихи, истиқлол сабаб гуллаб-яшнаётган бугуни ҳақида ҳикоя қиламан.

– Ёзувчи Жўра Фозилни ўз оламида қолдириб, суҳбатни журналист Жўра Фозил билан давом эттирсак. Негаки, республикамизда сизни тажрибали журналист, публицист сифатида ҳам яхши билишади. 15 йиллик даврни ортда қолдирган «Ватанпарвар» газетасининг республика оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўрнига, қолаверса, ислоҳотлар жараёнидаги фаолиятига қандай баҳо берган бўлардингиз?

– Аввало, фурсатдан фойдаланиб, газета ижодкорларини 15 йиллик тўй билан самимий қутлайман. Келинг, яхшиси гапни миллий армиямиздаги улкан ислоҳотлар, ўзгаришлардан бошлайлик. Мен ҳам аскар бўлганман. Аммо бугунги аскарга, посбон ўғилларимизга, укаларимизга ҳавасим келади. Шу жумладан, юрт ҳимоячиларининг севимли нашри «Ватанпарвар»га ҳам. Бугун мустақил Ўзбекистон аскарининг мақоми баланддан-баланд. Бунда «Ватанпарвар»нинг ҳам алоҳида хизматлари бор.

Газета миллий армиямиз шаклланувини йўлидаги ислоҳотлар билан қадамба-қадам олға ташламоқда. Очиғи, газетанинг ҳар сонини интиқлик билан кутаман. Гап газета саҳифалари камалак рангида жилоланиши ёки нашрни тайёрлашда замонавий дизайннинг илғор ютуқларидан фойдаланишда ҳам эмас. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги, ҳарбий соҳадаги ислоҳотларни кенг ёритишда газета ўз ўрнига, ўз сўзига эгалиги журналист сифатида эътиборимни тортади.

Ҳарбий журналистларга ҳавасим келади. Таъбир жоиз бўлса, «Ватанпарвар» газетаси мактабида мустақил Ўзбекистон ҳарбий журналистикаси оёққа турди ва шаклланмоқда.

– Тажрибали журналист сифатида ҳамкасбларга ва муштарийларимизга қандай тилакларингиз бор?

– Журналистика оламига матбаа соҳаси орқали, аниқроғи, босмахонада ҳарф терувчи сифатида кириб келганман. Республикамиздаги машҳур иқтисодий ҳафталик «Мулкдор»да ҳам фаолият юритганман. Демоқчиманки, газета ишини, матбуот ишини яхши тушунаман. Журналистика адабиётнинг разведкачиси, деган бир гап бор. Шу маънода журналистика ёзувчи учун битмас-тугунмас мавзулар, ҳаётий материаллар, таассуротлар манбаидир. Журналистларни тақдири доимо халқ билан боғланган, элюртнинг қувончи ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қилувчи инсонлар, деган бўлардим. Ҳамкасбларимга мустаҳкам соғлик, ижодий парвозлар, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тилайман. «Ватанпарвар» муштарийлари севимли газетасини доимо соғиниб яшашсин.

Шерзод ТОЛМАСОВ суҳбатлашди.

Мулоҳаза

ТИЛИМИЗНИНГ ЭЛЕКТРОН ДАСТУРИ ЯРАТИЛСА

Истеъмолда бўлган ҳар бир тирик тил неча-неча асрлар давомида сайқалланиб боради. Жумладан, ҳозирги ўзбек адабий тили ҳам бизга қадар қуйидаги бир неча босқичларни босиб ўтганлиги илмий манбаларда қайд этилган.

Энг қадимги туркий тил (VII асргача бўлган давр), қадимги туркий тил (VII-XI асрлар), эски туркий тил (XI-XIII асрлар), эски ўзбек адабий тили (XIV-XIX асрлар), янги ўзбек адабий тили (XX асрнинг 20- йилларигача), ҳозирги ўзбек адабий тили (XX асрнинг 20- йилларидан то бугунги кунгача) бўлган даврни қамраб олади.

Ҳозирги адабий тилимиз ана шу тарихий илдизлардан ўсиб чиқиб шаклланди ва такомиллашди. Ўзбек адабий тили кўп сонли миллатимизга хизмат қилиш баробарида яна кўплаб вазифаларни бажаради.

Соҳага доир адабиётлар устида ишлаш асосий тушунчалар, атама ва назарий умумлашмалар билан танишиш, тил эрархиясидаги фонетик - фонологик, лексик-семантик, грамматик сатҳларига муносиб бирикмаларнинг адабий тил учун меъёр бўлган ва меъёр бўлмаган белги, хусусиятларни қиёсан ўрганиш, таҳлил қилиш, бу соҳадаги мунозарали нуқталарни аниқлаш, тилимизнинг тарихий илдизлари диалектал асослари, адабий тил тараққиётини белгиловчи ички (лингвистик) ва ташқи (экстролингвистик) омиллар ҳақида маълумот бериш шулар жумласига киради.

Адабий тилни бойитишдаги биринчи омил лексикологиямиз, яъни луғат бойлигимиз ҳисобланади. Тилимизда қанча кўп сўз бўлса, адабий тилимиз, сўз бойлигимиз шу даражада кучайиб боради. Лексикани бойитишда икки омил катта аҳамият касб этади.

Лингвистик (лисоний) омиллар :

буларга тилимизнинг структуравий ва системавий хусусиятлар – фонемалар тизими, луғат бойлиги ва бойитиш жараёнлари, морфема типлари, сўз ясаш модиллари, грамматик кўриниши, лексик, грамматик бирликларнинг семантик ва функционал хусусиятлари, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни белгиловчи қоида – қонуниятлар киради ҳамда адабий тил тараққиёти биринчи бўлиб ана шуларга таянади.

Экстролингвистик (нолисоний) омиллар:

буларга тилдан ташқарида мавжуд бўлган фактлар киради.

Ижтимоий тизим формалари, тарихий жараёнлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий алоқалар, илм-фан ривожи, ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти шулар жумласидандир. Бугунги кунда тилимиз лингвистик ва экстролингвистик омиллар натижасида кўплаб ўзгаришларга эга бўлмоқда. Бу жараён эса лексикамизни қайтадан ислоҳ қилиш кераклигини кўрсатмоқда. Бизнинг фикримизча, ўзбек тилининг мукаммал луғат тўпламини шевашунослик касб-ҳунар, архаик сўзлар, неологизм сўзлар, ўзлаштирма сўзлар йўналишлари бўйича қайтадан кўриб чиқиш керак.

Мазкур мураккаб ва масъулиятли иш тилшуносларимиз томонидан юқори даражада бажарилганидан сўнг луғатимиздаги ҳар бир сўзнинг валентлигини ҳам ишлаб чиқиш керак бўладики, бу ҳолат лексикамиздаги кўплаб ноаниқлик ва чигалликларга барҳам беради. Луғатимиздаги барча сўзларнинг валентлиги ишлаб чиқилгандан сўнг, лексикамизнинг компьютердаги электрон дастурини яратиш бирмунча осон кечади.

Ушбу электрон дастур ўзбек тилидан фойдаланувчи кишиларнинг мушкулларини бирмунча енгиллаштиради. Ўзбек тили луғатининг электрон дастури фойдаланувчиларга кўплаб қулайликлар яратади. Масалан, тил ўргатади, тил ўрганишда асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади, ўзбек тилидаги маълум бир матнни бирор бир хорижий тилга, хорижий тилдаги матнни эса ўзбек тилига автоматик равишда таржима қилиш, хорижий вакиллар нутқини электрон дастур орқали ҳеч бир камчиликсиз автоматик тарзда таржима қилиш имкониятларини беради. Демак, бу йўлда барчамиз бир тану бир жон бўлиб, меҳнат қилишимиз, салоҳиятимизни ишга солишимиз лозим. Зеро, машойихларимиз айтганидек: тил гўёки тирик жон, унинг ҳар бир аъзосини озиқлантириб туриш бизнинг энг асосий вазифаларимиздан биридир.

Суннатилла ДАНГАЛОВ,
Низомий номидаги ТДПУ,
Ўзбек тили ва адабиёти факультети
III курс талабаси.

Тарих садолари

УЛУҒБЕК ХУМЧАСИ

Буюк аждодимиз Мирзо Улуғбекка тегишли бўлган мазкур хумча Темурийлар даврида нефритдан тайёрланган энг гўзал ва нафис дурдоналардан биридир. Хумча Улуғбекнинг буюртмаси бўйича тайёрланган. Унинг юқори қисмида акс этган ёзув бундан далолат бериб турибди. XVII асрда хумча Бобурнинг эвараси Жаҳонгиршоҳга тегишли бўлганлиги сабабли унинг исми ҳамда мансаби хумча тутқичи тагига ўйиб ёзилган. Шунингдек, унда 1613 йил санаси ҳам қайд этилган. Тутқичдан юқорида эса хумчани Жаҳонгиршоҳнинг ўғли – Шоҳ Жаҳон мерос қилиб олганлигидан гувоҳлик берувчи бошқа ёзув бор. Шунингдек, бу жойда 1646 йил санаси ҳам қайд этилган.

Ҳозирги кунда Улуғбекнинг нефрит хумчаси хусусий мулкка айланган ва Лиссабон (Португалия)даги Гулбенкян музейида намойиш этилмоқда. Хумча у томонидан 1927 йилда Лондондаги Кристи аукционида сотиб олинган. Хумча нефритнинг энг ноёб ва асл турларидан бири бўлмиш оқ-ҳаворанг нефритдан тайёрланган. Халқ табобатидан маълумки, нефрит буйрак касалликларида яхши ёрдам беради ва агар у узоқ вақт давомида белга боғлаб юрилса, сурункали оғриқлар ҳамда бошқа азоб берувчи белгилар (симптомлар) бутунлай йўқолиб кетади. Нефрит сўзи испан тилидан таржима қилинганда «бел тоши» маносини англатади.



Нефритнинг эриши қийин, унга кислоталар таъсир кўрсата олмайди, юқори пишиқликка эга. Ибтидоий одамлар нефритдан пичоқ ва болталар, камон ўқи ва найзалар учун учлик (тиғ) тайёрлаганлар. Маълумки, Чингизхон ҳам нефритга ҳурмат билан қараган, ҳатто унинг шахсий муҳри ҳам нефритдан тайёрланган ётган йўлбарс сиймоси кўринишида бўлган.

Қадимги Хитойда нефрит миллий тош, деб ҳисобланган. У жуда юқори баҳоланганлиги сабабли, ундан тангалар билан бир хил қийматга эга бўлган нишонлар ва безаклар тайёрланган, нефритдан қилинган жуфт пластиналар эса император элчилари учун паспорт вазифасини бажарган. Хитой императорининг тахти ҳам нефритдан ясалган, зодагонлар нефрит идишларда овқатланишган, ундан тайёрланган узуклар эса юқори табақа рамзи бўлиб хизмат қилган. Қадимги Хитойда нефрит кукуни билан кўплаб касалликларни даволашган. Абу Али ибн Сино у билан ошқозон касалликларини даволаганлиги ҳам маълум. Хитойликлар, шунингдек, бу тош тутун заҳрини йўқ қилишига ишонишган ва фақат нефрит найли чилимдан чекишган экан.

Улуғбек хумчасига келсак, у нима учун мўлжалланганлиги ҳақида ҳеч нарса маълум эмас. Бироқ шуни тахмин қилиш мумкинки, заҳарланиш хавфи мавжуд бўлган даврда (ахир ҳатто Темурнинг умр йўлдоши Сарой-мулкхоним эрининг вафотидан сўнг кўп ўтмасдан ўткир оғу билан заҳарланган эди) Улуғбек саройида заҳарга қарши турли дори ва малҳамлар яхши маълум бўлган. Нефритнинг заҳар кучини кесиш хусусиятларини яхши билган Улуғбек хумчадан ичимлик сувини ичиш учун идиш сифатида фойдаланган бўлиши мумкин. Бобурнинг авлодлари эса, эҳтимол, хумчани оилавий ёдгорлик, Темурийлар наслига тегишли эканликларининг моддий далили сифатида сақлаган бўлсалар керак.

Ва яна нефрит ҳақида. Ҳаммасидан ҳам зумрад-яшил рангли нефрит юқори баҳоланади. Ўз вақтида унинг 1 килограмми учун 1000 олтин сўм тўланган даврлар ҳам бўлган. Амир Темурнинг Самарқандда бунёд этилган Гўри Амир мақбарасидаги қабр тоши айнан ана шундай нефритдан тайёрланган. Бу, балки, шу рангдаги нефритдан тайёрланган дунёдаги энг катта ёдгорлик бўлса керак.

Афсонага кўра, ушбу тош қачонлардир Хитой императорига тегишли бўлган ва унинг саройидаги хазинада сақланган. Тош илоҳий кучга эга, деб ҳисоблашган. Мўғул хони қароргоҳига қандай келиб қолгани эса номаълумлигича қолмоқда. Аммо шу нарса аниқки, 1425 йилда Мўғулистон хони Шермуҳаммад ўғлон ўзини мустақил хон деб эълон қилгач, Улуғбек унга қарши юриш қилган ва Кетмонтепа водийсида зафар қозонган. Абдураззоқ Самарқандийнинг гувоҳлик беришича, Улуғбек амир Жаҳонга тошни Самарқандга олиб боришни буюрган. Маҳоратли усталар ундан Амир Темур сағанасига қабртош тайёрлашган. Тошдаги лавҳада Темурни улуғлайдиган сўзлар, унинг шажараси ҳамда марсиялар ўймакори ёзувларда битилган. 1740 йилда Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Аштархонийлар сулоласидан бўлган Бухоро хони Абулфайзхонни ўзига бўйсундириб, гўёки Темурнинг нефрит қабртошини Машҳадга олиб боришни буюрган. Бироқ Нодиршоҳнинг ўзи қилган шаккоклиги учун хавотирга тушган ва қўрқинчда бўлган. Афсонага кўра, дарёдан кечиб ўтилаётган вақтда тош агдарилиб кетган ва иккита бир-бирига тенг бўлмаган бўлакка ажралиб кетган. Оллоҳнинг ғазабидан қўрққан Нодиршоҳ шу заҳотиёқ фикридан қайтган ва тошни ўз ўрнига қайтаришни буюрган. Тош Самарқандга олиб келингандан сўнг қўли гул усталар иккала бўлакни бирлаштиришган. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Нодиршоҳ етти йилдан сўнг фитначилар томонидан ўз чодирида ваҳшиёна ўлдирилган.

С.ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

КИНО ОЛАМИДА

ЎТОВ



Мустақиллик байрамимизда ҳар бир соҳа вакиллари ўзларининг янги ютуқларини улуғ байрамимизга туҳфа қилишга ошиқишади. Бу йил ушбу шодиёнага муносиб совға тайёрлаш мақсадида Ўзбеккино миллий агентлиги ижодкорлари ҳам астойдил ҳаракат қилишди. Натижада янги бир картина суратга олинди. Ушбу фильм сценарийси ёш ва иқтидорли кинодраматург Ёлқин Тўйчиев томонидан ёзилган. Унинг режиссёри эса Аюб Шаҳобиддинов. Бу иккала ёш ижодкор ҳам ҳозирга қадар қайсидир маънода ўзбек киноси оламида ўз «сўзи»ини айтиб улгурган, десак хато қилмаган бўламиз. Энди эса уларнинг ҳамкорлиги халқимиз учун жуда қадрли мавзу талқинига қаратилган. Зеро, «Ўтов» картинасида мустақилликнинг том маънодаги моҳияти намоён бўлган.

Истиқлолимиз барчамизники, халқимизники экан, фильмда айни шу жиҳатга катта эътибор қаратилади. Ватанимиз эришган ҳурлик ва озодлик оддий ўзбек оиласи талқинида ёркин тарзда акс этади.

– Ҳар бир инсон борки, қандай шароитда яшамасин, барибир ўз миллий қадриятларини асрашга, эъзозлашга интилади, – дейди фильм режиссёри Аюб Шаҳобиддинов. – Янги фильмимиздаги қаҳрамонлар ҳам худди шундай. Шаҳардан анча олисда яшаган оддий бир оилада ҳурлик, мустақиллик каби улуғ тушунчаларнинг ўзига хос талқинини ёритишга ҳаракат қилдик.

Дарҳақиқат, ҳар бир ватандошимиз юртимизнинг қай бир ҳудудида истиқомат қилмасин, унинг руҳияти ва дунёқараши, ҳаёти ва турмуши, орзу умидлари, мустақиллигимиз билан ҳамоҳанг. Зеро, нё-не заҳматлар эвазига эришилган истиқлол халқимизнинг олам-олам эзгу орзуларига кенг йўл очди. «Ўтов» фильмида айнан мана шу жиҳат кадрга кўчган. Фильмда бош қаҳрамонлар образини таниқли актёрлар – Нозим Тўлаҳўжаев ҳамда Раъно Шодиева билан бир қаторда ёш актёр Азиз Раметовлар талқин қилишган.

– Ушбу картинани суратга олиш мен учун ўзига хос тажриба бўлди, – дейди фильм режиссёри. – Аввал бундай мураккаб жанрли фильм суратга олиш у ёқда турсин, ҳатто тасвирга олиш жараёнида ҳам иштирок этмаганман. Фильмнинг тўрт нафар қаҳрамони тўрт хил дунёқарашга эга бўлган одамлар. Масалан, улардан бири гунг аёл образи. Ҳатто гапира олмайдиган шу аёлнинг ҳам мустақиллик борасида ўз қарашлари мавжуд.

– Бу аёл образини яратишда ниҳоятда қийналдим, – дейди актриса Раъно Шодиева. – Чунки унинг характерини очишда асосан имо-ишора ва юз ифодасига катта эътибор бериш керак эди. Энг асосийси, қаҳрамонимнинг муҳаббат туйғусини сўзсиз ифода этишдек қийин кадрларни суратга олиб якунладик.

Мазкур фильмнинг суратга олиш ишлари шу йилнинг апрель ойида бошланган эди. Тасвирга олиш ишларининг асосий қисми гўзал Бойсунда амалга оширилди. Яқинда фильмнинг сўнгги кадрга олиш ишлари ҳам якунланди ва монтаж ишлари бошланди.

– Сценарий бўйича барча кадрлар суратга одинганлиги боис, монтаж ишлари узоққа чўзилмаяпти, – дейди оператор Азиз Орзиқулов. – Бу картина ҳозирча менинг мустақил дебют ишим. Фильмнинг тасвир ечимини танлашда асосан режиссёр билан ҳамкорликда иш юритдик. Монтаж жараёнида кўриб гувоҳи бўлаяпмизки, ҳатто энг мураккаб бўлган кун чиқиши ва ботиши, кучли шамол каби кадрларидан ҳам ижодкорларнинг кўнгли тўлмоқда.

Ҳозирча фильм ижодкорлари «Ўтов» картинасини энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида катта экранга олиб чиқишни мўлжаллашаяпти. Мустақиллик байрамимизнинг 16 йиллик шодиёналари олдидан киноишқибозларга тақдим қилинадиган янги фильм ҳурликни қадрлаган юртдошларимиз учун ҳақиқий туҳфа бўлди, десак тўғрироқ бўлади.

Карина ҚУРБОНОВА.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Алижон Итолмасович САФАРОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3814. **Адади** 24840.